

# МИГРАЦИЯ: МУСОФИР ВАТАНГАДОЛАР



**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА  
МАЪРИФАТ КЕНГАШИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МИГРАЦИЯ: МУСОФИР  
ВАТАНГАДОЛАР**

**«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2015**

**УЎК: 325.1**

**КБК: 60.54**

**M13**

Миграция: Мусофир ватангадолар/ Ф.Парманов, Ш.Тўраев, И.Даминов, Ш.Тоғаев. –Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2015. –112 б.

**Масъул муҳаррир:**

А.Маврулов,

*тарих фанлари доктори, профессор*

**Такризчилар:**

С.Мамашокиров,

*фалсафа фанлари доктори, профессор*

А.Сеитов,

*социология фанлари номзоди, доцент*

Ушбу монография глобализув даврида айниқса муҳим ва долзарблик касб этиб турган миграция, унинг турлари, оқибатлари масалаларига бағишланган. Монографияда манзил мамлакатларнинг мақсад-муддаолари, намунтазам мигрантлар дуч келиши мумкин бўлган турли кўринишдаги таҳдидларга алоҳида эътибор қаратилган. Монографиядаги маълумотлар дунё тажрибасига таянган ҳолда келтирилган. Ундаги донор мамлакатлар дуч келаётган муаммоларга тааллуқли фактик материаллар бугунги кун ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлгани боис ҳам, муҳим аҳамиятга эга.

Монография маънавий-маърифий соҳа мутахассислари, таълим тизимининг барча бўғинлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, магистрлар ва ушбу мавзу билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Монография Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот – таҳлил департаментининг 2015 йил 12 мартдаги 07/2-141 сонли топишириги асосида йўлланган “Республикада маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастур бўйича тайёрланди.

**УЎК: 325.1**

**КБК: 60.54**

**ISBN: 978-9943-4581-5-4**

© «Sano-standart» нашриёти, 2015

## КИРИШ

Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолининг даромади ва яшаш шароитлари бўйича кескин табақаланишига йўл қўймаслик масалаларига катта<sup>1</sup> эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ёш авлоднинг бандлигини таъминлаш бўйича фаол социал-иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий сиёсат олиб бориш доимий диққат-эътибор марказидан ўрин олган.

Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, “жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирдик. Ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айни ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади.<sup>1</sup>”

Бир қатор омилларнинг, биринчи навбатда, демографик омилнинг таъсирида мамлакат иқтисодиёти ички меҳнат бозоридаги талаб даражасини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмас. Мамлакат олимларининг аксарияти мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги ўрни ўзига хос эканини қайд этишади. Бу ҳудудда 50 миллиондан ортиқ одам истиқомат қилади, Ўзбекистон эса Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп бўлган мамлакатдир<sup>2</sup>.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, меҳнат ресурсларининг миграцияси барча мамлакатларга хос бўлган табиий иқтисодий жараёндир. Глобллашув жараёнлари натижасида эса ишчи кучининг миграцияси сайёравий кўлам касб<sup>196</sup> этди ва замонавий

<sup>1</sup> “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир”/Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//<http://uza.uz/oz/politics/29870/>

<sup>2</sup> Жумладан, бу ҳақда қаранг: М.Бекмурадов. Политизация воды или пагубные последствия нарушения экологического баланса. // <http://www.gorizont.uz/cgi-bin/main.cgi?raz=1&id=468>

меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятига айланиши билан бирга, бутун жаҳон иктисодиётининг маълум бир белгисига айланди.

Шу билан боғлиқ равишда, маҳаллий мутахассислар томонидан социологик ёндашувни қўллаш янги бўлиб, алоҳида долзарблик касб этмоқда, зеро, мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлили кўрсатганидек, бугунги кунда мазкур масала асосан хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва улар кўпроқ мигрантларнинг янги ижтимоий, маданий, этник муҳитга мослашиши муаммосига эътибор қаратадилар<sup>3</sup>. Ўз навбатида, социологик таҳлил масалани ўрганиш доирасига жалб этилган шахсларга (респондентларга) борадиган манзилларининг ўзлари учун маъқуллик даражасини, шахслараро муносабатларнинг хусусиятларини, юртдош-мигрантлар жамоаларининг фаолияти (бирдамлиги)ни, қариндошлик ва дўстона муносабатларни, этник гуруҳларнинг аввалги миграция тажрибасини акс эттирувчи тарихий анъаналарни баҳолаш имконини беради.

Шу билан бирга, сўнгги йиллардаги миграцион жараёнларнинг фаоллашуви фуқароларнинг хориждаги иш фаолияти даврида ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси масалалари билан боғлиқ янги таҳдидларни юзага келтирди. Бунда меҳнат миграциясида иштирок этаётган Ўзбекистон фуқароларининг ишга жойлашиш пайтида улар тўқнаш келаётган кийинчиликлар чет элларда бандликни бошқариш учун зарур янги ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу билан боғлиқ равишда, миграцион жараёнларни ўрганиш, уларнинг ёшларга таъсири ва уларнинг иштироки даражаси, шунингдек, бу жараён билан боғлиқ асосий муаммоли жиҳатларни ўрганиш масалаларининг долзарбланиши кузатишмоқда. Мазкур рисолада соҳага оид мавжуд адабиётлар, эксперт сўровлари жараёнида олинган миллий экспертларнинг фикр-хулосалари таҳлил қилинган; дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига таъсири, шунингдек, миграция жараёнининг инсонлар ҳаётига таъсири каби жиҳатлар манбалар асосида тадқиқ қилинган.

---

<sup>3</sup> Қаранг: масалаи, Кузьмин А.И. Курс лекций «Основы демографии» // Электронный ресурс. / humanities.edu/db/msg/47066.

Шу нуқтаи назардан каралганда, фуқароларнинг ақли, куч-қуввати ўз ватани равнақига сарфланиши, унинг ўзи мансуб халқ маънавияти ва иқтисодининг юксалишига қаратилган бўлиши бугунги кун талабидир. Бинобарин, ҳозирда ҳар бир миллат, ҳар бир давлат шуни истайди, шунга интилади...

## 1-БОБ. МИГРАЦИЯ: САБАБ ВА ОҚИБАТ

Ҳозирги кунда олдингига қараганда халқаро мигрантларнинг сони анча кўп, яқин келажакда уларнинг сони янада ошиши аниқ. Бу деярли ер юзидаги барча мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди ва кўрсатишда давом этади. Миграция ривожланиш, камбағаллик, ва инсон ҳуқуқлари каби бошқа глобал масалалар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Мигрантлар кўпинча жамиятнинг ҳаракатчан аъзолари ҳисобланади; тарихга қарайдиган бўлсак, миграция иқтисодий ўсишга, миллатлар пайдо бўлишига, маданиятларнинг бойишига ҳам туртки бўлиб келган. Шу билан бирга, миграция муҳим ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни ҳам ўз ичига олади. Баъзи мигрантлар эксплуатация қилинади ва уларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол бўлади; улар борадиган манзил мамлакатларда интеграция қийин бўлиши мумкин; миграция мигрантларнинг ўз давлатларини муҳим малакали ва яхши кадрлардан маҳрум этиши мумкин.

Мана шу ва бошқа кўплаб сабабларга кўра миграцияни илмий асосда ўрганиш ва тадқиқ қилиш муҳимдир.

### ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Миграциянинг тарихи Африканинг Рифт водийсида инсониятнинг пайдо бўлиши билан бошланади. Тахминан 1.5 миллион йил ва эрамыздан аввалги 5000 йиллар орасида «Хомо эректус» ва «Хомо сапиенслар» илк Европага ва кейинчалик бошқа қитъаларга тарқала бошлаган. Қадимги дунёда греклар колонияси ва римликларнинг кенгайиши миграцияга боғлиқ бўлган. Европадан ташқаридаги катта кўчишлар Месопотамия, инклар, индус ва зоулар империялари билан боғлиқ бўлган. Илк тарихдаги бошқа катта миграциялар викинглар ва салибчиларнинг Мукаддас Ерга юришини ўз ичига олади.

Миграция тарихи бўйича мутахассис Робин Кохеннинг фикрига кўра, яқин тарихда, бошқача қилиб айтганда, охириги икки-уч аср ичида бир нечта катта миграция даврларини ёки ҳодисаларини кузатиш мумкин.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, энг катта миграция ҳодисаси деб XVIII ва XIX асрлардаги кулларнинг куч ишлатиш

йўли билан кўчирилишини айтиш мумкин. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, мазкур жараёнда 12 миллион одам куч билан асосан Африкадан Янги Дунёга кўчирилган. Бу миграциянинг ҳажмидан ташқари яна бир муҳим томони шундаки, ҳалигача кулларнинг авлодлари ва асосан келиб чиқиши африкалик бўлган америкаликларга нисбатан ўз таъсирига эга.

Кулдорликнинг тугатилишидан сўнг, Хитой, Ҳиндистон ва Япониядан жуда кўплаб одамлар шартнома асосида кўчишди. Ҳиндистоннинг ўзидан 1,5 миллион одам бошқа ҳудудларда плантацияларда ишлаш учун кўчгани манбалардан маълум.

Европанинг кенгайиши ҳам инсонларнинг бу ҳудудларга, асосан, Британия ва Америка колонияларига ўз ихтиёрига кўра қайта ўрнашиш билан боғлиқ. Бинобарин, Британия, Нидерландия, Испания ва Франция каби кучли савдо алоқаларига эга давлатлар ўз фуқароларининг чет мамлакатларга кўчишини қўллаб-қувватлади. Ўшанда нафақат ишчилар, балки деҳқонлар, бошқача фикрловчи аскарлар, махбуслар ва етимлар ҳам оммавий кўчиши кузатилди.

Миграциянинг кенгайиши XIX асрнинг охирида колонияга қарши ҳаракатларнинг кучайиши билан ўз ниҳоясига етди ва кейинги 50 йил ёки ундан сал кўпроқ вақт ичида Европага қайтиш оқими кузатилди. Бунга Пиед норс деб аталувчиларнинг Францияга қайтишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Миграциянинг кейинги даври АКШнинг саноати жуда ривожланган мамлакат сифатида кўтарилиши билан белгиланади. Шимолий, Жанубий ва Шарқий Европанинг иқтисодий турғун ҳудудларидан ва репрессив сиёсий тизимларидан қочган миллионлаб ишчилар 1850 йилдан 1930 йилдаги Буюк депрессиягача АКШга кетишда давом этдилар. Очарчиликдан қочган ирландлар бу ўринда етакчилардан бўлди. Ўша жараёнда, қарийб 12 миллион мигрант иммиграцион текширув учун Нью-Йоркдаги Эллис оролига келиб тушди.

Миграциянинг кейинги катта даври Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа, Шимолий Америка ва Австралиядаги иқтисодни тиклаш учун ишчи кучи зарур бўлгани туфайли содир бўлди. Бу кўплаб турк мигрантларининг Германияга, Шимолий африкаликларнинг Франция ва Бельгияга келиши билан боғлиқ. Бу яна тахминан бир миллион британияликнинг Австралияга



миграция қилиши даври ҳамдир. Уларнинг ўтиши ва 10 фунт миқдоридан пул олиши Австралия ҳукумати томонидан янги келувчиларни жалб этиш мақсадидаги ҳаракати бўлди. Ўша вақтда мустамлакадан чиқиш ҳали ҳам дунёнинг бошқа бурчакларида миграцион таъсирга эга эди. Бу асосан 1947 йилдаги миллионлаб ҳиндлар ва мусулмонларнинг Ҳиндистоннинг ажралиб чиқиши натижасидаги ва Исроилнинг ташкил қилиниши сабабли яҳудий ва фаластинликларнинг кўчиши билан боғлиқ.

Мазкур жараён АҚШда 1990-йилларнинг бошигача давом этган бўлишига қарамасдан, Европада халқаро мигрантларнинг кучига талаб 1970-йилларга келиб тугаган эди. Глобал иқтисоднинг бошқарувчи кучи Осиё томон кўча бошлади. Чунки бу ерларда мигрантларнинг меҳнатига бўлган талаб ҳали ҳам ўсиб бормоқда. Маълумки, бошпана қидирувчилар, қочоқлар ва номунтазам мигрантларнинг ҳаракати охириги 20 йил ичида саноатлашган дунёда жуда сезиларли даражага етди.

Халқаро миграциянинг яқин тарихини шарҳлашнинг мақсади фақатгина миграциянинг янги феномен эканини кўрсатишдан иборат эмас. Миграция инқилоб, урушлар, империяларнинг пайдо бўлиши ва қулаши каби глобал ҳодисаларга боғлиқ; бу яна сиёсий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Булар эса, ўз навбатида, низолар, таъқиб ва кўчириш кабиларга бориб тақалади. Шу маънода, миграция тарихда ҳам содир бўлган ва бугунги кунда ҳам давом этаётгани бу масалага эътиборли бўлишимизни талаб этади.

## **ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИНГ ҲАЖМИ ВА ДИНАМИКАСИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ўз мамлакатидан камида бир йил ташқарида бўлган кишини халқаро мигрант деб ҳисоблайди. Шу таърифдан келиб чиқиб, 2005 йилда БМТнинг ҳисобига кўра, дунё бўйича 200 миллион халқаро мигрант бўлган, бунга 9 миллион қочоқлар ҳам қиради. Бу эса тахминан аҳолиси жихатдан дунёда 5-ўринда турадиган Бразилия аҳолисига тенгдир. Бугунги кунда ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси халқаро мигрантдир. Агар бугунги кунда араб давлатларидан тирик қолиш илинжида кетаётган қочоқлар ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, масаланинг кўлами нақадар улканлиги, аянчли экани аён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, демак, ҳозирда дунё аҳолисининг 3 фоизидан ортиғи халқаро мигрантлардир.

Миграция кўчиб кетаётганлардан кўра бошқа – муқим одамларга кўпроқ таъсирини кўрсатмоқда. Бу мигрантларнинг ўз давлатларида ва улар борадиган жойларда муқим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. «Миграциянинг ёши» (2003) деб номланган китобнинг муаллифлари Стефен Кастлес ва Марк Миллерларнинг фикрига кўра, *бугунги кунда хоҳ саноати ривожланган, хоҳ кам ривожланган, давлат бўлсин, миграция таърибасини бошдан ўтказмаган ва унинг таъсирини сезмаган одам жуда кам бўлса керак; бу универсал таъриба миграция ёшининг тамғасига айланиб қолди.*

Охириги 25 йил ичида халқаро мигрантларнинг сони икки мартага ошиб кетди ва XXI асрнинг биринчи 5 йили ичида бунга яна 25 миллион инсон қўшилди (1.1. - жадвал).

**1.1. жадвал.** Дунё регионлари бўйича халқаро мигрантлар, 1975-2005 (миллион)

Йил	1970	1980	1990	2000	2005
Дунё бўйича	81.5	99.8	154.0	174.9	200
Ривожланган давлатлар	38.3	47.7	89.7	110.3	-
Ривожланаётган давлатлар	43.2	52.1	64.3	64.6	-

*Манба: БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўлими: Халқаро миграция (Нью-Йорк: БМТ, 2004).*

1990 йилгача халқаро мигрантларнинг кўпчилиги ривожланаётган давлатларда яшар эди; бугунги кунда эса уларнинг кўпчилиги ривожланган давлатларда яшамокда ва уларнинг нисбати кундан-кунга ортиб бормокда. 1980 ва 2000 йиллар ўртасида ривожланган мамлакатлардаги мигрантларнинг сони 48 миллиондан 110 миллионга ортди. Агар буни ривожланаётган давлатларга қиёсласак, уларда мигрантлар сони 52 миллиондан 65 миллионга ортди. 2000 йил Европада 60 миллион,

Осиёда 44 миллион, Шимолий Америкада 41 миллион, Африкада 16 миллион, Лотин Америкаси ва Австралияда эса 6 миллион мигрант бор эди. 2000 йилда ер юзидаги мигрантларнинг деярли 20 фоизи, яъни тахминан 35 миллиони АҚШда яшаган. Россия Федерацияси мигрантларни қабул қилувчи давлат сифатида ер юзида иккинчи ўринда турган, яъни деярли ушбу мамлакатда 13 миллион мигрант бўлган. Бу ер юзи бўйлаб тарқалган мигрантлар умумий сонининг тахминан 8 фозини ташкил этган. Германия, Украина ва Ҳиндистон кейинги ўринларни эгаллаган ва уларнинг ҳар бирида 6 ва 7 миллион ўртасида мигрантлар мавжуд бўлган.

Бу маълумотлар ва рақамлар хайратланарли. Шу сабабли халқаро миграция бугунги кунда ер юзининг ҳамма бурчагига ўз таъсирини ўтказмоқда.

«Жанубдан» «Шимолга» кўчиш глобал миграциянинг умумий нисбати сифатида ортди; одамлар нима учун камбағал мамлакатларни тарк этиб, бой мамлакатларга йўл олишларига бир канча сабаблар мавжуд. Шу билан бир вақтда, ҳудудлар ичида содир бўлаётган кўчишларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Эрон, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони, Баҳрайн, БАА ва Уммон каби нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатларда тахминан 5 миллион осийлик мигрантлар ишламоқда.

Манбаларнинг таъкидлашича, Жанубий Африкада 2.5 миллиондан 8 миллионгача номунтазам мигрантлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги эса Саҳрои кабирнинг жанубидаги Африка давлатларидан келган инсонлардир.

Ривожланаётган давлатларда ривожланган давлатларга қараганда кочоқлар кўпроқ. Масалан, Буюк Британияга ҳар йили Европа ташқарисидagi давлатлардан кўра кўпроқ европаликлар келади. Бу европаликларнинг кўпчилиги Британия фуқаролари бўлиб, асосан, бошқа давлатларда чекловларга дуч келган кишилардир.

Халқаро миграциянинг ҳажми ва ўзгариб бораётган географиясига қарамадан, юқорида айтилган мисоллар ва жараёнлардан муҳим фарқни кўрсатувчи камида 3 та тенденция мавжуд. Биринчидан, мигрантлар орасида аёллар нисбати тез ортди. 2005 йилда ер юзи бўйича мигрантларнинг деярли ярми аёллар бўлди. Уларнинг ярмидан сал кўпроғи ривожланган давлатлар, қолганлари эса ривожланаётган давлатлар хиссасига

тўғри келди. БМТнинг статистик маълумотларига кўра, 2005 йилда Европа, Латин Америкаси, Шимолий Америка, Океания ва собиқ Иттифок давлатларида эркак мигрантларга қараганда аёл мигрантлар кўпроқ кузатилди.

Яна бир нарса, аёллар анъанавий тарзда авваллари ўз жуфтига қўшилиш мақсадида кўчган бўлса, бугунги кунда мустақил тарзда кўчаётган аёллар нисбати ортиб бормоқда. Бунда улар асосан оиласининг асосий боқувчиси сифатида кетмоқда.

Ер юзи бўйича мигрантларнинг ўсиб бораётган нисбатини аёллар ташкил қилишига бир нечта сабаблар мавжуд. Улардан бири ривожланган давлатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг жинсга боғлиқлигидир. Яъни хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва кўнгилочиш каби соҳаларда аёлларга бўлган талаб кундан-кун ўсиб бормоқда. Иккинчидан, кўпгина давлатлар мигрантларнинг оилавий бирлашуви ҳуқуқларини кенгайтирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, уларга ўз турмуш ўртоқлари ва болалари билан бирга бўлишга руҳсат беришмоқда. Кўпинча, келишига ижозат берилган мигрантлар – турмуш ўртоқлар аёллар ҳисобланади. Мигрантлар келиб чиқадиган давлатлардаги жинсга нисбатан муносабатларнинг ўзгариши ҳам аёлларнинг олдингига қараганда кўпроқ кўчиш учун мустақил эканини англатади. Ниҳоят, асосан Осиёда маҳаллий иш учун аёллар миграциясида ўсиш бўлди. Баъзан бу «хизматкорлар савдоси» деб аталади. Шунингдек, турмуш қуриш учун ташкил этилган миграция («почта орқали буюртма қилинган келин» деб ҳам юритилади) ва аёлларнинг тана савдоси саноати учун сотилиши кабилар билдирилган фикрга далил бўла олади.

Иккинчидан, мигрантларнинг ўз давлатлари, транзит ва улар борадиган (манзил) давлатлар орасидаги анъанавий фарқ тушунарсиз бўлиб қолди. Бугунги кунда дунёдаги деярли барча мамлакатлар 3 та ролни бажармоқда, яъни мигрантлар бу давлатлардан чиқмоқда, улар орқали ўтмоқда ва уларга қараб йўл олмоқда.

Ер юзидаги ҳеч бир мигрантлар чиқадиган, транзит ва улар борадиган манзил давлат давлатлар орасидаги тушунарсиз чегара ўрта Ер денгизи ҳудудидаги сингари эмас.

Тахминан 50 йил илгари ҳолат умуман оддий эди. Барча Ўрта Ер денгизи давлатлари, Шимолий Африкада ҳам, Жанубий

Европада ҳам Шимолий Европага ишлаш учун борадиган мигрантлар келиб чиқадиган давлатлар эди. Жанубий Европа тахминан 20 йил олдин эмиграция худудидан иммиграция худудига айланди. Бунда кўплаб Шимолий африкаликлар бу ердаги ўсиб бораётган иктисодиёт учун ишлашга келишди ва шу билан бир вақтда, маълум миқдордаги Жанубий европаликлар ҳам шимолга иш излаб боришди. Бугунги кунда Шимолий Африка мигрантлар келиб чиқадиган давлатдан кўра транзит ва манзил давлатга айланиб бормоқда. Саҳрои кабир атрофидаги давлатлардан кўплаб мигрантлар Ливан, Морокко ва Тунис каби давлатларга келмоқда. Бошқалари эса Ўрта Ер денгизи орқали Жанубий Европага кетмоқда. Улар одатда ноқонуний равишда чегараларни кесиб ўтиб, манзил давлатларда қолиб кетмоқда, баъзилари эса Шимолий Европа томон кўчишга ҳаракат қилмоқда.

Ниҳоят, охириги бир неча аср ичида содир бўлган асосий кўчишлар доимий бўлган бўлса, бугунги кунда вақтинчалик миграция муҳим бўлиб қолди. Ҳатто ўз ҳаётининг асосий қисмини чет давлатларда ўтказган кишилар ҳам туғилиб ўсган жойига қайтишни орзу қилади ва ҳозирда одамлар учун бир мамлакатдан иккинчисига бориб, ҳаётининг қолган қисмини ўша ерда яшаш нисбатан ноодатий ҳолдир.

Шунингдек, мигрантларнинг анъанавий кўчиши ва яна ортга қайтиши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Яъни ўз ҳаёти давомида бир неча марта кўчадиган одамлар сони орғиб бормоқда. Бундай одамлар бошқа давлатларга борадиган, аммо вақти-вақти билан орқага қайтадиган кишилардир. Ҳозирда ҳатто узок вақтдан бери ўз уйдан олисда бўлган кишилар ҳам тез-тез ватанига қайтиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шубҳасиз халқаро саёҳат қилишнинг анча арзон ва қулай бўлиб қолганидир.

Мигрантларнинг ўз мамлакати ва улар борадиган мамлакатлар ўртасидаги циркуляцияни ўз ичига олувчи вақтинчалик қолиш ҳам узок тарихга эга. XIX ва XX асрлардаги хитойликлар Жануби-Шарқий Осиё ва Австралияга кўчишди. Аммо ҳозирда бу циркуляция қутилмаган ҳажмда содир бўлмоқда ва энг муҳими, бунга транспорт ва коммуникация соҳасидаги ривожланишлар кўмак бермоқда.

## ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Миграция инсоният тарихининг доимий ва муайян таъсирга эга хусусиятларидан бири бўлиб келган. У дунё иктисодининг ўсишига қисман ёрдам берган бўлса-да, кўпроқ давлатлар ва жамиятлар эволюцияси, маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзгаришида характерга эга. Мигрантлар жамиятнинг ўзлари ва болалари учун янги имкониятларни яратиш мақсадида уйини тарк этишга тайёр бўлган кишилардир. Шу билан бирга, ўзлари ва болалари учун янги имкониятларни яратиш мақсадида уйини тарк этган мигрантлар ундан бутунлай махрум бўлишлари ҳам мумкинлигини унутмаслик лозим.

АҚШнинг иктисодий ўсиши тарихи кўп жихатдан миграция тарихидир: Эндрю Карнеги (пўлат), Адолфус Бушч (пиво), Самюэл Голдвин (кино) ва Хелена Рубенштейн мигрант бўлган. Кодак, Атлантик Рекордс, RCA, NBC, Google, Intel, Hotmail, SunMicrosoft, Yahoo ва Eba ҳам мигрантлар томонидан ёки улар билан ҳамкорликда ташкил топган. Аммо бу миграциянинг кам сонли ютуқларидан бири сифатида ўша даврнинг имкониятларини акс эттиради ва уни бугунги миграцион жараёнларга қиёслаш нотўғри фикрлаш билан баробар бўлади.

Ҳозирги замонда халқаро миграция кўп ҳолларда танкид остига олинган. Чунки у миллий, ҳудудий ва глобал масалаларда муайян таъсирга эга. Аксар ривожланаётган мамлакатларда мигрантлар ўз уйига жўнатаётган кам миқдордаги пул бой давлатлар томонидан унинг ватанига кўрсатилаётган расмий ёрдамдан кўра муҳимроқ даромад манбаи бўлгани ҳолда унинг ўша мигрантлар оиласи турмуш тарзига салбий таъсирини ҳам унутмаслик лозим. Чунки мигрантларнинг даромад манбаи доимий бўлмай маълум муддатга келиб тўхтаб қолиши, оиланинг бузилишига ва азалий мавжуд бўлган турмуш тарзининг пароканда бўлишига хизмат қилиши мумкин.

Баъзи ривожланган давлатларда иктисодиётнинг ва оммага хизмат кўрсатишнинг бутун секторлари мигрант ишчиларга боғлиқ. Агар уларнинг меҳнатидан воз кечилса, улар бир кунда хонавайрон бўлиши мумкин. Демак, мигрантларнинг фаол ҳаракати маҳаллий аҳолида боқимандалик кайфиятини вужудга келтириши мумкин.

Мигрантлар бугунги Буюк Британиянинг иктисодиёти учун Шимолий денгизнинг нефтидан кўра ахамиятлироқ эканининг эътироф этилаётгани ҳукумат масъулларини мулоҳазага чорлаши лозим.

Жаҳон Банкнинг ҳисобига кўра, мигрантлар ишчи кучи ер юзи бўйича 20 триллион АҚШ доллари миқдорида пул топади ва бунинг кўп қисми улар ишлаётган давлатга инвестиция қилинади. Шунингдек, АҚШдаги чет мамлакатда туғилган 15 миллион ишчи АҚШ иктисодиётига 10 миллиард доллар миқдорида ҳисса қўшади.

Мигрантлар – ишчи кучи. Шу сабабли улар иктисодий ўсишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу таъсир мигрантларнинг ўз ватанига қаратилмагани афсусланарли ҳолдир. Ачинарлиси, ер юзининг аксар қисмида мигрантлар нафақат ишлаётган мамлакатининг туб аҳолиси қилишни хохламайдиган ишни бажаради, балки маҳаллий аҳоли уддалай олмайдиган мураккаб ишларни ҳам бажаради.

Мигрантлар ва миграция иктисодий ўсишга ҳисса қўшиш баробарида ҳаётнинг ижтимоий ва маданий соҳаларига таъсир кўрсатади. Бугун миграция туфайли ҳар хил миллат вакиллари, турли тилларда гапирадиган кишилар, ранг-баранг урф-одат, динларга ва яшаш тарзига эга одамлар бир-бири билан кутилмаган мулоқотга киришмоқда. Жуда катта миқдордаги мигрантларнинг Гонг Конг, Лондон ёки Нью-Йорк каби глобал шаҳарларда тўпланиб қолгани тасодиф эмас. Зеро, жадал ва юқори ривожланган бундай космополитан марказлар дунёнинг турли чеккасидан келган маданиятлар, одамларнинг ўзаро киришиб кетишига имкон яратаётган бўлса, ўз юртларида азалий кадриятларнинг бузилишга хизмат қилиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

## **ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ДАЪВАТЛАРИ**

Бугунги кунда халқаро миграция илгари сураётган чакириклардан бири шубҳасиз миграция ва хавфсизлик ўртасидаги алоқа масаласидир. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро миграция ва терроризм ўртасида яқин алоқа бор деган тушунча пайдо бўлди. Бу фикрни Лондон, Мадрид ва Париждаги

терактлар ҳам далиллади. Ер юзининг аксар қисмида ўсиб бораётган номунтазам миграцияга сиёсатчилар ва омма томонидан миллий мустақиллик ва омманинг хавфсизлигига таҳдид сифатида қаралмоқда. Мигрантлар борадиган айрим манзил давлатлар маҳаллий жамиятлари ҳудудларида мигрантлар яшайдиган жойлар борлигидан кўркадиган бўлиб қолишди. Уларнинг диққат марказида айниқса экстремизм ва зўравонлик мавжуд давлатлардан келган нотаниш маданиятга эга кишилар туради.

Бу – тўғри ёндашув. Аммо шу ўринда кўпчилик мигрантлар ўз уйини иложсиз тарк этишини ҳам унутмаслик лозим. 2005 йилда ер юзи бўйича тахминан 9 миллион қочоқ бўлган. Улар уйини таъқиб ёки ўлимдан кўркиб ташлаб кетишга мажбур бўлган. Шунингдек, бугунги кундаги Яқин Шарқ давлатларида содир бўлаётган воқеалар ҳам бунинг исботидир.

Уларнинг кўчиши бошлангач, кўплаб мигрантлар (нафақат қочоқлар) йўлда ҳалок бўлади. Баъзи мигрантлар эса манзилларига етгач эксплуатация қилинади, инсонийлик ҳуқуқлари поймол қилинади. Бу ҳол одам савдоси қурбонлари билан кўпроқ содир бўлади – улар қулга айланиб қолади. Қуллик тана савдоси саноати билан боғлиқ аёллар, уларнинг ашё сифатида сотиб юборилиши масаласини ҳам камрайди. Айрим ҳолларда маҳаллий ишчилар ҳам иш берувчилари қўлида ҳақорат ва зўравонликка учрайди. Умуман, айрим мигрантлар ва уларнинг болалари ҳатто чет давлатга бориб жойлашгандан анча йил ўтгандан кейин ҳам камситиш (дискриминация) ва ноҳақликка дуч келади. Миграция манзил мамлакатлар учун муаммо туғдириши каби мигрантларнинг ўзига ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, айти пайтда, Ғарбга қуйилиб келаётган қочоқлар оқимининг манзилга етиб келгунларича улар учраётган тазйиқлар, йўлларда кўплаб қочоқларнинг нобуд бўлиши, оилаларнинг бири-бирдан ажраб кетиши каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Миграция мигрантлар ташлаб кетаётган жамиятлар учун ҳам муҳим таъсирга эга. Бу айниқса агар мигрантлар ўз мамлакатида ҳам етишмайдиган соҳа вакили ёки юқори малака ва маҳоратга эга мутахассис бўлганида яққол сезилади. Бу кишининг инсоний бурч ва виждон масаласи билан ҳам боғлиқдир. Ўзи яшаётган мамлакатнинг бугунги бераётган сармоёси ўзи ва оиласи учун бугунги шу жамиятнинг имкониятидан келиб чиқиб, унинг учун



етарли бўлсада, енгил-елпи ҳаёт кечириш мақсадида унга берилган имкониятларни ва билимни ўзи билан кераксиз жойларга олиб кетишида кўриш мумкин. Ақл миграциясининг энг кучли салбий таъсири соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасида сезилади. Улар камбағал давлатларнинг муҳим хизмат кўрсатиш тизимини янада кучсизлантиради. Шунингдек, бу олий таълим олган ва қайта тайёрланган мутахассиснинг хорижга кетиши давлат томонидан мақсадли сарфланган маблағларнинг йўқотилиши ҳамдир.

## ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯГА КИРИШ

Маълум сабабларга кўра, халқаро миграция бир қанча давлатларнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. У ОАВни ўзига жалб қилмоқда ва шу тариқа омма қизиқишининг кундалик мавзусига айланиб қолди. Ҳалигача миграция юзасидан олиб борилаётган музокаралар қоникарли даражада эмас. Тушунчалар аниқ эмас. Масалан «бошпана изловчи», «қочоқ», «номунтазам» ёки «ноконуний» мигрант атамалари доимий алмаштириб кўлланилади. Умуман, миграциянинг турли-туманлиги ва мураккаблиги аксар ҳолларда тадқиқотчи ва сиёсатчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Шу боис, мазкур мавзудан мақсад ўқувчини миграциянинг муҳим масалаларини тушуниши учун зарур маълумотлар, изоҳ ва таҳлиллар билан таъминлашдир. Шунингдек, баҳс-мунозарага тортиш ҳамдир. Зеро, ушбу монография миграция сиёсатига эмас, балки миграция сиёсати билан боғлиқ айрим муҳим масалаларга бағишланган.

Муаллифлар кенг кўламдаги тадқиқот, сиёсий мунозараларга турлича ёндашади. Бу тадқиқотдан асосий мақсад эса чегаралар бўйлаб миграциядир. Чунки, халқаро миграция ички миграциядан кўра кўпроқ тадқиқотларнинг мавзуси бўлди. Шу сабаб сиёсатчилар, ОАВ ва жамоатчиликнинг диққатини тортди. Шу билан бирга, шуни ҳам тан олиш керакки, халқаро мигрантлардан кўра ички мигрантлар сон жиҳатдан кўпроқ. Бундан ташқари, ички ва халқаро миграция ўртасидаги фарқ ҳам тушунарсиз.

Ички миграция бугунги кунда олимларнинг диққатини олдингига караганда кўпроқ жалб этмоқда. Бинобарин, у кейинчалик халқаро миграцияни шакллантиришга, унинг глобал тус олишига хизмат қилиши мумкин.

Наздимизда, халқаро миграцияга умумий ёндашув 3 та асосий хусусиятга эга: 1. У глобал масала деб қабул қилинди. Баъзан дунёнинг айрим минтақалари бўйича изланишлар маълумот ва рақамлар етишмаслиги туфайли чекланиб қолди. 2. Ҳаётий мисоллардан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Мана шу соҳада тадқиқот олиб борган олимларнинг асарларига мурожаат қилинди. 3. Бугунги кунда халқаро миграциядаги энг муҳим масалалар шахсий қарашларга кўра таҳлил қилинди.

## 2-БОБ. МИГРАНТЛАР КИМ?

Мигрант деганда камида бир йил ёки ундан кўпроқ ўз ватанидан ташқарида бўлган киши тушунилади. Мигрантларни аниқлаш, белгилашнинг умумий мезони – шу. Ҳақиқатда эса, жавоб жуда мураккаб. Чунки, биринчидан, «мигрант» тушунчаси ҳар хил ҳолатларда турли одамларни англатади. Иккинчидан, мигрантларни санаб чиқиш жуда қийин ва уларнинг чет элда қанча вақтдан бери эканини ҳам аниқлаш мушкул масала. Учинчидан, киши қачон мигрант бўлишини аниқлаш унинг мигрант бўлишдан тўхташини аниқлаш сингари муҳим.

Демак, инсон мигрант бўлмаслиги учун: 1. Ўз уйига қайтиши лозим. 2. Янги мамлакатнинг фуқаросига айланиши керак. Бу трансформацияни (ўзгариш) бошқарувчи жараёнлар турлича.

Глоблалашувнинг натижаси сифатида, ҳозирда алоҳида хусусиятларга эга бўлган мигрантларнинг янги турлари мавжуд бўлиб, улар кўпинча транснационал жамият ва диаспораларнинг аъзолари деб тасвирланади.

### МИГРАНТЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

Халқаро мигрантлар уч йўл билан фарқланади: 1. Ихтиёрий ва мажбурий мигрантлар ўртасидаги фарқ. Мажбурий мигрантлар ўз мамлакатини низо ёки таъқиб, қурғоқчилик ёки очарчилик сингари атроф-муҳитга алоқадор сабабларга кўра тарқ этади. Улар қочоқлардир. Қочоқ атамаси алоҳида маънога эга ва ҳамма мажбурий мигрантларни ҳам ақс эттирмайди. БМТнинг Қочоқлар билан ишлаш бош комиссариатининг (UNHCR) ҳисоботида кўра ер юзи бўйича тахминан 9 миллион қочоқ бор (ҳозирги кундаги Яқин Шарқ давлатларидан кетаётганлар бу рўйхатга киритилмаган). Бугунги кунда дунёда мамлакатини ўз ихтиёри билан тарқ этган кишилар, яъни мигрантлар кўпроқ. Улар ҳозирда 190 миллион нафарни ташкил қилади.

2. Сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра кўчадиган кишилар ўртасидаги тафовут. Сиёсий мигрантлар одатда қочоқлардир – улар ўз мамлакатини сиёсий таъқиб ёки низо туфайли тарқ этади. Иқтисоддан мақсад меҳнат миграциясидир. Одамлар иш топиш учун, яхшироқ иш имкониятлари, шароитлари излаб, чет элга

чиқади. Улар орасида малакали мутахассислари ҳам, малакасизлари ҳам бор. Иқтисодий ва сиёсий мигрантлар орасида ижтимоий сабабларга кўра кўчадиган кишилар ҳам мавжуд. Кўп ҳолларда улар чет давлатда иш топган турмуш ўртоғи билан бирга яшаш учун ватанидан чиқади. Шу тариқа, оилалар кўшилиши жараёни орқали кўчадиганлар асосан аёллар ва болалардир. Айтиш жоизки, бугунги кунда аёл мигрантларнинг мустақил равишда иқтисодий сабабларга кўра кўчиши салмоғи ортиб бормоқда. Бу ташвишланарли ҳол бўлиб, фарзанд тарбиясига, ўта салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

3. Қонуний ва ноқонуний мигрантлар ўртасидаги фарк. Мигрантлар ҳақида гап борганда «номунтазам» атамаси «ноқонуний» атамасига караганда анча аниқ ва унчалик ҳақоратли эмас. «Номунтазам» мигрантлар тушунчаси бир катор кишиларни ўзида қамрайди. У мамлакатга ҳужжат ё сохта ҳужжат билан кирадиган мигрантларни ёки мамлакатга қонуний йўл билан кириб, кейин визаси ёки ишлаш учун рухсатномасининг муддати ўтиб кетгач қолиб кетадиган кишиларни ифодалайди. Юқорида айтилганидек, ер юзи бўйича номунтазам мигрантларнинг аниқ сонини ҳисоблаб чиқиш анча мураккаб. Шундай бўлсада, айтиш мумкинки, мунтазам мигрантлар сон жиҳатдан номунтазам мигрантлардан кўпроқ.

### **Юқори малакали мигрантлар**

Ҳозирда иқтисодий сабабларга кўра кўчаётган кишиларнинг ўсиб бораётган нисбати юқори малакали мигрантлар дейилмоқда. Кўпинча, уларнинг кўчишига маълум виза тизими ёрдам беради. Унга кўра, номзод ишга ариза берувчининг маълумоти ва малакасига қараб жойлаштирилади. Юқори малакали мигрантларнинг маълум тури корпорациялараро кўчириладиганлардир. Бунда киши бошқа давлатга кўчади, аммо ўша фирманинг ўзида қолади. Дунё бўйича талабаларнинг ҳам халқаро кўчиши мавжуд. Баъзан улар ҳам юқори малакали мигрантлар категориясига киритилади.

## МИГРАНТЛАР ҚАНЧА?

Мигрантларнинг умумий сонини аниқ ҳисоблаб чиқиш ўта мушкул.

Масалан, Буюк Британиядаги миграция юзасидан статистик маълумот олиш учун қуйидаги муҳим кузатувни амалга ошириш зарур. Биринчидан, ҳатто расмий миграция статистикаси ҳам Буюк Британиядаги халқаро мигрантларнинг аниқ ва тўлиқ манзарасини очиб бера олмайди. Мамлакатга ҳар йили қанча одам кириб, қанчаси чиқиб кетганини аниқлашнинг имкони йўқ. Бунинг оддий сабаби бор. У ҳам бўлса, расмий миграция статистикаси номунтазам мигрантларни ҳисобга олмайди. Шу сабабли ҳам, Буюк Британияда номунтазам мигрантларнинг статистикаси тахминлардан иборат, ҳолос. Иккинчидан, миграция статистикаси хусусида ҳукумат қайд қилиб борадиган муҳим нарсалар мавжуд. Кирувчи ва чикувчи мигрантлар ҳақида энг кўп чоп этиладиган статистик маълумотлар халқаро йўловчиларни кузатишга асосланган. Унга кўра, денгиз ва аэропортларда тахминан 2200 кишидан мисол тариқасида ўтказиладиган кузатувдир. Йўловчилардан Буюк Британияда қолишдан мақсади ҳақида сўровнома ўтказилади (агар кетаётган бўлса, чет элда қолишдан мақсади сўралади). Буюк Британиянинг ичида ёки ташқарисида бир йил ва ундан ортиқ вақт қолмокчи бўлса, шунча муддат қолган бўлса ёки кетган бўлса, мигрант ҳисобланади. Бу ҳолда муаммо фақат уларни ёритишдир. Чунки жуда кам одамлар сўровномада иштирок этади. Яна бир муаммо одамлар ниятининг ўзгариб туришидир. Яъни хорижга чиққан инсон режалаштирган муддатга қолиши ёки қолмаслиги мумкин. Бундай муаммоларни ҳисобга олиш мақсадида ХЙК рақамларига ҳам мослаштиришлар киритилади. Буюк Британияда миграция оқими бўйича маълумотларнинг яна иккита асосий манбаи мавжуд. Улардан бири ишлаш учун бериладиган руҳсатнома бўлиб, у ишчиларнинг келишини назорат қилади. Ёмон томони бу системанинг фақат Европа иктисодий ҳудудидан ташқаридан келадиганлар учун қўлланишидир. Чунки, Европа иктисодий ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг фуқароларига ишлаш учун руҳсат олиш талаб этилмайди. Бошпана сўраш бўйича статистик маълумотлар Буюк Британиядан нечта одам ҳимоя сўраб ариза беришини кўрсатади.

аммо буни талкин қилиш жуда катта эҳтиёткорликни талаб қилади. Чунки, баъзан ариза берувчилар оила аъзоларини ҳам ҳисобга олади. Буюк Британияга кираётган мигрантларнинг сонини кўрсатувчи муқобил кўрсаткичлар ишчи кучини кузатишни ўз ичига олади. Бу одамларнинг фуқаролиги ва бир йил олдинги манзилларини қайд қилади, аммо бу ҳам уй эгаларининг берган маълумотларига асосланиб қолади, холос. Миллий аҳолини рўйхатга олиш ҳам бир йил олдинги манзилни қайд этади, аммо фуқаролигини қайд қилмайди, бу рўйхатга олиш эса атиги ўн йилда бир марта ўтказилади.

2002 йил Буюк Британияга тахминан 100 мингта бошпана сўровчилар келган. Бу рақам Ғарбий Европанинг бошқа ҳар қандай давлатига келганларнинг сонидан кўп. Эътиборлиси, бу рақам Кэмбридж шаҳри аҳолисига тенг. Демак, Буюк Британияга ҳар йили тахминан Кэмбридж аҳолиси миқдорида мигрант келади. Бу каби муаммолар иқтисоди ривожланган ҳар қандай давлатта ҳос экани бошқа жойдаги мигрантларни ҳисоблаб чиқиш қанчалик мушкул эканини англатади. Ўз чегараларини назорат қилиш учун етарли маҳорат, тажриба ва имкониятга эга бўлмаган; қуруқликдаги чегаралари жуда узок, чегараларида тўсатдан оммавий кўчиш содир бўлиши мумкин бўлган давлатлар миқёсида олинганда бу муаммо кўламининг нақадар кенглиги ойдинлашади.

## ТЕСКАРИ МИГРАЦИЯ

Фуқаро ўз уйига қайтиши билан мигрант бўлмай қолади. Аммо кўпинча улар уйига қайтгандан кейин чет давлатда ўзлаштирган янги малака, тажриба ва маданиятни амалда қўллашга интилади. Бу эса маданият, маънавият, халқнинг ментал хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Айни ана шу жараёнда оиланинг турмуш тарзига путур етади. Бунда икки хил манзара акс этиши мумкин. Биринчиси, агар қайтиб келган мигрант ота бўлса, бутун оила унинг таъсирига тушиб, жамият қонун-қоидаларига зид хатти-ҳаракат туфайли атрофдагилардан алоҳида ажраб қолиш. Натижада, фарзанд тарбиясида нотекисликлар юзага келади. Яъни ота нариги жамиятда кўриб келганларини оиласига сингдиришга ҳаракат қилади. Фарзанд ўзи яшаб турган жамиятдаги тарбия тизимини англаб-англамай тарк этишга мажбур бўлади. Охир-

окибат, ҳеч қандай фазилатларга эга бўлмаган эгоист шахс тарбияланишига хизмат қилади. Иккинчиси, оиласи ўзи яшаб турган жамиятдаги ахлоқ-одоб қоидалари асосида яшаши унга ёқмагани сабабли, сен шундай яшайвер мен эркин яшайман, деб ўз оиласини тарк этишига олиб келади.

Бундан ташқари, тесқари миграциянинг ҳажми хусусида бирор-бир глобал ҳисоб-китоб йўқ, аммо аксар экспертлар бу масаланинг муҳим эканини эътироф этади. Тесқари ва халқаро миграция бўйича муаммолар умумий бўлиб, у миграциядаги вақт қўламини ўлчашда кўринади. Шунингдек, мигрантлар яшаш жойининг ўзгаришини қайд қилишдаги камчиликлар, фуқаролик хусусидаги ноаниқликлар – келишувнинг йўқлиги қабила ҳам хал этилиши лозим бўлган муаммолар сирасига киради.

Аммо асосий муаммо шундаки, шу кунга қадар тесқари миграцияни ҳисоблаш масаласи мигрантларнинг ўз ватанида ҳам, манзил давлатларда ҳам биринчи даражали масала бўлмаган. Мигрантларни қабул қилувчи ва уларни юборувчи давлатлар кириш ва қайтиш оқимини қайд этганини таъкидласада, уларнинг ҳисоб-китобларида сезиларли фарқлар бўлади. Масалан, Рассел Кингнинг тесқари миграция ҳақидаги шов-шовли мақоласида ёзилишича, 1970-йилларда италияликларнинг Германиядан қайтарилиши юзасидан немис мутухассисларининг маълумотлари Италиянинг статистик маълумотларидан ошиб кетган. Польшада 1990-йиллардаги тесқари миграция жуда сезиларли бўлган, аммо расмий статистик маълумотларда ҳисобланмай қолиб кетган. Чунки, кўпчилик польшалик эмигрантлар 1980-йилларда мамлакатдан чиқиб кетаётган вақтда эмигрантлар деб қайд қилинмаган. Шунга ўхшаш, Туркияда ҳам эмиграция ёки мигрант ишчиларнинг қайтишини қайд қилиб борадиган бирорта ташкилот мавжуд эмас. Шу боис, фуқароларнинг қайтиши ҳақидаги маълумотлар фақат уларни қабул қилган давлатларнинг маълумотларига таянади.

Яқин тарихдаги асосий тесқари миграция Иттифок, Марказий ва Шарқий Европадаги сиёсий ўзгаришлардан кейин этник миллатларнинг қайтиши бўлди. Уларнинг энг сезиларлиси 1990-йилларда собиқ иттифокда содир бўлди. Қайтиш оқимлари орасида 1990 ва 1995 йиллар оралиғида 5.4 миллион этник русларнинг қайтиши (собиқ иттифокнинг Болтиқбўйи ва Ўрта

Осиё мамлакатларидан Россияга кайтиши); 1992 йилда 290 минг украиннинг ватанига кайтиши; 1996 йилнинг апрелигича 240 минг татарнинг Кримга кайтиши, 10 мингта латвияликнинг кайтиши; 1990 ва 1996 йиллар оралигида 15 минг финнинг Финландияга кайтиши; 1987 ва 1994 йилларда 2 миллион этник немисларнинг ва 1996 йилда эса 6 минг Понтиан грекларининг Грецияга кайтиши кабиларни алохида кўрсатиш мумкин.

## МИГРАНТЛИКДАН ФУҚАРОЛИККА

Мигрантлик тугашининг бир йўли бўлган манзил давлат фуқаросига айланиш айрим мамлакатларда осон ва тез жараён бўлса, бошқаларида деярли мумкин бўлмаган мушкул вазифадир. Бу муайян мамлакат тарихи, мафкуриси, айниқса, мигрантларнинг ўзи билан боғлиқ.

Фуқаролик ва миллийлик қонунлари иккита муқобил принципларга асосланади. Улардан бири – қондошлик. Унга кўра, фуқароликни олмоқчи бўлган киши шу мамлакат фуқаросининг авлодидан бўлиши керак. Иккинчиси ҳудудий қонун бўлиб, унга кўра, фуқароликни олишга даъвогар бўлган киши шу мамлакат ҳудудида туғилган бўлиши шарт. Амалда барча замонавий давлатлар мана шу иккита принцип ҳам аралашган фуқаролик қонун-қоидаларига эга (Исроил бундан мустасно. 2.1-жадвал). Масалан, Германия 2000 йилдаги сиёсатнинг ўзгаришига қадар қондошлик принципига амал қилиб келган. Бу нима учун урушдан кейин Германияда туғилиб ўсган туркиялик иммигрантларнинг болалари ва набиралари Германия фуқаролигидан четлаштирилганини тушунтиради. Бу яна шунга тенг равишда, Германиянинг қўшилиши пайтида бир нечта авлодлари Германиядан ташқарида яшаган кишиларга, асосан, Шарқий Европа ёки собиқ иттифоқда яшаган кишиларга тўғридан-тўғри фуқаролик берилганига ҳам аниқлик киритади. Бунинг акси ўларок, Австралия, Канада, Буюк Британия ва АҚШ иккинчи принципга амал қилади. Шу сабабли қонуний иммигрантнинг шу давлатда туғилган фарзандига тўғридан-тўғри фуқаролик берилади. Аммо кўпчилик давлатлар ҳар қандай ҳолатда ҳам, мигрантларга маълум йилдан кейин фуқаролик олишга рухсат беради. Шунингдек, давлатларда неча йилдан кейин рухсат



берилиши ҳам фарқ қилади: бу Австралия ва Канадада 3 йилни ташкил қилса, Австрия ва Германияда бу жараён 10 йилгача чўзилади.

Давлатлар ўртасида нафақат фуқароликни қўлга киритишни бошқарувчи қонунлар, балки фуқароликнинг мезонлари ўртасида ҳам тафовут бор. Масалан, баъзи давлатлар қўшалок фуқароликка рухсат беради. Шу сабабли фуқаросининг бошқа янги давлат фуқаролигини олиши учун ўз фуқаролигини тарк этиши зарурлигини талаб қилмайди; бошқаларида эса бундай эмас. Қўшалок, баъзан учта давлат фуқаролигига эга бўлишнинг ортиб бориши мигрантлар яшайдиган айрим ҳудудлар орасида транснационализмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳол инсонларда ватанпарварлик ҳиссининг пасайишига олиб келади. Бундай инсонларда миллий ғурур, ватан туйғуси, халқига садоқат туйғулари ўта суст бўлади.

Баъзи давлатларда тўлиқ фуқаролик маданий қўшилиш, бирикиш эвазига қўлга киритилиши мумкин. Бошқа баъзи давлатлар эса янги фуқароларига маданий ўзлигини сақлаб қолишга имконият беради. Бундай натижалар интеграциянинг иккита рақобатдош моделидан келиб чиқади. Қўшилиш – битта модел. У бир томонлама жараён бўлиб, мигрантлар ўзининг тилга оид, маданий ва ижтимоий хусусиятларидан воз кечиши кутилади. Муҳими, улар асосий аҳолидан ажралмайдиган бўлиши керак. Бу моделга кўпроқ Франция амал қилади. Бунга асосий муқобил бўлган иккинчи модель кўп маданиятчиликдир. Унга кўра, иммигрант тили, маданияти ва ижтимоий хатти-ҳаракатлари билан ажралган ҳолда этник жамиятларга қўшилиб кетади. Австралия, Канада, Голландия, Буюк Британия ва АҚШ давлатлари мана шу моделнинг турли кўринишларига амал қилади.

Баъзи давлатларда фуқаролик қоидалари

2.1-жадвал

Мамлакат	Фуқароликни олиш принципи	Фуқароликни олишгача яшаш муддати	Қўшалок фуқаролик рухсат этилган ёки йўқ
Австралия	Аралаш	3 йил	Ҳа
Австрия	Қондошлик	10 йил	Йўқ
Белгия	Аралаш	5 йил	Ҳа
Канада	Туғилган ери	3 йил	Ҳа
Франция	Қондошлик	5 йил	Ҳа
Германия	Қондошлик	10 йил	Йўқ
Исроил	Мамлакатдаги барча яҳудийлар учун очик	0	Ҳа
Голландия	Қондошлик	5 йил	Ҳа
Швеция	Қондошлик	5 йил	Йўқ
Буюк Британия	Аралаш	5 йил	Ҳа
АҚШ	Туғилган ери	5 йил	Ҳа

**МИГРАНТЛАР, ДИАСПОРАЛАР, ТРАНСНАЦИОНАЛ ЖАМИЯТЛАР**

Расмий тизимлар ёки қабул қилувчи давлатлар ким мигрант ёки мигрант эмаслигини қай тарзда аниқлаши муҳимлиги каби мигрантларнинг ўзлигини аниқлаши хисси ҳам шундай. Охириги бир неча йил ичида, айниқса, иккита тушунча – транснационализм ва диаспоралар хусусида ёзишга тўлақонли ҳуқуқ пайдо бўлди. Ҳар иккала тушунча ҳам мураккаб ва мунозарали.

## **Интеграция – иммигрантларнинг якка ҳолда ёки гуруҳ тарзида жамиятга қабул қилиниши жараёни**

Диаспора атамаси классик маънога эга ва эрамиздан аввалги 586 йилда Иккинчи Черковнинг бузилишидан кейин яхудийларнинг тарқ этишига нисбатан ишлатилган. Бу атама қайта жонланишигача африкалик кулларга, Биринчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин Оттоман Бисмарк империяси томонидан амалга оширилган қирғиндан қочган арманларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу воқеаларнинг умумийлиги шундаки, уларда катта ҳажмдаги кўчишлар ва уйларига қайта олмаслик ҳолатлари содир бўлган.

Турлича даражаларда бу хусусиятлар яқиндаги кўчишларда аниқланди ва диаспора атамасининг ишлатилишида қайта туғилиш бўлди. Назариячи Габриэл Шеффернинг «Халқаро сиёсатда замонавий диаспоралар» (1986) асарида шундай дейди: «Замонавий диаспоралар келиб чиқишига кўра, мигрант манзил давлатда яшаб, фаолият олиб бораётган кам сонли этник гуруҳдир. Аммо улар туғилиб ўсган мамлакати билан яқин моддий ва маънавий алоқадир». Баъзи танқидчилар бу атама жуда мослашувчан экани, яъни ҳар қандай мигрантга нисбатан ишлатилаётганини таъкидлашмоқда. Масалан, бу атама ўз ватани ривожига ҳисса қўшаётган ҳар қандай мигрант гуруҳига нисбатан ишлатилмоқда.

### **Янги Африка диаспоралари**

Африкалик куллар диаспораси анъанавий тарзда ишлатилган бир қанча гуруҳларни ташкил қилган. Шуниси қизиқки, бу тушунча бугунги кунда кўплаб африкалик мигрантлар томонидан ўзини ва ташкилотини ифодалаш учун қабул қилинмоқда. Лондондаги турли африкалик респондентлар фикрича, бу жамиятларнинг баъзи қисмларида «иммигрант», «қочоқ» ёки «бошпана қидирувчи» атамаларидан кўра диаспора атамасида салбий маънолар камроқ. Аммо яхудийлар ва африкалик кулларнинг тарқалиб кетиши билан боғлиқ бўлгани боис бу атама ҳақоратомуз кўриниши мумкин.

Шунга алоқадор «транснационал жамият» тушунчаси ҳам бор. Баъзи мигрантлар мамлакатлар ўртасида яшайди. Улар ўзи туғилиб ўсган жой ва одамлар билан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни узмайди. Олим Алехандро Портеснинг фикрича, транснационал жамиятлар сиёсий чегараларда тигиз тармоқларни ҳосил қилади. Бу тармоқлар орқали кўшалоқ ҳаётни бошдан кечириш имконига эга одамларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Иштирокчилар кўпинча иккита тилда гаплаша олади, маданиятлар ўртасида эркин ҳаракат қила олади, иккала давлатдаги уйини ҳам таъминлайди ва уларнинг иштироки талаб қилинадиган иқтисодий, сиёсий ва маданий кизиқишларга улгуради.

Бу одамлар иммигрант ёки фуқаро каби сиёсий атамаларнинг чекловларидан қоча бошламоқда. Таджикотчи Стефан Кастлеснинг таъкидлашича, транснационализм кўп фуқаролиликда кескин ўсишга олиб келади. Яъни миллатчилар кўрқадиган феномени яратади. Транснационализмнинг ўсиши кейинчалик фуқаролик маъносини ҳам қайта кўриб чиқиш кераклигига олиб келиши мумкин.

### 3-БОБ. МИГРАЦИЯ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ

Халқаро миграция – глобаллашувнинг муҳим ўлчови. У – глобал иқтисодий ва ижтимоий тизимлардаги ўзгаришларда асосий қисмлардан бири. Ўсиб бораётган ривожланиш, демографик ва демократик тенгсизликлар, ривожланаётган давлатларга таъсир кўрсатаётган глобал меҳнат кризиси қабилар кўчиш учун асосий сабаблар вазифасини ўтайди. Бой давлатлардаги меҳнат бозорининг сегментларга бўлиниши мигрант ишчиларга бўлган талабни кучайтиради. Коммуникация соҳасидаги туб ўзгаришлар келажакда мигрант бўладиган кишиларни тенгсизликлар ва имкониятлардан хабардор қилмоқда, шу билан бирга, транспорт соҳасидаги ўзгаришлар кўчишни анча арзон ва қулай қилиб қўйди. Демак, инсонларнинг кўчиши хавфи қўпайиши баробарида «сафар» харажатлари тобора арзонлашиб бормоқда.

Миграция тармоқлари жуда тез кенгайиб, кўчишга ёрдам беришда давом этади. Миграция саноатининг ўсиши халқаро миграциянинг янада ўсишига ҳисса қўшади. Бу ҳатто расман руҳсат этилмаган ҳудудларга ҳам тааллуқли.

#### ТЕНГСИЗЛИКНИНГ ЎСИШИ

БМТнинг Ривожлантириш лойиҳаси (UNDP) кенг камровли инсоният ривожланиши кўрсаткичини ишлаб чиқди. Унга кўра, мамлакатлар даромади, соғлиқни сақлаш тизими ва таълим тизими аралашмасидан иборат 3 ўлчамда таснифланди. 2005 йилдаги ҳисоботга кўра, инсоният ривожланиши кўрсаткичи ривожланган давлатларда, шунингдек, кўпгина ривожланаётган давлатларда анча кўтарилди, бир қанча энг камбағал давлатларда қутилмаган ўзгаришлар содир бўлди. 2005 йилда 18та давлат 1980 йилдагига қараганда ривожланишнинг кўрсаткичи бўйича пастроқ натижани кўрсатди; улардан 12таси Саҳрои қабир атрофида эди. Инсон фаровонлиги нафақат бу мамлакатларда ёмонлашмаяпти, балки улар ва дунёнинг бошқа давлатлари ўртасидаги фарқ ҳам ортиб бормоқда.

Назариётчи олим Дэвид Хелд шундай ёзади: «Глобаллашув трансконтинентал оқимлар ва уларнинг фаолият тармоқлари, ҳамкорлик ва куч ишлатишни келтириб чиқарувчи уларнинг кенглиги, жадаллиги, тезлиги ва таъсири маъносида аниқланган ижтимоий алоқалар ва ўзаро алоқаларнинг кенг жамиятдаги ўзгаришни ифодаловчи жараён сифатида қаралиши мумкин».

Бу жараён аллақачон маҳсулотлар, ғоялар, ахборот ва чегаралар бўйлаб капиталнинг оқимига сабаб бўлган. Айтиш керакки, глобал чегаралар бўйлаб одамларнинг оқими ҳам ортаётир.

БМТнинг Ривожлантириш лойиҳаси томонидан тақдим этилган баъзи статистик маълумотлар инсонларни хавотирга солади. Ер юзи бўйича ишлаётган одамларнинг тахминан 550 миллиони кунига 1 АҚШ долларидан кам миқдорда пул топади. 850 миллиондан ортиқ одам – бунга дунё бўйича 3 тадан битта мактаб ўқувчиси ҳам киради – овқат етишмаслигидан азият чекади. 1 миллиарддан ортиқ одам тоза ичимлик сувидан маҳрум ва 2.6 миллиард одам етарлича санитария шароитларига эга эмас. Ер юзи бўйича тахминан 115 миллион бола ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятига ҳам эга эмас. Уларнинг кўпчилиги Саҳрои кабир атрофидаги Африка ва Жанубий Осиёдаги давлатлардир. Африка ва араб давлатларида қизлар болаларга қараганда ўртача бир йил кам таълим олади. Жанубий Осиёда эса икки йил кам. Ривожланаётган давлатларда атиги 58 фоиз аёл, эркакларнинг эса 68 фоизи саводлидир.

Ривожланишнинг йўқлиги ўсиб бораётган аҳоли босимида боғлиқ. Тахминан 5 миллиард одам ёки ер юзи аҳолисининг 80 фоизи ҳозирги кунда камбағал ёки ўртача даромадли мамлакатларда истикомат қилади. Ер юзидаги анча ривожланган давлатларнинг аҳолиси қисқариб бораёпти, ривожланмаган давлатларда эса, аксинча, ўсиб бормоқда: деярли дунё аҳолисининг бутун ўсиши ривожланаётган давлатларга тўғри келади. Африкада бир аёл ўртача 5.2та болага, Европада эса атиги 1.4 болага эга. Бу мойиллик шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг ҳажми келажакда янада ортиб боради. Ривожланаётган давлатлардаги болалар туғилишининг бундай

юқори кўрсаткичи натижасида бу давлатларда ривожланган давлатлардагига караганда ёш аҳолининг нисбати ҳам анча юқори.

Бу тасодиф эмаски, айрим камбағал давлатларда демократик жараён ҳам яхши эмас, ҳукукий қонунлар анча сууст, коррупция кенг тарқалган. Кўчиш орқали одамлар ўзларини, оилаларини заиф иқтисоднинг ва ўзгарувчан бозорнинг таъсиридан, сиёсий кризисдан, қуролли тўқнашувлардан, бошқа хавфли ҳолатлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Баъзан мамлакат фуқароларни вижданлардан ёки бошқа таъқиблардан ҳимоя қила олмай қолган пайтларда одамлар қочоқ бўлиб, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади.

Аммо миграцияга ривожланмаганлик, аҳолининг ҳаддан ортиқлиги ёки ҳукуматнинг яхши эмаслиги сабаб эмас, балки дунёнинг ҳар хил қисмлари орасидаги фарқлардир. Ялпи миллий маҳсулот, яъни одамларнинг даромадини ифодаловчи энг кўп ишлатиладиган иқтисодий кўрсаткич ривожланган мамлакатларда ривожланаётган мамлакатлардагига караганда 66 марта юқори. Ҳозирда Буркина Фасода туғилган бола Японияда туғилган болага нисбатан 35 йил камроқ умр кўриши кутилади; Ҳиндистонда туғилган бола АҚШда туғилган болага нисбатан 14 йил камроқ умр кўриши айтилмоқда.

Камбағал давлатлардаги мактабга қабул қилишнинг чеклангани ва саводхонликнинг паст даражаси бой давлатлардаги деярли ҳаммани мактабга қабул қилиши ва тўла саводхонлик билан қиёсланади. Санокли мамлакатлар ҳисобга олинмаса, коррупция кенг тарқалган ва демократик бўлмаган ҳукуматлар камбағал мамлакатлардадир.

## ГЛОБАЛ МЕҲНАТ КРИЗИСИ

Кўчиш учун энг кучли турткилардан бири даромадли меҳнат излашдир. Дунёнинг асосий ҳудудларида ишсизликнинг энг юқори ҳолати Ўрта Шарқ ва Шимолий Африкада кузатилмоқда. Бу 12 фоизни ташкил қилади. Саноатлашган иқтисодларда эса бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этади.

Ишсиз бўлиш ҳозирги глобал меҳнат кризиси даврининг ягона ўлчами эмас. Кўплаб одамлар қисман ишсиз. Одатда улар норасмий секторларда ишлайди, яъни ишга қабул қилинишини

олдиндан айтиб бўлмайди; имкониятлар мавсумга қараб пайдо бўлади ва йўқолади. Баъзан иш ҳафталик ёки ҳатто кунлик бўлиши, иш шароитлари эса ачинарли ҳолда бўлиши мумкин. Ҳатто ишга кирганлар учун ҳам иш ҳақи яшаш учун зўрға етади. БМТ Риволантириш лойиҳасининг ҳисобига кўра, очарчилик яқин келажақда ҳам сезиларли даражада қолади. 2015 йилга келиб, ҳали ҳам 380 миллионга яқин одам яшаш учун кунига 1 АҚШ доллари топаётир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисобига кўра, ҳозиргача 12 миллион одам мажбурий меҳнат шароитида ишлаб келмоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги руҳий зўриқишдаги аҳолининг даромади кишлоқ хўжалигига боғлиқ. Улар умумий ишчи кучининг тахминан ярмини ташкил этади. Бу эса 1.3 миллиард одам дегани. Кўпларининг кичик фермалари бўлиб, савдонинг кенгайиши ва атроф-муҳитнинг ёмонлашиши уларга таҳдид солмоқда. Улар сиёсий позициясининг кучсизлиги туфайли уларга солиқлар ҳам ноҳақ равишда белгиланади. Охириги йилларда фермерликда ишлайдиганлар ва бошқа соҳада ишлайдиганларнинг даромади ўртасидаги фарқ жуда ошиб кетди. Битта натижа кишлоқ жойлардан шаҳарларга миграциядир. Фермерлар ва уларнинг оилалари яхшироқ даромад манбаларини топиш мақсадида шаҳарлар томон йўл олмоқда. Бу одамларнинг кўпчилиги учун шаҳарга – ички миграция мамлакатдан ташқарига кетадиган халқаро миграцияга қўйилган биринчи қадамдир.

## **МЕҲНАТ БОЗОРЛАРИНИНГ СЕГМЕНТЛАРГА БЎЛИНИШИ**

Юқори даромадли иқтисодлар меҳнат бозорининг сегментларга ажратилиши билан характерланмоқда. Бу нарса меҳнат бозорининг секторларида маҳаллий ишчилар ишламаса, содир бўлади. Чунки, бундай секторлар кам иш ҳақи тўлайди, хавфсизлик таъминланмаган, ҳуқуқий ҳолати паст даражада, шу сабабли бу секторлар мигрант ишчилар билан тўлиб кетди. Улар «ДДД ишлар» деб ҳам айтилади. Яъни ифлос, хавфли ва оғир ишлар. Кўп ҳолларда бу уч вазият умумлашган ҳолда учрайди. Булар кўпроқ кишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, плантациялар, оғир саноат, қурилиш ва уй хизмати каби секторларда кўпроқ кўзга ташланади.



Изланишлар шуни кўрсатадики, ҳатто иктисодий сусайиш вақтларида ҳам маҳаллий ишчилар бундай ишларда ишлагиси келмайди, шу сабабли иктисодий тенденциялардан катъи назар, мигрант ишчиларга бўлган талаб ўсиб бораверади.

*Кўпинча, бундай секторларда ишлайдиган мигрантларнинг ҳужжати бўлмайди ёки номунтазам ҳуқуқий ҳолатда бўлади, шунинг учун улар кам иш ҳақиға ва хавфли, ёмон шароитларда ишлашдан бош тортмайди. АҚШда мексикалик мигрантлар асосан фермаларда ишлайди. Россия Федерациясида номунтазам мигрантлар оғир саноатни ҳаракатга келтиради. Буюк Британия ва бошқа бир нечта Европа давлатларида қурилиш, озик-овқат саноати ва бошқа номунтазам мигрантларга боғлиқ хизматларда ишлайди. Агар сотиб олган таомингиз анча арзон бўлса, ошхонада уни тайёрлаётган кишилар номунтазам ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши мумкин ва шу сабабли энг кам иш ҳақидан ҳам кам маош олаётган бўлади. Иш берувчилар учун номунтазам мигрантларнинг афзаллиги шундаки, улар арзон ва мослашувчандир. Аммо мигрантларнинг ўзи кўп ҳолларда эксплуатация қилинади ва ҳақоратланади.*

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки,

- мигрантлар манзил мамлакатларда аксар ҳуқуқлардан маҳрум бўлади ёки номунтазам ҳуқуқий ҳолатда бўлади;

- иш шароити ёмон, соғлиқни сақлаш ва техник хавфсизлик таъминланмаган бўлади;

- аксар мигрантлар, юқоридагилардан келиб чиқиб, ўз юртига соғлигини йўқотган ҳолда қайтади;

- бемор фуқаролар соғлигини тиклаши, уларнинг кейинги ҳаётида фаол меҳнат билан шугуллана олмалиги мамлакат иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатади...

## **КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР**

Коммуникация соҳасидаги туб ўзгариш глобаллашув жараёнининг марказий элементиدير. Глобаллашув ҳақидаги адабиётларнинг аксарияти электрон почта, интернет, электрон доска, сунъий йўлдош орқали бошқариладиган телевизион станциялар, уяли телефонлар ва арзон халқаро телефон алоқалари

каби технологиялардаги портлашга қаратилган. Масалан, 1990 ва 2000 йиллар орасида дунё бўйича телефон линияларининг сони 700 мингдан 2.5 миллиардга ошди, интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса тахминан бир миллиондан бир миллиардга бориб етди. Туб ўзгариш глобал алоқаларга кўмаклашди, дунёнинг турли чеккаларига бўлган масофани қисқартирди. Бу миграцияга иккита сабабга кўра алоқадор: Биринчиси, одамларни тенгсизликлардан, фарқлардан, иккинчиси, бу одамларнинг четга бориб ишлаш имкониятларидан хабардор қилади.

### **Африкадаги уяли телефон инқилоби**

Ер юзиде 2.4 миллиард уяли телефонлардан фойдаланувчилар мавжуд. Ҳар бир минутда 1000 та янги мижоз аъзо бўлади. Уяли телефонлардан фойдаланувчиларнинг 59 фоизи ривожланаётган давлатларга тўғри келади. Бу эса уяли алоқани тарихдаги биринчи телекоммуникация технологияси даражасига чиқарди. Бундан фойдаланувчилар ривожланган давлатлардагига караганда анча кўп. Африкада уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш бошқа жойларга караганда жуда тез ўсмоқда. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 152 миллионга етди. Биттагина Конго Демократик Республикасида 3.2 миллион уяли алоқа воситаларининг мижозлари бор ва ҳар куни яна 8 мингта янги мижозлар уланмоқда. У ерда атиги 20 мингта оддий телефон линияси мавжуд.

Шу билан бир вақтда, коммуникация соҳасидаги туб ўзгаришни бўрттириб кўрсатиш ҳам мумкин. Ҳалигача сезиларли даражада «рақамли бўлиниш» мавжуд, бу атама бой ва камбағал давлатларда мавжуд бўлган информация манбаларига бўлган имкониятлардаги фарқни кўрсатади. Бу 2000 йил БМТнинг бош қотиби Кофи Аннан сўзлаган нутқда жонли ифодаланди: «Ер юзи аҳолисининг деярли ярми ҳеч қачон телефондан фойдаланмаган». Бу статистик маълумотлар ҳозиргача кенг мунозараларга сабаб бўлмоқда. Рақамли бўлинишни тенглаштириш глобал тенгликка, ижтимоий ҳаракатчанликка, демократияни қўллаб-қувватлашга ва иқтисодий ўсишни тарғиб қилишга эришиш учун муҳим деб ҳисобланмоқда.

Яна бир туб ўзгариш транспорт соҳасига тегишли. Бир томондан бу халқаро саёҳат қилишнинг турлари, имкониятлари кўпайганига, иккинчи томондан эса, нархларнинг пасайганига тааллуқли бўлиб, авиакомпаниялар ўртасидаги рақобатнинг ўсиши туфайли келиб чиқди. Бу ўзгаришлар ер юзининг ҳамма бурчакларига етиб борган эмас. Аммо ҳисобларга кўра, бугунги кунда дунёнинг ҳар қандай иккита жойи ўртасида қонуний йўл билан саёҳат қилиш 2500 АҚШ долларида ошмайди. Ноконуний тарзда саёҳат қилиш эса анча қиммат. Агар коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар бўлғуси мигрантларни кўчириш учун сабаблардан хабардор қилган бўлса, транспорт соҳасидаги туб ўзгаришлар миграцияни анча енгиллаштиради. Халқаро саёҳат ҳали ҳам дунё аҳолисининг кўпчилиги учун жуда қиммат ва уларнинг аксарияти паспорт ва визалар олиш каби маъмурий тўсиқларга учрамоқда.

## МИГРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ

Кўпчилик мигрантлар аллақачон бориб жойлашган дўстлари ёки қариндошлари бор давлатларга кўчади. Бу орқали транснационал миграция тармоғи шаклланади. Миграциянинг бугунги кунда нима учун ортиб бораётганидаги асосий сабабларидан бири мана шу миграцион тармоқлардир. У ўзини ўзи ҳаракатлантирадиган циклдир. Миграциянинг кенгайиши олдингига қараганда жуда кўплаб кишиларнинг ҳозирда четда яшайдиган дўстлари ёки оила аъзолари борлигини билдиради. Миграция географиясининг ўзгариши эса бу тармоқлар олдингига қараганда ҳозирда кўпроқ камбағал давлатлардаги бўлғуси мигрантларни бой мамлакатлардаги улар бориши мумкин бўлган манзил билан боғлаётганини англатади.

Миграция тармоқлари миграцияни 3 та асосий йўл билан қўллаб-қувватлайди: 1. Улар кўпинча коммуникацион технологияларнинг афзалликларидан фойдаланиб, ахборот билан таъминлайди. 2. Улар бўлғуси мигрантларга манзилга етиб олгунларигача пул бериб туради. 3. Улар ҳар доим янги мигрантларнинг бориб жойлашишига ёрдам бериб, жуда муҳим роль ўйнайди. Яъни жой топиб беради, иш топишга кўмаклашади ва бошқа иқтисодий, ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Изданишлар кўрсатдики, миграция тармоқларининг характери миграциянинг тарихига асосланган ҳолда турлича бўлади. Улар – мигрантлар қўшилган миллий шароитлар, ижтимоий-маданий хусусиятлар. Манзил давлатлардаги иқтисодий барқарорлик даражасига қарамадан, миграция тармоқлари ҳаракат қилишда давом этаверади. Сиёсат учун миграция тармоқлари билан алоқадор ҳаракатни эса тўхтатиш қийин.

## ЯНГИ ҲУҚУҚЛАР ВА ҚОНУНЛАР

Маълум кишиларга чегараларни олдингига қараганда осонроқ кесиб ўтиш ва четда қолишга имкон берувчи ҳуқуқлар ва қонушларда сезиларли кенгайишлар содир бўлди. Масалан, Европа Иттифоқида ички чегараларни олиб ташлаш Европа Иттифоқидаги кирувчи давлатлар фуқароларига ҳудуд ичида эркин ҳаракат қилишга имкон беради. Шимолий Американинг Эркин савдо келишуви ва дунёнинг бошқа жойларидаги ҳудудий иқтисодий келишувлар – бунга Африка ва Жанубий Америка ҳам қиради – ишчиларнинг эркин кўчишини таъминлайди. Яна баъзи тоифадаги одамлар, бизнесменлар, олимлар ва талабалар, спортчилар ва санъаткорлардан ё виза талаб қилинмайди, ёки бўлмаса, тез виза олишлари таъминланади. Олдингига қараганда кўпроқ давлатлар ҳозирда узок муддатли мигрант ишчиларга ўзларининг оилалари билан бирга бўлишга руҳсат бермоқда. Миграция доирасининг бошқа томонида эса кўпгина давлатлар 1951 йилда БМТнинг Қочоқлар конвенциясига қўл қўйишган. Бу қочоқларга ўз мамлакатларидан ташқарида ҳимоя ва қўмақни қафолатлайди.

Меҳнатнинг эркин ҳаракатланиши Европа Иттифоқидан ташқаридаги кўпгина ҳудудий иқтисодий келишувларда ўз аксини топмаган. АҚШда хавфсизлик масалалари иммиграция сиёсатига ўз таъсирини ўтказди. Унга қўра, маълум соҳа мутахассислари ва экспертларига бериладиган Н1-В визасининг сони 2001 йилдаги сентябрь воқеаларидан кейин қисқарди. Оилалар қайта қўшилиши учун виза олишга ариза берувчилар жуда каттиқ маъмурий жараёнларга дуч келмоқда. Паст малакали ишчилар ва бошпана қидирувчилар каби кишиларнинг кўчишига чекловлар ортиб бермоқда.

## МИГРАЦИЯ САНОАТИ

Миграция турли шахслар, агентлар, яъни ишга ёлловчилар, иммиграция юристлари, саёхат агентлари, брокерлар, жой билан таъминловчилар, пул жўнатиш агентликлари, иммиграция, божхона расмийлари, миграция бўйича халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Улар мигрантлар ва кочокларни расмий кўчириш ва қайтариш дастурлари орқали манзилларига олиб боришга жавобгардир. Бунга яна мигрантлар, кочокларни бошпана ва бошқа ёрдам билан таъминловчи нодавлат ташкилотлари ҳам киради. Булар баъзи аналитиклар томонидан бошқа молиявий фойда келтирувчи бизнеслар каби янги миграция саноатини ёки миграция бизнесини шакллантириш, деб тасвирланди. Бундан ташқари, одам савдоси ва мигрантлар савдоси билан шуғулланувчилардан ташкил топган миграция саноатининг ноқонуний қисми ҳам бор.

Иммиграция саноати миграциядан оладиган катта фойда жараёнга туртки бўлади. Шу билан бир вақтда, унинг ортиб бораётган мураккаблиги, яъни юқори даражада ташкиллаштирилган гуруҳларни мигрантлар чиқадиган, транзит ва манзил мамлакатлардаги кичкина бошқарувчи ва агентлар билан боғлаш, сиёсат учун унинг таъсирини камайтиришни кийинлаштирмоқда.

### Миграция саноати

Миграция саноати янги эмас. XIX асрнинг охиридаги Италиядан АҚШга эмиграция ҳақида фикр юритиб, тарихчи Роберт Харни 1977 йил «миграция савдоси» атамасини қўлади: «Маълумки, бюрократ, нотариус, юрист, меҳмонхона эгаси, судхўр, порт шаҳардаги югурдаклар, агентлар, ҳатто поезддаги проводниклар ҳам эмиграция савдосига боғлиқ эди». Жорж Дуранд ҳам XIX аср охирида марказий ғарбий Мексикадан АҚШга мигрантларни ёлловчиларнинг родини тасвирлаб берган.

Энг камбағал одамлар кўча олмайди. Ундай одамлар ички тарзда, яъни кишлоқдан шаҳарларга кўчади, холос. Ривожланмаган давлатлардаги ишсизлар ва қисман ишсиз одамлар сони ҳатто бой давлатларнинг сегментларга ажратилган меҳнат бозорларидаги

ишлардан ҳам кўпроқ. Миграция саноати фойдага таянади ва миграция нархининг ошишини хоҳлайди.

Кўчиш сабабларидан яна бири инерциядир. Кўпчилик одамлар ўз оиласи, дўстлари ва ўзига таниш маданиятдан узокка кетишни хоҳламайди ва туғилган жойида қолади. Яна бир сабаб, ҳукуматлар миграцияни назорат қила олади. Коммунистик давлатлар одамларнинг мамлакатдан чикиб кетишини тўхтатиб қўйган, аммо Совет Иттифоқининг қулаши ва совук урушнинг тугашидан сўнг, бу ҳолат бошқа давом этмади (Куба ва Шимолий Корея бундан мустасно).

Бугунги кунда миграцияни манзил давлатлар, яъни мигрантларни қабул қилувчи давлатлар назорат қилмоқда.

## 4-БОБ. МИГРАЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқаро миграция ривожланишга икки жиҳат билан боғлиқ. Улардан бири ривожланишдаги тенгсизликнинг миграцияга туртки бўлиши мумкинлиги бўлса, иккинчиси, тескари алоқа, яъни халқаро мигрантларнинг ўз мамлакатлари ривожланишига таъсир кўрсатишидир. Унинг ижобий томони шундаки, мигрантлар ўз уйига маълум миқдорда пул жўнатади. Уйга ўзи билан янги малака, тажриба ва янги алоқалар билан қайтади. *Унинг салбий томони эса миграция мамлакатлари ақл миграцияси орқали маҳорат ва малакали кадрлардан маҳрум этади.*

### ПУЛ ЖЎНАТМАЛАРИ

Бу атама одатда мигрантлар томонидан уйига жўнатишган пуллари инфодалашга нисбатан ишлатилади. Миграцияга тааллуқли пул жўнатмаларининг аниқ миқдорини ҳисоблаш қийин. Пул банк тизими орқали жўнатишса, уни расман аниқлаш мумкин. Аммо баъзан ҳатто расмий йўл орқали жўнатишган пуллари ҳам аниқ ҳисоблаб бўлмайди, чунки банклар шахсий пул жўнатмалари ҳақидаги аниқ маълумотларни беришни хохламайди. Шунинг учун ҳам, пул аксар ҳолларда норасмий йўллар билан жўнатилади. Бунинг ягона сабаби – банк тизими ёки агентликлар орқали жўнатма анча қиммат (4.1-жадвал). Шу боис, бу ҳолат пулни ўзи билан олиб қайтиш ёки қариндошлари орқали бериб юбориш кўринишида намоён бўлади. Баъзан икки давлат оралиғида мунтазам катнайдиган ишбилармонлар ва савдогарлар мигрантлар учун уларнинг пуллари озорок пул эвазига олиб келиб беради. Кубада бундай ишбилармонлар мулас деб аталади. Норасмий равишда пул жўнатишнинг энг пухта ўйланган механизми Сомали Хавилад тизими экани таъкидланади. Бу ҳақда куйида маълумот келтирилади.

Шунга қарамадан, Жаҳон банки ҳар йили дунё бўйича пул жўнатмалари ҳажмининг ҳисоб-китобини бериб боради. Унга кўра, 2004 йилда мигрантлар ўз уйига 150 миллиард АҚШ доллари миқдори атрофида пул жўнатган. Тахминлар 2005 йилда бу рақам 200 миллиард АҚШ долларига яқинлашганини кўрсатади. Бу атиги 5 йил ичида пул жўнатмалари оқимида 50 фоизга ўсиш бўлганини

кўрсатади. Бунга асосий сабаб эса глобаллашувдир. Баъзи тахлилчиларнинг фикрича, ҳозирги кунда пул жўнатмалари қиймати бўйича нефть савдосидан кейин иккинчи ўринда туради (наркотиклар бундан мустасно). Ривожланаётган мамлакатларда пул жўнатмалари корпоратив инвестициялардан кейин турадиган энг муҳим ташқи маблағ манбаидир. Бунда норасмий пул жўнатмаларининг ҳажми расмий пул жўнатмалари ҳажмидан икки марта кўп. Шундай бўлсада, пул жўнатмаларининг умумий қиймати йилига 450 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади.

### 2004 йилда АҚШдан баъзи давлатларга пул жўнатишнинг ўртача миқдори

4.1-жадвал

Мамлакат	Пул жўнатмаси миқдорининг фоизи
Мозамбик	1.0
Туркия	4.9
Португалия	5.0
Эквадор	5.6
Покистон	5.7
Салвадор	6.0
Колумбия	6.2
Перу	6.5
Греция	7.1
Ҳиндистон	8.1
Филиппин	8.2
Боливия	8.4
Доминикан Республикаси	8.4
Мексика	9.2
Венецуэла	10.5
Миср	13.8

Манба: БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўлими, *Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий кузатуви: халқаро миграция* (Нью-Йорк: БМТ, 2004).

2004 йилда энг кўп миқдорда пул жўнатмалари оладиган мамлакатлар Мексика (16 миллиард АҚШ доллари), Ҳиндистон (9.9 миллиард АҚШ доллари) ва Филиппин (8.5 миллиард АҚШ



доллари) давлатлари бўлди. Бироқ пул жўнатмалари ялпи миллий маҳсулотнинг нисбати сифатида кичкина давлатларга тўғри келди. Бу Йорданияда 23 фоизни, Лесотода 27 фоизни ва Тонгода 37 фоизни ташкил этди. Шуни ҳам кузатиш жоизки, бошқа ривожланаётган худудларга солиштирганда Сахрои кабир атрофидаги Африка давлатлари пул жўнатмаларининг энг кам миқдорини олган. Бу ер юзи бўйича умумий миқдорнинг атиги 1.5 фоизидир. 2004 йилда энг кўп миқдорда пул жўнатмалари чиқиб кетган давлатлар АҚШ (28 миллиард АҚШ доллари), Саудия Арабистони (15 миллиард АҚШ доллари), Бельгия, Германия ва Швейцария (хар биридан 8 миллиард АҚШ доллари)дир.

### **Хавилад тизими**

Хавилад тизими Сомали савдогарларига асосланган. Улар чет элдаги сомалилик мигрантлардан пулларни йиғиб олиб, Сомалида сота оладиган маҳсулотларни харид қилади. Сомалига қайтгач, маҳсулотларни сотади ва мигрантлар оиласига ўша пулнинг эквивалентини сомали пули билан қайтаради. Маҳсулотни сотишдан тушган фойда эса ўша савдогарнинг ҳақи ҳисобланади. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин буни кузатиш ёки ёпиб ташлашга ҳаракатлар бўлди. Аммо бу тизим ҳозиргача жуда кенг тарқалган.

Ҳалигача пул жўнатмаларининг мигрантлар ватанига таъсири хусусида муҳим мунозаралар кетмоқда. Маълумки, бу тўғридан-тўғри пулни оладиган кишиларга маълум миқдорда фойда келтиради, айниқса, улар ночор бўлса. Пул жўнатмалари одамларни ночор аҳволдан чиқариши мумкин: масалан, Сомалилендда пул жўнатмалари эвазига оилаларнинг даромади икки бараварга ошган; Лесотода эса қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган оила даромадининг 80 фоизини ташкил қилади. Пул жўнатмалари даромадни кўнайтиришдан ташқари, уни турли-туман қилади. Яъни уй эгаси ягона даромад манбаига камроқ қарам бўлади. Шу орқали пул жўнатмалари таваккалликка қарши суғурга вазифасини ҳам ўтайди. Кўпинча, бу пуллар болаларнинг ўқиши ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш учун сарфланади.

Пул жўнатмалари оила аъзоларидан бошқаларга ҳам фойда келтиради, аммо бу пул қандай сарфланишига ҳам боғлиқ.

Масалан, кичик бизнес ёки ўзи истикомат қиладиган жойлардаги корхоналарга инвестиция сифатида сарфланса, мактаблар ёки соғлиқни сақлаш клиникаларига йўналтирилса, пул жўнатмасини қабул қилувчидан ташқари бошқа одамларни ҳам иш билан таъминлайди.

## Пул жўнатмалари, глобализация ва ГТТ

Охирги йилларда пул жўнатмаларининг бундай тез ортиб кетишига глобаллашув асосий сабаб бўлди. Айниқса, глобаллашув туфайли пайдо бўлган ГТТдир. Улар пул жўнатмаларини ҳам қўллаб-қувватлайди. Биттаси – транспорт воситаси, асосан, арзон ҳаво транспорти. Иккинчиси – туризм соҳасининг ривожланиши. Кўпчилик мигрантлар дам олиш учун уйига қайтганда ўзи билан пул олиб келади. Учинчиси – телекоммуникация. Унга арзон телефон хизматлари ва интернетдан фойдаланиш имкониятлари қиради. Демак, мигрантлар ва уларнинг оиласи олдингига қараганда ҳозирда мунтазам равишда алоқада, шунингдек, дўстлари ва оиласи осонгина ёрдам сўрай олади.

Бошқа томондан, кўпинча пуллар кундалик эҳтиёж молларига, машина, телевизор, қарзларни тўлаш кабиларга ишлатилса, уларнинг фойдаси чекланган бўлади. Кўшимча тарзда, баъзи кишилар пул жўнатмаси олса ва бошқалари олмаса, бундай ҳудудлардаги *одамлар ўртасида тенгсизлик кучайиб кетиши мумкин ва бундай жамиятларга путур етиши мумкин*. Шунинг ҳам эслаш жоизки, мигрантлар ўзлари чиқадиган мамлакатларнинг маълум қисмларидан келиб чиқишига мойил. *Аксарият ҳолларда уларнинг пул жўнатмалари ҳудудий тенгсизликни кучайтиради, натижада, миллий қадриятларга путур етади*. Пул жўнатмалари, мигрантлар савдоси билан шуғулланадиганларга мигрантларнинг оила аъзоларини ноқонуний йўллар билан бойроқ мамлакатларга кўчиришга ёрдам бергани учун ҳам тўланиши одам савдоси жиноятининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Пул жўнатмалари ижобий томонлари билан матбуот, олимлар ва сиёсатчиларнинг диққатини тортди. Аммо бу бир қанча огоҳлантирувчи сигналларга ҳам эга. Биринчидан, мигрантларнинг ўз оилаларидан ажралган ҳолатда қолиши туфайли келиб чиқадиган қийинчиликларга эътибор берилмади. Уйга пул

жўнатиш ҳар доим ҳам ўз жуфтлари билан бирга бўлишининг ўрнини боса олмайди ёки болаларининг катта бўлаётганини ўз кўзи билан кўра олмаслик ёки қари ота-оналарига гамхўрлик кўрсата олмаслик кабилар ҳам шунга киради.

Иккинчидан, мигрантларнинг уйга пул жўнатишида ижтимоий босим ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. *Мигрантлар ишсиз бўлиши, мунтазам иши бўлмаслиги ёки жуда кам иш ҳақи олаётган бўлиши мумкин.* Аммо уйдагилари доим улардан катта миқдорда пул кутади. Қизиқ томони шундаки, кўпинча мигрантларнинг ўзи оила аъзоларини адаштиради; ростдан нима иш қилаётганини ва қанча пул топаётганини тўғри айтмайди. Чунки аксарият пайтларда уларнинг ахволи танг ҳолатда бўлади.

Нихоят, пул жўнатмаларини олиш мигрантлар мамлакатида «миграция маданияти»ни яратиши мумкин. Ёшлар миграциянинг яхши томонларини кўради. Яъни уларнинг ишлаш шарт-шароитини эмас, жўнатаётган пўлни кўради, холос. Натижада, четга чиқиш осонгина пул топиш деб тушунади ва четга кетиш орқали ўз олдига амалга ошмайдиган мақсадларни қўяди. Бундан ташқари, *пул жўнатмаларини кўргач, баъзи одамлар умуман ишлагиси келмай қолади. Худдики, нариги мамлакатда осонгина меҳнат билан кўп пул топиш мумкин.*

### **Пул жўнатиш учун босим**

1999 ва 2001 йиллар орасида Буюк Британия, Германия ва АҚШдаги тахминан 100 тача эритрианлик мигрант ва қочоқлардан сўровнома ўтказилди. Ўша пайтда уларнинг давлати қўшни Эфиопия билан уруш олиб бораётган эди. Низо пайтида уларга ўз уйига пул жўнатиши учун маълум тазйик ўтказилган. Чунки, ўз мамлакатидаги кўплаб ёшлар ҳарбий хизматга олинган ва шу сабабли уларнинг оиласи даромад манбаидан маҳрум қилинган. Берлин марказидаги эритрианликлар яшайдиган ҳудуддаги бир воқеада, ўз мамлакатини пул жўнатиш орқали қўллаб-қувватлаган кишиларни табриклар, сертификатлар берилган. У ерда ишини йўқотгани сабабли охириги ойда пул жўнатмаган битта иштирокчи бор эди. У сертификат олмаган ягона киши бўлгани сабабли жуда ноқулай аҳволга тушган ва уялган, кейин эса йиғилиш тугамасдан

чикиб кетишга мажбур бўлган. Булар мигрантлар пул жўнатиши учун босимга дуч келиши мумкинлигини англатади.

Бунда мигрантлар ўз мамлакатининг матбуотида чиқиш қилиш орқали хисса қўшади. Аммо бугунги кунда энг кучли таъсир қиладиган йўл интернетдир. Камбағал давлатларда интернетдан фойдаланиш имконияти чекланган бўлишига қарамадан, у ердаги сиёсатчилар ва журналистлар каби қарашларни шакллантирувчилар интернетдан фойдаланади. Шу сабабли интернетдаги суҳбат хоналардаги баҳс-мунозаралар ёки электрон почта компаниялари томонидан таъсирга учраши мумкин.

## ҚАЙТИШ

Мигрантлар уйга қайтганида йиғиб қўйган пулларини ўз давлатида инвестиция қилиши мумкин. Масалан, кичик бизнесни йўлга қўйиш орқали. Бундан ташқари, улар юртига чет элда яхши алоқа ўрнатиб қайтиши мумкин. Бу эса кичик хажмдаги савдо ва импорт-экспорт фаолияти учун асосни шакллантиришга сабаб бўлади. Улар олиб келган янги ғоялар ватандошларида ишбилармонлик муносабатлари ва фаолиятини ривожлантириши мумкин.

Аммо қайтишнинг таъсирини жуда юкори баҳоламаслик керак. *Баъзи одамлар четда иши юришмагани сабабли қайтади, айниқса бугунги глобал дунё иқтисодий инқирози пайтида, улар ҳеч қандай пулсиз, тажрибасиз қайтиши ҳам мумкин. Кўпинча мигрантлар ҳаётининг ишлашга қодир пайтини четда ўтказиб, уйга нафақага чиқиш учун қайтади. Улар ўзи билан пул олиб келиши билан бирга (агар олиб кела оlsa), қайтиб келгач иқтисодий жиҳатдан фаол бўлмайди. Яна ўзи ҳеч қандай фойда келтираолмаган давлатнинг нафақаси ҳиссобида кун кўради.*

Охириги пайтларда «айланма миграция»га мойиллик ортиб бормоқда. Бунда мигрантлар қисқа муддатга уйга қайтади ва кейин яна жўнаб кетади. Бу қисқа муддатга келиб-кетиш ҳам ривожланишга хисса қўшиши ёки қўшмаслиги борасида бахли мунозаралар давом этмоқда.

Эрон, Ирок, Қувайт, Саудия Арабистони, Бахрайн, Қатар, БАА, Уммон каби нефть ишлаб чиқарувчи давлатларда ишлайдиган ва таътил вақтида уйга бориб келади хиндистонликлар орасида

ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, уларнинг уйга бориб келиши маҳаллий иктисодиётда бирданига ўсишни таъминлайди. Чунки киска муддатга уйга қайтган мигрантлар кўпинча ўзини намоён қилади: дўстлари ва оиласидан пулни аямайди, совғалар, овқатлар, ичимликлар сотиб олиб, катта харажатлар қилади.

Чет элларда узок муддат ишлаётган меҳнат мигрантлари ўз юртларига нафақат қариндош-уруғларидан хабар олиш учун, балки тантана ва маросимлар (тўй, жаназа ва х.к.)ни ўтказиш ҳамда расмий (паспорт алмаштириш, визани узайтириш ва х.к.) сабаблар билан ҳам қайтишади. Шунинг учун, бу ўринда методологик хатоликка йўл қўйилиши мумкин, чунки бундай ҳолатларда мигрант хорижий структуранинг ходимилигича қолади ва аслида, мамлакатга қайтмаган бўлади. Бизнинг фикримизча, мигрантлик даврининг тугалланганини мигрантнинг ўз олдига қўйган муайян мақсадга эришган, масалан, ота-онаси учун уй сотиб олиш, маълум бир тадбиркорликни ташкил қилиши ёки янги бизнесга сармоя киритиши ва х.к. ва бутунлай уйга қайтган пайти билан белгилан керак.

## АҚЛ МИГРАЦИЯСИ

Миграция танлаш асосида бўлиши мумкин. *Жўнаб кетаётганлар баъзан жамиятдаги энг ишбилармон, яхши маълумотли ва ақлли кишилар бўлади.* Ҳиндистондан жуда кўплаб компьютер экспертлари ва техник ходимлар чиқиб кетмоқда. Шу сабабли бугунги кунда Ҳиндистондаги кўплаб ёшларда мана шундай қобилиятлар ривожланган. Бу – одатий ҳол. Аммо бу кўчишлар мигрантлар чиқадиган мамлакатларни камёб малакали кадрлардан маҳрум этади. Бу жараён ақл миграциясидир. *Ақл миграцияси айни пайтда давлатлар ўз фуқаролари таълим соҳасига қилинган инвестициядан ҳеч қандай фойда кўрмаётганини англатади.*

Ақл миграцияси – глобал ҳодиса. Кўп йиллардан бери. Европанинг энг яхши олимлари АҚШга кетаётир. Чунки, у ерда иш хаки баланд, изланиш учун тўланадиган грантлар анча кўп ва жиҳозлар ҳам анча яхши.

Мухим хавотир тиббий ходимларнинг миграциясидир. Мигрант врачлар ва тиббиёт ходимларининг салмокли миқдори Саҳрон

кабир атрофидаги Африка давлатларидан экани ташвишланарли. Баъзи рақамлар ўта хайратланарли. Масалан, 2000 йилдан қарийб 16 минг Саҳрои кабир атрофидаги Африка давлатларидан ҳамширалар Буюк Британияда ишлаш учун рўйхатдан ўтди. Мустақилликдан бери тажриба орттирган 600 та врачдан атиги 50 тасигина Замбияда ишламоқда. *Ҳисобларга кўра, ҳозирда бутун Малавиянинг ўзидагига қараганда кўпроқ малавиялик врачлар Англиянинг Манчестер шаҳрида ишламоқда. Малави сингари болалар ўлими ва касаллиги даражаси юқори бўлган камбағал мамлакатларда нима учун врачларнинг йўқлиги ва бу ҳолнинг давлат ривожига бунчалик салбий таъсир кўрсатишини тушуниши мумкин.*

*Африкадаги ўқитувчиларнинг ақл миграцияси ортаятти. Шу сабаб, мактаб таълими ва саводхонлик оқсамоқда.*

Ақл миграциясига нисбатан қарашлар турлича. Ақл миграцияси одамлар ўзининг ҳаётини яхшилаш, имкониятларини амалга ошириш учун кўчишини кўрсатади. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Бунинг устига, агар уларнинг ватанида иш, қолиш учун етарли имкониятлар таъминланган бўлмаса, унда муаммо ўша мамлакатнинг ўзида.

*Аммо бунинг салбий томони шундаки, бу тенденциянинг дунё бўйлаб тарқалиши айрим мамлакатлардаги иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб, мутахассисларнинг таъминланиши даражаси ўша мамлакат шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ўзи ва оиласи учун нормал ҳаёт кечирishi ва фаолият олиб бориши учун етарли миқдорда бўлсада, енгил-елли ҳаёт кечирishини истаб ўз юртини тарқ этишига мойил инсонлар сони ортиб бориши мумкин. Бу нафақат имон-этиқоднинг йўқолиши, балки глобаллашув ва «оммавий маданият» таъсирида кишиларда Ватанпарварлик, даҳлдорлик фазилатларининг йўқолиб бориши ва эгоизмнинг кучайишига олиб келади.*

Миграция жараёнлари кўламининг анча кенг бўлишига қарамай, бугунги кунда Ўзбекистон билимли мутахассисларнинг чиқиб кетиши муаммосига дуч келмади. Аксарият олий маълумотга эга бўлган тажрибали ёшлар фаол ривожланиб бораётган Ўзбекистон шароитида ўз ўрнини топмоқда.

## 5-БОБ. НОМУНТАЗАМ (НОҚОНУНИЙ) МИГРАЦИЯ

Ўз мамлакатидан ноқонуний кетаётган мигрантлар ҳам худди бошқа мигрантлардек мақсадлар билан чиқади. Қонуний йўлдан кўра ноқонуний – номунтазам чикиб кетадиган мигрантларнинг сони ортиб боришига сабаб, асосан манзил мамлакатларда қонуний кўчишларга нисбатан чекловларнинг кучайишидир. Аввалгига қараганда кўпроқ одамлар кўчишни хоҳлайди, аммо буни қонуний йўл билан амалга ошириш учун имкониятлар етарли эмас. Қонуний чекловларга қарамасдан, одамларнинг кўчиш истаги атрофида кўп миллиард долларлик саноат одам савдоси ва мигрантлар савдоси каби кўринишларда шаклланди.

### НОМУНТАЗАМ МИГРАЦИЯ НИМА?

Мазкур ҳолатда «ноқонуний» атамаси ўрнига «номунтазам» сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ, дея эътироф этилмоқда. Чунки, одамларни «ноқонуний» дейиш уларнинг инсонийлигини инкор этади, зеро, инсон ноқонуний бўлиши мумкин эмас деган қараш тўғрисида шундай хулосага келинмоқда. Бунда мигрантларнинг ҳам одам экани осонгина унутилиши мумкин. Ҳуқуқий ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳам ҳуқуқлари бор. Шунингдек, ноқонуний – жиноятчилик билан алоқадор атама. Мигрантларнинг айримлари маъмурий қонун-қоидаларни бузган бўлишига қарамасдан, кўпчилик номунтазам мигрантлар жиноятчи эмаслиги қайд этилмоқда.

Ушбу масалادا яна «ҳужжатсиз» ва «руҳсатсиз» атамаларига дуч келиш мумкин. Биринчиси ноаниқ бўлгани учун ишлатилмайди. Баъзан эса ҳужжатлаштирилмаган ёки қайд этилмаган мигрантларни кўрсатиш учун қўлланади. Баъзан эса ҳужжатсиз (паспорт ёки ишлаш учун руҳсатномасиз) мигрантларни ифодалайди. Уларнинг ҳар иккиси номунтазам мигрантларга тааллуқли эмас. Чунки, бу мигрантларнинг кўпчилиги ҳукуматга маълум, аксариятнинг ҳужжати бор. Аммо «ҳужжатсиз» атамаси ҳалигача уларнинг барчасига нисбатан ишлатилади. Шу каби, ҳамма номунтазам мигрантлар ҳам руҳсатсиз эмас, шунинг учун, бу атама кўпинча нотўғри

кўлланади. Шу сабаб номунтазам миграция энг маъқул атама сифатида қаралмоқда.

Мигрант бир неча сабабларга кўра номунтазам мигрантга айланади. Номунтазам миграция мамлакатга рухсатсиз қирган одамларни англатади. Масалан, чегара назорати орқали қирмаслик, сохта хужжатлар ёрдамида кириш ва хоказо. Унга яна мамлакатга қонуний йўл билан кириб, муддати тугагач қонунга ҳилоф равишда қолиб қетганлар ҳам кўшилади. Масалан, виза муддати ёки ишлаш рухсатномасининг муддати тугаган, сохта никоҳ ёки сохта фарзандликка қабул қилиш, сохта талаба ёки сохта ишбилармонлик билан шуғулланиш қабилар. Атама, бундан ташқари, мигрантлар ёки одам савдоси билан шуғулланувчилар ёрдамида мамлакатга кириб, атайлаб бошпана тизимини бузган кишиларни ҳам ифодалайди.

### Номунтазам мигрант ким?

*2001 йилда Буюк Британиянинг Довер портида юк машинасида 58 та хитойликнинг жонсиз танаси топилган.* Атиги бир минутдан ошмайдиган ВВС каналининг кўрсатувида улар «ноқонуний мигрантлар», «иктисодий мигрантлар», «бошпана қидирувчилар» ва «қочоқлар» деб тасвирланди. Аниги шуки, бу одамлар Буюк Британияга ноқонуний киришган. Шунинг учун «ноқонуний» ёки «номунтазам» дейиш тўғривок. Иктисодий мигрант ўз мамлакатини иш топиш учун тарк этган кишидир. Улар эса фожиали тарзда вафот этгани туфайли, Хитойни нима учун тарк этганини ҳеч ким билмайди. Балки ишлаш учундир, балки таъқибдан қочган бўлиши ҳам мумкин. Аммо улардан бирортаси ҳам бошпана сўраб мурожаат қилмаган. Демак, улар бошпана қидирувчилар эмас, улардан бирортасига қочоқ ҳуқуқий ҳолати берилмаган ҳам.

Иккинчидан, номунтазам миграция тушунчасини қўллаш йўлида муҳим ҳудудий фарқлар мавжуд. Масалан, Европада Европа Иттифокига қирмайдиган давлатлардан келган одамларнинг мамлакатга кириши қаттиқ назорат қилинади. Шунинг учун бу ерда мигрантларнинг номунтазам ҳуқуқий ҳолатини ва уларнинг шахсини аниқлаш нисбатан осон.



Африканинг кўп жойларида бундай эмас, чегаралар ёмон кўрикланади. Этник ва тили бир гуруҳлар давлат чегараларининг бир томонидан иккинчи томонига ўтиб юради. Баъзи кишилар эса кўчманчи жамоаларга мансуб. Аксар одамлар ўзининг туғилган жойини ёки фуқаролигини кўрсатувчи далилларга эга эмас.

Охирги мураккабликка сабаб шуки, мигрантларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгариши мумкин. Мигрант мамлакатга номунтазам йўл билан кириши мумкин, аммо ҳуқуқий ҳолатини мувофиқлаштириб олади. Масалан, бошпана сўраши ёки мувофиқлаштириш дастурларига кириши мумкин. Бошқа томондан эса, мигрант мунтазам йўл орқали мамлакатга кириб, кейин улар рухсатсиз ишласа ёки визасининг муддати ўтиб кетса, номунтазам мигрантга айланади. Масалан, Австралиядаги кўшлаб номунтазам мигрантлар Буюк Британия фуқаролари – асосан визасининг муддати ўтиб кетган талабалардир. Бошпана кидирувчиларнинг аризаси рад этилса ва рухсатсиз мамлакатда қолиб кетса, улар ҳам номунтазам мигрантларга айланади. Умуман айтганда, халқаро мигрантларнинг кўпчилик қисми ер юзининг бир чеккасидан иккинчисига кўчиш орқали узоқ масофаларга саёҳат қилади, манзилига етиб олгунча бир нечта давлатларни кесиб ўтади. Саёҳати давомида мигрант номунтазамликка кириб қолиши ёки ундан чиқиб кетиши эҳтимоллари бор. Бу ўша мамлакатнинг виза талабларига кўра содир бўлади.

## НОМУНТАЗАМ МИГРАНТЛАРНИНГ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Номунтазам миграцияни таҳлил қилиш аниқ маълумотларнинг йўқлиги туфайли тўхтаб қолмоқда ва дунёнинг турли бурчакларида бу ҳолатнинг ҳажмини таққослаш ёки унинг йўллари аниқлашни қийинлаштирмоқда. Кўришиб турганидек, атама турли сабабларга кўра номунтазам ҳолатга тушиб қолиши мумкин бўлган бир қатор одамларни ифодалайди ва одамлар мунтазамликдан номунтазам ҳолатга ўзгариши ёки бунинг акси содир бўлиши мумкин.

У қатъий тартибга асосланган. Номунтазам мигрантларни санаб чиқишнинг имкони йўқ. Мунтазам ҳуқуқий ҳолатга эга бўлмаган кишилар қўлга тушиб қолишдан кўриб, ҳукуматга, тегишли

органларга мурожаат қилишдан ёки гапиришдан қочади ҳамда шунинг сабабидан қайд қилинмай қолади. Кўпчилик кузатувчилар номунтазам мигрантларнинг кўпчилиги қайд этилмаганини таъкидлайди. Номунтазам мигрантларнинг сонини аниқлаш мақсадида турли усуллар қўлланади. Аммо буларнинг бирортаси ҳам аниқ натижа келтирмайди.

Баъзи мамлакатларда вақти-вақти билан амнистиялар эълон қилинади. Шу туфайли ушбу мамлакатларда ноқонуний яшаётган ёки ишлаётган чет давлат фуқаролари ўзининг статусини мувофиқлаштириб олиши мумкин.

Мигрантлар қайд қилинган маълумотларнинг турли манбалари ва номунтазам миграция туфайли келиб чиқадиган тенгсизликни кўрсатиш учун аҳоли ҳақидаги маълумотларни қиёслаш мумкин. Нихоят, иш берувчиларни кузатиш қонуний ҳуқуқий ҳолатга эга бўлмаган ишчиларни қисман қош этиши мумкин.

Депортациядан ташқари яна қанча номунтазам мигрантлар уйига қайтганини ҳисоблаб чиқиш қийин. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳамма номунтазам мигрантлар доимий тарзда қолиб кетади, деб ўйлаш нотўғри. Уларнинг кўпчилиги манзил мамлакатларга аниқ, одатда, молиявий мақсадда келади. Масалан, уй қуриш учун пул ишлаш, болаларини ўқитиш ёки қарзларини тўлаш каби.

Яна бир муаммо, қанчалик чекланган бўлмасин, тўпланган маълумотларни олишга имкониятнинг йўқлигидир. Кўпгина мамлакатларда бундай маълумотлар қонуни ҳимоя қилиш органлари томонидан тўпланади ва оммага тақдим этилмайди. Муқобил тарзда эса, кишининг номунтазам статусини кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар кўпинча полиция, иш билан таъминлаш ташкилотлари каби турли давлат департаментларида тарқалади. Маълумотлар тўплаш бўйича халқаро ҳамкорлик эса янада муаммолироқ. Номунтазам миграциянинг глобал йўллари ва сони бўйича давлат томонидан таъсис этилган манбалар мавжуд эмас ва борлари ҳам тўлиқ эмас.

Аммо халқаро мигрантларнинг сони кўпайиб боргани сари номунтазам миграциянинг ҳажми ҳам ортиб боради. Номунтазам миграция бўйича ҳисоб-китоблар кўпинча мамлакат миқёсидадир. Ҳисобларга кўра, у ердаги четда туғилган аҳолининг учдан бири ҳисобга олинса, АҚШда 10 миллиондан ортиқ номунтазам мигрантлар бор; бу номунтазам мигрантларнинг ярмидан кўпи

мексикаликлардир; баъзи ҳисобларга кўра, мексикада туғилган аҳолининг ярми АҚШда ёки деярли 5 миллион кишини ташкил этади ва булар номунтазам мигрантлардир. Чегара назоратини кучайтиришга қарамасдан, ҳар йили АҚШга тахминан 500 минг мигрант рухсатсиз киради. Россия Федерациясида асосан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан келган 3.5 миллиондан 5 миллионгача номунтазам мигрантлар борлиги аниқланган. Бугунги кунда Ҳиндистонда 20 миллион номунтазам мигрантлар яшашпти.

Бошқа ҳисоб-китоблар ҳудудий ва глобал ҳажмда тақдим этилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ҳисобига кўра, 2000 йилда камида 5 миллион ёки Европанинг 56 миллионлик мигрантларининг 10 фоизи номунтазам ҳолатда бўлишган ва ҳар йили ярим миллиони кириши ҳисобланган. Африка ва Лотин Америкасидаги мигрантларнинг 50 фоизи номунтазам мигрантлар деб ҳисобланади. Умуман олганда, Миграция сиёсатини ривожлантириш бўйича халқаро марказнинг ҳисобига кўра, ҳар йили 2.5 миллиондан то 4 миллионгача киши халқаро чегараларни рухсатсиз кесиб ўтади. Аммо келтирилган рақамларда фарқлар мавжуд, яъни турли манбалар ўртасида сезиларли тафовутлар бор.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, бу рақамлар ўта муҳим. Кўпчилик давлатларда номунтазам миграциянинг сиёсий аҳамияти унинг сонининг аҳамиятидан анча устун. Энг сўнгги ҳисоблар ҳам номунтазам миграция бугун ер юзидаги миграциянинг 50 фоизга яқинини ташкил қилади. Бу рақам Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда ва энг индивидуал Европа мамлакатларида эса 10 фоиздан ҳам ошмайди. Буюк Британия мисоли намуна бўла олади. Буюк Британияга кираётган номунтазам мигрантларнинг сони бўйича ҳисоб-китоблар турлича. Чунки, ҳар йили бу мамлакатга 120 мингта хорижий талаба ва яна 200 мингта одам қонуний йўл билан ишлаш учун келади.

«Захира»ни «оқим»лардан ажратиш муҳим. Номунтазам мигрантларнинг захираси бўйича ҳисоблар кам. Масалан, бирорта ҳам Европа Иттифоқига кирувчи давлат ўзидаги номунтазам мигрантларнинг ҳажмини расман ошкор қилмайди. Шубҳа йўқки, кўпчилик мамлакатларда захирадагилар янги келаётганлардан анча кўп.

## НОМУНТАЗАМ МИГРАЦИЯНИНГ ДАЪВАТЛАРИ

*Айрим манбаларда номунтазам миграция давлат суверенитетига таҳдид сифатида баҳоланади. Чунки, давлатлар ўз чегараларини ким кесиб ўтаётганини назорат қилиш учун мустақил ҳуқуқларга эга, номунтазам мигрантлар эса мана шу назоратларни бузиб, мустақилликка таҳдид солади. Демак, номунтазам миграцияни тўхтатиш тўлиқ мустақилликнинг қайта шакллантирилишида алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, аксар манбалар номунтазам миграция давлат хавфсизлигига ҳам таҳдид, деб таъ олди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, номунтазам миграция ва бошлана сўраш террорчиларнинг мамлакатга кириши учун йўл очиб бериши мумкин.*

Биринчидан, уларнинг сонини аниқлаш муҳим. Номунтазам миграция мамлакат мустақиллигига хавф солади, деганда давлатнинг номунтазам мигрантлар оқими билан тўлиб кетиши ёки улар сонининг хаддан ташқари ошиб кетиши назарда тутилади. Ҳақиқатда эса, номунтазам миграция жуда катта миқдорда содир бўлишига қарамадан, кўпчилик давлатларда бу умумий миграциянинг жуда ҳам кам улушини ташкил этади.

Иккинчидан, номунтазам миграция кўпинча ҳеч қандай асоссиз нуқсонли мақсадлар билан барпо қилинади. *Номунтазам мигрантлар юқумли касалликлар тарқалиши билан алоқадор ноқонуний фаолиятларда иштирок этади. Баъзи номунтазам мигрантлар ва бошлана сўровчилар жиноятчилар бўлиб, уларнинг юқумли касалликлари бўлади.* Бу нарса уларнинг узоқ вақт йўлда юрганидан бўлади. Бу барча келувчиларга ҳам бирдек тааллуқли эмас. Далилларни нотўғри талқин қилиш барча номунтазам мигрантларни жиноятчига чиқариб қўяди. Бу эса уларни яширинишга ундайди ва мазкур ҳолат ростдан ҳам жиноятчи ва қидирилаётган ёки ростдан касал ва даволаниши зарур бўлган номунтазам мигрантларни аниқлашни адаштиради.

Кўпинча давлатлар, жамиятлар ва мигрантларнинг ўзлари учун номунтазам миграция билан боғлиқ терроризмга тенг масалалар кўпинча эътибордан четда қолади. *Номунтазам миграция давлат мустақиллигига таҳдид солиши мумкинлиги тўғри, бу одатда терроризм ва зўравонликка алоқадорликдан кўра бошқа йўллар орқали содир бўлади.* Бу коррупция ва уюшган жиноятчилик билан

алокадор. *Номунтазам миграция давлат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.* Бу айниқса ноқонуний мигрант савдоси ва одам савдоси билан шуғулланувчилар ёрдамида амалга оширилган бўлса ёки мигрантлар етиб келгандан кейин уларнинг меҳнатини назорат қилиш учун жиноятчи тўдалар бир-бири билан тортишса, яққол кўзга ташланади.

Номунтазам миграция камёб ишларда рақобатга сабаб бўлса, *маҳаллий аҳоли ўртасида четдан келганларга нисбатан нафрат ва қўрқинч ҳиссини келтириб чиқаради.* Бу ҳиссиётлар кўпинча нафақат номунтазам ҳуқуқий ҳолатдаги мигрантларга қаратилган, балки қонуний йўл билан жойлашган мигрантлар, қочоқлар ва этник жиҳатдан камчилиқни ташкил этадиган кишиларга ҳам қаратилган бўлади. Агар бунга матбуот ҳам аралашса, вазият мураккаблашади ва номунтазам миграция омманинг бирдамликка бўлган ишончини, давлатнинг миграция ва бошпана бериш сиёсатининг самарадорлигини бузиши мумкин. Шу билан номунтазам миграция давлатнинг қонуний миграция йўллари кенгайтириш имкониятларига таъсир кўрсатади. Ҳукумат учун ўзининг фуқаролари томонидан назорат борлигини тушунишининг муҳимлиги эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Алоқалар мураккаб бўлишига қарамадан, номунтазам миграциянинг давлат суверенитетига таҳдид солиши мумкинлиги аниқ. Шунга тенг равишда, номунтазам миграция мигрантларнинг ўзларининг инсон хавфсизлигига ҳам путур етказиши мумкин. Номунтазам миграциянинг мигрантлар учун салбий оқибатлари кўпинча эътибордан четда қолади. Ҳар йили кўплаб одамлар қуруқлик ва сувдаги чегаралардан қўлга тушмасдан ўтишга ҳаракат қилиб, ҳалок бўлади. Масалан, ҳар йили Африкадан Европага йўл олган тахминан 2000 мигрант Ўрта Ер денгизини кесиб ўтишда ҳалок бўлади ва яна тахминан 400 га яқин мексикалик ҳар йили АҚШга киришга ҳаракат қилаётган пайтда оламдан кўз юмади. Шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам мигрантларнинг борган жойларидаги тазйиқ ва шарт-шароитларнинг оғирлиги туфайли нобуд бўлиши мумкин. Номунтазам миграциянинг номаълум жиҳатларидан бири бу қанча одам ўз уйини тарк этиб, манзилларига ҳали етиб бормагани ва уларнинг транзит давлатларда аҳволи қай даражада эканидир.

Аёллар номунтазам ҳукукий ҳолатдаги мигрантларнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Чунки улар *жинсий дискриминация* (камситиш)га дуч келади, *номунтазам ҳолатдаги аёл мигрантлар кўпинча порасмий секторлардаги энг паст табақали ишларда меҳнат қилишга мажбур бўлади*. Бу эса уларнинг инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши даражаси бўлиши мумкин. Шу сабабли баъзи шарҳловчилар ҳозирги замондаги одам савдосини куллар савдоси билан таққослайди. Аёллар ҳам, айникса, ОИТС ва шу каби касалликларни ўз ичига олувчи соғлиққа алоқадор муаммоларга учрайди. Умумийроқ қилиб айтганда, *мамлакатга руҳсатсиз кирган ёки қолиб кетган одамлар кўпинча иш берувчилари ва хўжайинлари томонидан эксплуатация қилиниш хавфи остида бўлади*. Ўзларининг номунтазамлиги сабабли, манзил давлатларга етиб боргач, мигрантлар ўзининг маҳорат ва тажрибасидан тўлик фойдалана олмайди.

Номунтазам ҳолатдаги мигрантлар кўпинча ҳукуматдан паноҳ изламайди, чунки улар кўлга тушишдан ва депортация қилинишидан кўрқади. Натижада, ўзининг ҳуқуқи бор бўлган жамоат хизматларидан ҳам ҳар доим фойдаланмайди. Ҳатто тез ёрдам хизматидан ҳам. *Кўнчилик мамлакатларда уларга мамлакат фуқаролари ва мунтазам ҳолатдаги мигрантлар учун кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишга тўсиқлар мавжуд*. Бундай ҳолатларда, аллақачон қийин аҳволга тушиб қолган нодавлат ташкилотлари, диний органлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари номунтазам мигрантларга баъзан ўзининг қонуний ҳуқуқларидан четга чиқиб бўлса ҳам, ёрдам беришга мажбур бўлади.

## **ОДАМ САВДОСИ ВА МИГРАНТЛАР САВДОСИ**

Одам савдоси ва мигрантлар савдоси ер юзидаги номунтазам миграциянинг нисбатан кам улушини ташкил қилади. Аммо бу масала охириги пайтда жамоатчилик эътиборини жиддий тортмоқда.

БМТнинг Одам савдосини таъқиқлаш, йўқотиш ва жазолаш протоколи одам савдосига қуйидагича изох беради: «Таҳдид ёки қуч ишлатиш ёки мажбурлашнинг, ўғирлашнинг, фирибгарликнинг, алдашнинг бошқа шакллари, амалдан фойдаланиш,

заифлик ҳолатидан фойдаланиш ёки пул бериб, пул олиш орқали бир одамнинг иккинчиси устидан назорат қилиши, эксплуатация қилиш мақсадида одамларни ёллаш, транспортировка қилиш, жўнатиш ёки қабул қилишдир».

Фоҳишибозлик ёки тана савдоси билан шуғуллантириш мақсадида амалга ошириладиган аёллар савдоси ва болалар савдоси эътиборни ўзига тортмоқда. Бунинг устида изланиш олиб бориш қийин, аммо миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ўрганишларига кўра, кўпинча ёш аёлларга четга бориб ишлаш имкониятлари ҳақида ваъдалар берилади. Нарх эса аёл бориб, ишви бошлагандан кейин бўлиб-бўлиб тўлашга келишилади. Кейин манзил мамлакатга одатда ноқонуний йўл билан жўнатилади. *Аёл манзил мамлакатга етиб боргачгина фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлигини англаб етади. Унинг даромадини уни олиб келган одам олиб қўяди.* Ёш аёллар ва болаларнинг қаршилик кўрсатишига қарамадан, ўз уйдан мажбуран ўғирлаб кетилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ҳақиқатдан ҳам, баъзи одамлар одам савдосини қулдорликнинг замонавий кўриниши деб тасвирламоқда.

Мигрантлар савдоси эса қуйидагича таърифланади: «Бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий фойда олиш мақсадида, кишининг фуқаролиги, резидентлиги бўлмаган давлатга ноқонуний киришини таъминлаш». Мигрантлар савдоси кўпинча ўз хоҳишига биноан бўлади. У яширин равишда мигрантлар ёки уларнинг оиласини ўз ичига олади. Улар эса манзил давлатга ноқонуний йўл билан кўчиш учун мигрант савдоси билан шуғулланувчига пул тўлайди. Одатда, улар ўз манзилига етиб олгач, бу савдо билан шуғулланувчи билан алоқаси тугайди, шунинг учун улар одам савдоси қурбонлари каби эксплуатация қилинишга мажбур эмас. *Лекин мигрант савдосини талқин қилиб одамларни алдаб одам савдосини амалга ошираётган ҳолатлар ҳам мавжуд эканлигини унутмаслик лозим.*

Ҳақиқатда эса, одам савдоси ва мигрант савдоси ўртасидаги чегаралар йўқолиб кетиши мумкин. Бу, айниқса, мигрантлар савдогарга кўчишдан олдин пулини тўламаганда содир бўлади. Яъни улар манзил давлатга мигрант савдоси билан шуғулланувчига қарздор бўлиб келади. Бу эса, ўз навбатида, эксплуатация қилинишга имкон яратади.

Умуман, одам савдоси ва мигрант савдосидан зарар кўрганлар сони аниқ эмас. Келтирилган ракамлар ҳам тахминий. Одатда, топилган ва савдогарлар қурбонига айланганини тан олган одамлар ҳисобга олинади, холос. Муаммо шундаки, *бу савдо қурбонларининг қанчаси аниқланганини ҳеч ким билмайди. Уларнинг кўпчилиги ҳеч қачон аниқланмайди ҳам.*

АҚШ Давлат департаменти одам савдоси бўйича йиллик ҳисоботни чоп этиб боради. Шунга кўра, биргина 2004 йилнинг ўзиде 600 мингдан 800 мингтагача аёллар, болалар ва эркеклар шу савдо қурбонига айланган. Одам савдоси ер юзининг барча ҳудудида, шунингдек, ер юзи ҳудудларидан кўра ҳудудларнинг ичида кўпроқ содир бўлади. Ҳисобларга кўра, қурбонларнинг учдан икки қисми Осиё (260000-280000) ва Европа (170000-210000)га тўғри келади.

Лондондаги университет коллежининг миграция бўйича изланишлар бўлими мигрантлар савдосининг глобал нархларини аниқлашга ҳаракат қилган. Бунда мигрантларга қўйиладиган нархлар келтирилган 600дан ортик манбалар таҳлил қилинган (5.1-жадвал).

### Мигрант савдосининг нархлари

5.1-жадвал

Йўналишлар	Ўртача нархлар (АҚШ долларлари ҳисобида)
Осиёдан Америкага	26041
Европадан Осиёга	16462
Осиёдан Австралияга	14011
Осиёдан Осиёга	12240
Осиёдан Европага	9374
Европадан Австралияга	7400
Африкадан Европага	6533
Европадан Америкага	6389
Америкадан Европага	4528
Америкадан Америкага	2984
Европадан Европага	2708
Африкадан Америкага	2200
Африкадан Австралияга	1951
Африкадан Африкага	203



Демак:

1. Одам ва мигрантлар савдоси билан шуғулланувчилар канча нарх кўйиши. Осиёдан Америкага жўнатишнинг ўртача нархи 26.000 АҚШ долларига тенг.

2. Фақат шу савдо билан шуғулланувчиларга кўчиш учун шунча пул тулай оладиган бой одамлар. 26 000 АҚШ доллари Покистонга ўхшаш мамлакатда жуда катта пул ҳисобланади. Осиёдан Америкага бўладиган миграция ҳолатларининг кўпчилиги айнан шу мамлакатдан келиб чиқиши айтилган. Иккинчи кузатув бунга канчалик катта миқдорда пулнинг аралашувидир. Кўрсаткичнинг энг пастиди, Африкада мигрант савдоси атиги 203 АҚШ долларига тенг экани берилган. Бу мамлакатлардаги даромад даражасига солиштирганда жуда катта пул бўлиши мумкин. Африка мамлакатлари ўртасида мигрант савдоси учун тўловлар нақд пул билан амалга оширилмайди. Балки гуруч ва бошқа маҳсулотлар билан тўланади.

3. Мигрант савдоси нафақат жанубдан шимолга кўчиш жараёни, балки глобал феномен (ҳолат)дир.

Мигрантлар савдоси нархлари, бир неча йиллик ҳисоботларга кўра, аста-секин тушиб бормоқда. Бу мигрантлар савдоси бизнесида рақобатнинг ортиб бораётгани туфайли бўлиши мумкин. Чунки, улар доимий тарзда кўпроқ харидорларни жалб қилиш мақсадида нархларни пасайтириб, иш методларини мослаштириб боради.

Нархлар бўйича изланишнинг охириги аспекти нархларни кўйишда нима асосий омил эканини тушунишга ҳаракат қилиш бўлди. Бунда учта асосий омил аниқланди: 1. Улар босиб ўтадиган масофа. Қанча узоқ масофа босиб ўтилса, шунча қиммат бўлади. 2. Транспорт тури. Самолётда кетиш денгиз орқали боришдан анча қиммат. Ўз навбатида, сув йўли куруклик орқали боришдан қиммат. 3. Жўнаётган одамлар сони. Бир вақтнинг ўзида қанча кўп одам жўнаса, нархлар ҳам шунча арзон бўлади.

*Одам савдоси билан шуғулланувчилар шафқатсиз равишда мигрантларни эксплуатация қилади. Одам савдоси қурбонлари ўзи бажариши керак бўлган ишларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас. Улар кўпинча кам иш ҳақи тўланадиган, хавфли ва ёмон ишларда машаққатли меҳнат қилишга мажбур қилинади. Бунинг эвазига арзимаган ҳақ олади ёки умуман олмайди.*

Охирги вақтда асосий эътибор аёллар савдосига қаратилаётган бўлса-да, бу феномен эркаклар ва болаларга ҳам таъсир қилаётганини таъкидлаш муҳим. Номунтазам миграция ҳолатидаги мигрант болалар, яъни ота-онасидан ажратиб олинган болалар жуда таъсирчан гуруҳга киради ва тана савдоси саноатига сотилиши мумкин.

### **Мигрант савдоси бизнес сифатида**

2004 йил Афғонистон ва Покистондаги мигрант савдоси билан шуғулланувчиларнинг айтишича, вақт ўтиши билан нафақат улар кўядиган нархлар, балки тўловларни олиш йўллари ҳам ўзгарган. Тахминан 10 йил аввал тўлов олдиндан тўлиқ амалга оширилиши талаб қилинган. Бунда савдогарлар пулни олиб, кейин мигрантларни кўчирмасдан изсиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Бунга жавобан баъзи мигрант савдогарлари ўз тажрибасини ўзгартирди, яъни кўчиришдан олдин фақат аванс сўрайдиган, қолганини эса манзил давлатга етиб боргандан кейин оладиган бўлди. Бу ерда муаммо шу бўлдики, баъзи мигрантлар манзилга боргандан кейин ўзи қарздор бўлган мигрант савдогарлар томонидан эксплуатация қилинган. Кейинги йилларда тўлов олдиндан тўлиқ амалга оширилади, аммо тўғридан-тўғри мигрант савдогарнинг ўзига эмас, балки учинчи одамга. Пул мигрант савдогарга фақат мигрант ўз манзилига эсон-омон етиб борганини тасдиқлаб, хабар қилгандан кейингина берилади. Бу эса мигрант савдосида пулни қайтаришни кафолатлашдир.

Аммо мигрант савдосининг бунга алоқадор одамлар учун салбий оқибатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Мигрант савдогарлар бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун минглаб доллар нархларни кўйиши мумкин. *Мигрант савдогарлар ҳар доим ҳам мигрантларга қаерга олиб борилишини олдиндан айтмайди.*

Сулаймоннинг бошидан кечирганлари  
2003 йил Қобул

Биринчи марта четга олиб кетилганимда, режа бўйича Душанбегача самолётда бориб, кейин куруклик орқали Москвага кетишим керак эди. Биринчи босқич яхши бўлди, мен Карачида Покистоннинг сохта паспорти билан муаммосиз самолётга чиқдим. Мени аэропортгача кузатиб келган агент Душанбе аэропортида яна бир агент кутиб олишини, унинг исми эса Нафи эканини айтди. Аммо Душанбега келганимда, самолётдан тушишим биланок мени ҳибсга олишди. Мен сўроқ қилинган, мунгазам равишда калтакланган, жазо билан қўрқитилган бошқа афғонистонлик ноқонуний мигрантлар билан 4 ҳафта камокда бўлдим. Бир ойдан сўнг, ҳеч қандай сабабсиз, мени бир кечада ҳамма нарсаларимни йиғиштириб Душанбе аэропортига олиб келиб қўйишди. Нафи мени кутиб турган эди. Нафи айтдики, яъни ўша куни мен келган самолётда мендан бошқа яна 50 ноқонуний иммигрантлар бўлган, уларнинг кетиши эса Покистондаги бир нечта бошқа агентликлар томонидан ташкиллаштирилган экан. Агентлардан бири Душанбе аэропортида пора бермаган, шу сабабли улар ўша маълум агентнинг мижозлари деб ўйлаганларни қўлга олишган. Мени ҳам адашиб қўлга олишган экан.

*Мигрант савдогарлар фойдаланадиган транспорт воситалари кўпинча хавфли, шу сабабли бу йўл билан саёҳат қилаётган мигрантлар мигрант савдогари томонидан ташлаб кетилиши ёки манзилга етиб бора олмаслиги мумкин. Мигрант савдогарлари хизматидан фойдаланган айрим мигрантлар денгизга чўкиб кетган, тамгаланган контейнерларда ҳаво етишмай қолган ёки транзит пайтида зўрланган ё ҳақоратланган.*

## 6-БОБ. ҚОЧОҚЛАР ВА БОШПАНА ҚИДИРУВЧИЛАР

Бошпана кидирувчи халқаро ҳимоя сўраб мурожаат қилган шахсдир. Бошпана қидираётган давлатдан ташқарида туриб ҳам, бошпана сўраб мурожаат қилиш мумкин бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги ўзи ҳимоя қидираётган мамлакатга борганидан кейин элчихона ёки консулликларга мурожаат қилади. Бошпана кидирувчиларнинг аризалари 1951 йилдаги БМТ Конвенциясининг қочоқлар масалалари мезонлари томонидан кўриб чиқилади. Муваффақиятли аризаларга қочоқ статуси берилади ва қочоқ ҳуқуқий ҳолатини олади. Рад этилганлар қайта ариза бериши мумкин. Шунда ҳам муваффақиятсизликка учраса, мамлакатни тарк этиши керак бўлади. Европа ва Шимолий Америкада бир қанча бошқа статуслар ҳам мавжуд. Одатда, қолиш учун мустасно имтиёз ватанига қайта олмайдиган кишиларга берилади.

### ХАЛҚАРО ҚОЧОҚЛАР ТИЗИМИ

Халқаро қочоқлар тизими бир қатор қонунлардан ташкил топган. Улар қочоқлар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бир қатор мезонларни аниқлайди. Бу тизим бир қатор институтлар томонидан амалга оширилади ва таҳлил этиб борилади.

Мухим қонуний конвенция 1951 йилдаги БМТнинг Қочоқлар статусига тегишли конвенциясидир. Қочоқлар ирки, дини, миллати, маълум ижтимоий гуруҳга ёки сиёсий қарашларга аъзолиги туфайли таъқибдан кўрқиб ўз мамлакатидан ташқарида бўлган кишиларни ифодалайди. Африкада ҳам, Лотин Америкасида ҳам бу таърифнинг бир қанча турлари бўйича келишув бўлишига қарамасдан, ҳалигача ер юзи бўйича муҳим таъриф сифатида ишлатиб келинмоқда.

Бу таърифнинг бир нечта аспекти муҳим мунозараларга сабаб бўлди. Биринчидан, Конвенция 50 йил олдин ёзилган. Кўпчилик танқидчилар фикрича, қочоқларга берилган таъриф ўша вақтга анча мос келган, замонавий дунёда эса қочоқлар бўйича ҳақиқатга тўғри келмайди. Масалан, конвенция асосан нацистлар режими томонидан таъқиб қилинганларни ҳимоя қилиш учун ёзилган. Совуқ уруш пайтида ҳам бу таъриф сиёсий мақсадларга

хизмат килди. Яъни у коммунизмдан кочганларга нисбатан ишлатилган. Аммо бугунги кунда кочоклар маълум сиёсий таъкибдан кўра конфликтнинг умумий хавфидан кочади.

*Конвенция жинси, шахвоний парастлик асосида таъкиб қилинган одамларни, цунами ёки zilзила каби табиий офат сабабларига кўра мамлакатни тарк этган кишиларни ҳам камрамайди.*

Учинчи кузатув шуки, бу таъриф фақат ўз мамлакатидан ташқаридаги одамларга нисбатан ишлатилади. Ўз уйидан кетган, аммо мамлакатдан чиқиб кета олмаган одамлар ҳам кўп. Улар жойидан кўчган одамлардир. Улар ҳатто кочокларга қараганда ҳам таъсирчандир. Улар ватанидан чиқиб кетиш йўлини топа олмаган ва шу сабабли таъкибдан кочади, улар кочоклар сингари халқаро тизим томонидан ҳимояланмаган. Мамлакат ичида жойидан кўчганлар сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг диққатини тобора кўпроқ тортмоқда.

Бошқа тоифа тадқиқотчилар 1951 йил конвенциясини қўллаб-қувватлайди. Чунки, у ҳалигача ҳимояга муҳтож, ватанидан ташқаридаги одамларнинг кўпчилигини қамраб олади, нисбатан жуда камчилиги бундан истисно. Иккинчидан, БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати, яъни конвенциянинг амалга татбиқ этилишига жавобгар ташкилоти амалда қочокларга берилган таърифни кенгайтириш учун ишларни олиб бормоқда. Бу таърифга тўғри келмайдиган, аммо ҳимояга муҳтож кишиларни, мамлакат ичида жойидан кўчганлар ва табиий офатлардан қочаётган кишиларни ҳам қамраб олади. Учинчидан, ер юзи бўйича 145 та давлат бу конвенцияга имзо қўйган, кўпчилик одамлар конвенциянинг янги ёки қайта ишланган версиясига бунчалик кўп давлатлар қўл қўйишига ишонмайдилар.

Бир қатор мезонлар ҳам давлатнинг қочокларга жавобини бошқаради. Булар ёки 1951 йил конвенциясидан келиб чиққан қонундан ёки бошқа қонуний воситалардан (1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби) келиб чиқади. Бу мезонлардан энг биринчи навбатдагилари: ўз давлатини тарк этиш ҳуқуқи, бошқа давлат ҳудудига руҳсат ҳуқуқи, бошпана носийёсий акт сифатида берилиши, қочокларнинг ўз мамлакатига қуч ишлатиш йўли орқали қайтарилмаслиги, тўлиқ иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг қочокларга ҳам тегишли бўлиши ва

давлат кочоклар масалалари учун доимий ечимлар билан таъминлашга ҳаракат қилиши кабилардир. Шунга тенг равишда кочокларнинг мажбуриятлари ҳам бор. Бу бошпана билан таъминлаётган мамлакатнинг ички қонунарига бўйсунтиришди.

1951 йил конвенцияси БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати томонидан қўллаб-қувватланади, амалга оширилади ва кузатиб борилади. Жил Лосчернинг БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати ва «Жаҳон сиёсати» китоби БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати ва халқаро кочоклар тизими қандай қилиб майдонга келганининг ажойиб кўринишини келтиради. Унинг тасвирлашича, 1951 йилда Жеррит Йан ванн Хувен Гудхарт БМТнинг Қочоклар бўйича масалалар юқори комиссариатининг биринчи комиссари этиб сайланганда, «учта бўш хона ва котибани топди» ва унга атиги 3 йил давом этиши кутилган қисқа муддатли ваколат берилди. Ўшанда ташкилотнинг деярли ҳеч қандай маблағи йўқ эди. Ақсинча, 2005 йилда эса Антонио Гутеррас тахминан 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридан йиллик бюджетга эга, деярли 6 мингта ходим хизмат қиладиган ва БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариатини дунёдаги етакчи инсонпарварлик ташкилоти қилиб турадиган ваколатга эга ташкилотнинг 10-Юқори комиссари этиб сайланди.

Бугунги кунда эса БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати кўп йиллик молия таъминоти инкирозидан азият чекмоқда. Агентлик БМТнинг бошқа органларидан фарқли ўлароқ, БМТнинг марказий фондидан атиги минимал миқдорда тақсимот олади ва бунинг эвазига йиллик бюджетни кўтариш кутилади. Бу АҚШ, Европа Комиссияси, Швеция, Япония, Голландия ва Буюк Британия каби энг қучли, асосий донорларга боғлиқ эди. БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати учун молия таъминотида инкирозини, унинг ўз фаолиятини кочоклардан ташқари бошқа аҳолининг ташвишларини ҳам камраб олиши фактлари ташкил қилади.

БМТ тизимидан ташқарида бўлган Миграция бўйича халқаро ташкилот ҳам халқаро кочоклар тизимида муҳим институт ҳисобланади. Бу кўпроқ моддий-техник таъминотга жавобгар, айниқса, кочокларни кўчиришга. БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати ва миграция бўйича халқаро

ташкилотнинг ҳаракатлари бир қатор нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланади, яъни кўпинча улар лагерларни бошқариш, озик-овқат тақсимоти, соғлиқни сақлаш ва таълим каби аспектлар учун тўғридан-тўғри жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## ҚОЧОҚЛАРНИНГ ГЛОБАЛ ГЕОГРАФИЯСИ

Қочоқларнинг глобал географияси халқаро қочоқлар тизими кучга киргандан бери сезиларли даражада ўзгарди. Илк даъват Германияда нацистларнинг таъкибидан қочиб, Европани эгаллаб олганларнинг муаммоларига ечим топишга ҳаракат бўлди. Бу одамларнинг кўпчилиги анча вақтдан кейин АҚШга қайта ўрнашди. БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати ва 1951 йилдаги конвенция бошида чекланган муддат фаолият юритиши кўзда тутилган бўлиб, бу илк фаолият муваффақиятли якунлангач, уларнинг фаолияти ҳам тугатилиши керак эди. Аммо воқеалар анча ривожланиб кетди. 1960-йилларга келиб, асосий янги қочоқлар аҳолиси Африкадан чиқа бошлади. Бу асосан мустамлакачиликнинг тугатилиши оқибатида содир бўлди. Бундай қочоқларнинг кўпчилиги кўшни Африка давлатларига доимий тарзда қайта ўрнашди. 1970-йилларга келиб қочоқлар тизимининг географик йўналиши Жанубга ва Жануби-Шарқий Осиёга томон яна ўзгарди. Бу 1971 йилда Бангладеш давлатининг барпо этилиши, Вьетнамдаги уруш ва Ҳиндихитойнинг бошқа жойларидаги воқеалар сабабли содир бўлди. Бундай қочоқларнинг баъзилари кейинчалик Европага келиб жойлашди. 1980-йилларга келиб эса, Марказий Америка асосий географик нишонга айланди.

1990-йилларда қочоқлар энди ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган давлатлардан чиқа бошлади. 1990-йиллардаги қочоқларнинг асосий оқими Босния, Косово, собиқ Совет Иттифоқи, Африканинг Хорни, Званди, Ироқ, Афғонистон ва Шарқий Тимордан бир вақтнинг ўзида чиқа бошлади. Шу билан бир вақтда, Мозамбик ва Намибияда, 1990-йилларнинг охирига келиб эса, Афғонистон ва Боснияда асосий қочоқларнинг кўчиши содир бўлди. Бундан ташқари, биринчи марта қочоқлар сезиларли даражада ривожланган давлатлардан бошпана кидириш учун ўз худудларидан ташқарига чиқа бошлади. Иккинчи жаҳон

урушининг охиридаги Европанинг катта муаммоси каби бу ҳам ўзига яраша муаммолари билан глобал феноменга айланди.

БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариатининг ҳисобига кўра, 2005 йилнинг охирида ер юзи бўйича тахминан 8.4 миллион қочоқ бўлган. Бу, 1990 йилдаги 17 миллион билан қиёслаганда, 25 йил ичида келтирилган энг паст рақам бўлди. Чунки охириги йилларда қочоқларнинг жуда кўпчилиги ўз уйларига қайтишди, дунёнинг катта ихтилофлари камайди ва шу сабабли, янги қочоқларнинг сони қискарди.

БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати ҳам расман қочоқларларга кирмайдиганларга ёрдамини кенгайтирди ва уларнинг сони 2005 йилда 11 миллионга етди. Бу умумий сон тахминан 670 мингта бошпана кидирувчиларни, 2.4 миллион фуқаролиги йўқ кишиларни, 1.1 миллион яқинда ўз уйларига қайтган қочоқларни, тахминан 30 мингта янги давлатларга жойлашган қочоқларни ва 6.6 миллион мамлакат ичида жойидан кўчганларни камрайди. Шуни таъкидлаш муҳимки, мамлакат ичида жойидан кўчганлар бўйича рақам фақатгина БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати ёрдам кўрсатганларидир. Баъзи ҳисобларга кўра, ер юзи бўйича 24 миллиондан зиёд мамлакат ичида жойидан кўчганлар бор.

Энг катта қочоқлар аҳолиси Афғонистондан келиб чиқади: 2005 йилда деярли 2 миллион афғон қочоқлари бўлган, улар асосан қўшни Эрон ва Покистонга қочган. Қочоқлар чиқадиган кейинги ўриндаги давлатлар Судан, Бурунди, Конго Демократик Республикаси ва Сомалидир. БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати кўмаклашган мамлакат ичида жойидан кўчганларнинг энг кўпи Суданда яшайди. У ерда улар 2 миллионни ташкил этади. Мамлакат ичида жойидан кўчганларнинг умумий сони эса 6 миллионга яқин. Статистик маълумотлар камрай олган давлатсиз одамларнинг кўпчилиги Фаластинда. Энг катта қайтишлар ҳам Афғонистонга тегишли. 2005 йилда бу мамлакатта тахминан 750 минг одам қайтган. Франция 2005 йилда энг кўп бошпана сўровчиларнинг аризаларини қабул қилган (тахминан 50 мингта), ундан кейин АҚШ (48 минг) ва Буюк Британия (30500). АҚШ энг кўп қочоқларни жойлаштирган (тахминан 54 минг), ундан кейин Австралия (11700) ва Канада (10400).



Қочоқларнинг замонавий глобал географияси хусусида бир нечта кузатувлар қилиш лозим. Энг катта қочоқлар аҳолиси Эрон ва Покистондаги афғонлар бўлса, қочоқлар энг кўп таъсир қилган қитъа албатта Африкадир. Қочоқлар у ерда ер юзидаги бошқа жойларга караганда кўпроқ мамлакатларни тарк этади ва кўпроқ бошқа мамлакатларга бориб жойлашади. Олдингига караганда кўпроқ қочоқлар ҳозирда узоқ масофаларга кетмоқда. Франция ва Буюк Британиядаги бошпана сўровчиларнинг кўпчилиги Саҳрои кабир атрофидаги Африка давлатларидан келиб чиққан, жуда кўпчилига эса ҳали ҳам нисбатан қисқа масофага, яъни кўшни давлатларга кетмоқда. Демак, бугунги кунда асрнинг олдинги чорагига караганда қочоқлар камроқ, юкнинг асосий оғири эса ҳали ҳам энг ночор давлатларнинг зиммасига тушмоқда.

## ҚОЧОҚЛАР ҲАРАКАТИНИНГ САБАБЛАРИ

1951 йил конвенциясидаги қочоқларга берилган таърифда таъкиб тушунчасига алоҳида урғу берилган. Албатта, ҳалигача ер юзида айрим ёвуз тизимлар бор ва улар ўзининг миллий аҳолисини, баъзи фуқароларини фаол равишда таъкиб қилади. Аммо бугунги кунда кўпчилик қочоқлар давлатнинг тўғридан-тўғри таъкибидан кўра низолардан қочаётганга ўхшайди. Назариётчи олим Аристид Золбергнинг сўзларига кўра, улар таъкибдан эмас «зўравонликдан қочмоқда». Улар ҳалиям қочоқлар деб аталишига сабаб, ҳатто давлат уларни тўғридан-тўғри таъкиб қилмаётган бўлсада, уларни ҳимоя қилишга ҳам, умуман, фуқаролар эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқлар билан таъминлашга ҳам қодир эмас.

Бунга сўнгги йилларда *Сурия, Ироқ ва Яманда содир бўлган воқеалар натижасида ушбу мамлакатлардан инсонларнинг Европа давлатларига оммавий кўчиши содир бўлаётгани далил бўла олади.*

Олим Мэри Калдор фикрича, янги урушлар қочоқлар ҳаракатига алоқадор. Бинобарин, бугунги кунда деярли ҳамма низолар мамлакатлар ўртасида эмас, мамлакат ичида этник ёки диний гуруҳлар ўртасида содир бўлмоқда. 1998 йилдан 2000 йилгача Эритрея ва Эфиопия ўртасидаги конфликт бундан мустасно. Ҳисобга кўра, АҚШ бошчилигидаги Афғонистон ва

Ирокдаги ҳарбий ҳаракатлар ўшандан бери мувозанатни ўзгартириб юборган бўлишига қарамасдан, 2000 йилда дунё бўйича 28 та куролли можаролардан 25 таси ички низо бўлган.

Бундан ташқари, уруш «норасмийлаштирилди» ёки «хусусийлаштирилди». Яъни у кўнгилчилар ёки ёлланган гуруҳлар томонидан олиб борилмоқда. Азалдан урушларда асосан аскарлар ҳалок бўлса бўлса, бугунги кунда оддий фуқаролар ўлдирилмоқда. Биринчи жаҳон урушида тахминан 25 фоиз, замонавий урушларда эса 90 фоиз ҳалок бўлганлар оддий фуқаролардир. Шунингдек, Африкада замонавий низолар узоқ давом этишга ёки қайта бошланишга мойил. Бунинг сабаби мазкур низолар этник жиҳатдан бўлинишга асосланган. Шу сабабли ҳам, улар ҳар қандай тинчлик келишувидан ташқарида давом этади ва яна олов олиб кетиши мумкин. Тинчлик ҳолатига ўтказишнинг муваффақиятсизликка учраши, яъни курул-яроғнинг юзлаб, минглаб ишсиз, зериккан ва агрессив ёшлар орасида тарқалгани ўт олдирувчи аралашмага айланиши мумкин.

Янги урушларнинг охириги хусусияти қочоқлар нисбатининг ортиб боришидир. Унинг 3та сабаби аниқланган: 1. Урушда аҳолини кўчириш стратегик мақсадга айланиб қолди. Баъзан урушаётган томонлар маълум аҳолининг кўчирилишига эришиш учун ҳамкорлик ҳам қилади. 1990-йиллар мобайнида Болконда содир бўлган «этник тозалаш» шунга тўғри келади. 2. Замонавий курул-аслаҳалар кўпроқ одамларни ўлдириш имконини беради. 3. Ерга кўмиладиган миналардан кенг фойдаланиш одамларга низо пайтида ўз ерини ташлаб кетишдан бошқа имкон қолдирмаяпти.

## **ҚОЧОҚЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

Қочоқлар лагерларида психологик таъсирдан тортиб, ОИТС ва шу каби касалликлар тарқалиши табиий ҳол бўлиши мумкин. Қочоқлар лагерлари. Кўпчилик ташкилотлар ва баъзи экспертлар лагерларга қочоқларни химоя қилиш, ёрдам ва таълим беришда энг яхши йўл сифатида қарайди. Бошқалар эса, лагерларда тез-тез зўравонлик ва жинсий ҳақоратлаш ҳоллари содир бўлишини таъкидлайди. Қочоқлар ўртасида ўзаро қарамликни келтириб чиқариши мумкин ва бу маҳаллий муҳитга зарарли таъсир етказди. Масалан, сувни ифлослантириш ва ўрмонларни кесиш

оркали. Қочоклар баъзан йиллаб лагерларда яшагандан кейин, лагерлар уларга чуқур психологик таъсир етказиши ҳам мумкин.

Ҳамма қочоклар ҳам лагерларга жойлашмайди, баъзан буларга алоқадор муаммолар бўлгани сабабли қисман жойлашади. Қочокларнинг кўпчилиги маҳаллий аҳоли ичида ўзлари жойлашади. Бу одатда чегара яқинидаги қишлоқларга тааллуқли. Судандаги Хартум ва Мисрдаги Қохира шаҳарлари минглаб қочокларнинг уйи экани аниқланган бўлса ҳам, хатто уларни аниқлаш ва ўрганиш қийин.

Қочоклар лагерлар, ўзи жойлашиши ва қишлоқларда тўхташидан ташкил топган жойлашиш стратегияларини қабул қилади. Баъзи ҳолларда қочоклар оиласи ёлғиз қолиб, ёшлар шаҳарга ишлаш учун кетади; аёллар ва болалар лагерда қолиб, ёрдам олади. Бу даромадни ошириш ва хавфсизликни таъминлашнинг бир усулидир.

### Узайтирилган қочоклар ҳолатлари

**БМТнинг Қочоклар масалалари бўйича юқори комиссариати учун узайтирилган қочоклар ҳолатлари ташвишланарли. Агентлик таърифига кўра, бунда қочоклар ўзини узоқ давом этувчи мавҳумликда ҳис қилади. Уларнинг ҳаёти хавф остида бўлмаслиги мумкин, аммо уларнинг оддий ҳуқуқлари ва муҳим иқтисодий, ижтимоий ва психологик заруратлари йиллар давомида қувғиндан кейин амалга ошмай қолади. Бундай ҳолатдаги қочоқ кўпинча ташқи ёрдамга мажбурий тарзда боғланиб қолганидан ўзини олиб чиқа олмайди. 2003 йилнинг охири ҳолатида умумий 6.2 миллион қочоқ ҳисобга олинганда, ер юзида 38га турли хилдаги узайтирилган ҳолатлар мавжуд экан. Непалдаги Бутанис, Покистон ва Эрондаги афғон қочоқлари ва Кения, Яман, Эфиопия ва Жибутидаги Сомали қочоқлари учун махсус лагерлар шулар жумласидан.**

Қочоқ аҳоли орасида эркаклардан кўра аёллар кўпроқ бўлиш эҳтимоли бор. Бунга сабаб низоларда кўпроқ эркаклар ўлдирилади ёки мажбурий хизматга олинади, ўз ери ва мулкини ҳимоя қилиш мақсадида таваккал қилиб, уйда қоладилар ёки ишларда давом этади. Яқин вақтларгача қочоқ аёллар олимларнинг бунчалик

этиборини жалб қилмаган эди. Улар жаҳли чиққан эри, касаллик хавфи остидаги эркаклар қўлида зўравонлик ва жинсий ҳақоратларга дуч келиши мумкин; уларга ғамхўрлик кўрсатиш жавобгарлиги нотўғри таксимланади, айниқса, аёл оила бошлиғи бўлса; улар овқат тайёрлаш учун ҳам жавобгар бўлади.

Сюзан Форбес Мартин «Қочоқ аёллар» асарида диққатни айнан қочоқ аёлларга қаратиб, бу иккала тенденцияга ҳам қарши чиқди. Аёллар қочоқлар ичида энг қобилиятли ва ишбилармон эканини таъкидлади. Унинг китоби БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариатининг қочоқ аёллар масалаларига ёндашуви йўлини ўзгартиргани билан олқишга сазовор бўлди. Қаерда мумкин бўлса, озик-овқат ва бошқа нарсалар тўғридан-тўғри аёлларга тарқатилиши афзал ҳисобланади; улар кўпинча қочоқлар яшайдиган жойларда тенг ҳуқуқли таълим берувчиликка ҳам тайёрланади. Ҳақиқатан ҳам, миграция аёллар учун ҳуқуқ берувчи жараён сифатида тасвирланади. Аммо улар ўз уйидаги патриархал жамиятга қайтгач, ўз кучини йўқотиши мумкин.

Қочоқларга қачон ва қандай ёрдам бериш керак? Шубҳасиз, бу мунозаралар учун муҳим манба Барбара Харрел-Бонднинг «Ёрдам кўрсатиш» китобидир. Кўзчилик одамлар унинг иши бўрттирилган, деб ҳисоблашига қарамасдан, у қочоқлар лагерларида ёрдам тизимини ишонarli ва кескин танкид қилади. Масалан, шундай вақтлар бўлиши мумкинки, ёрдам бошқа зарур бўлмайти ва қарамликни келтириб чиқаради. Шундай ҳолатлар бўлганки, тўғри келмайдиган ёрдам кўрсатилган. Масалан, аҳолининг кўпчилигини норози қиладиган озик-овқат маҳсулотлари тарқатилган. Қочоқ эркаклар унчалик ёрдам олмайди, чунки улар ёрдамни нақд пулга айлантириб, бошқа фаолиятларга ишлатган ва шундай қилиб, ўз оиласини овқатдан маҳрум қилган.

## МУСТАҲКАМ ЕЧИМЛАР

Қочоқлар учун учта мустаҳкам ечим мавжуд. Аммо уларнинг ҳар бири муаммоли. Энг яхши ечим ихтиёрий қайтиш ҳисобланади. Аммо битта муаммо бор. У ҳам бўлса, қочоқлар ватанининг хавфсизлиги масаласидир. Бу саволга БМТнинг

Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати: «Йўқ», – деса, кўплаб мамлакатлар: «Ҳа», – деб жавоб беради.

## 2005 йилдаги асосий қайтишлар

6.1-жаваб

...га	...дан	Сони
Афғонистон	Покистон	461118
Афғонистон	Эрон	289641
Бурунди	Танзания	62338
Ирок	Эрон	55267
Либерия	Кот де Вуар	33000

Манба: БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати, Глобал қочоқлар тенденциялари 2005 (Женева: БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати, 2006).

Қочоқларнинг қайтишидаги мавҳумлик улар уйига боргандан кейин нима содир бўлишидир. БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати баъзи қайтиб келганларга ҳам ёрдам кўлини чўзишига қарамасдан, 1951 йилдаги конвенциянинг шартларига кўра, қочоқлар уйига чегарани кесиб ўтгач, уларга бошқа махсус химоя ёки ёрдам кўрсатилмайди. Бундай одамлар учун яширин тўсиқлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Одатда, уларнинг қайтиб борадиган иши йўқ. Уларнинг уйи ва ери улар йўқ вақтда бошқа биров томонидан олиб қўйилган ёки бузиб ташланган. Инфраструктура, яъни йўллар, мактаблар, касалхоналар ҳам кўпинча бузиб ташланган бўлади. Улар яна хизматдан бўшаган аскарлар томонидан ҳақоратланиши, ҳасал қилиниши ва мамлакатдан кетмаганлар томонидан қазабга дуч келиши мумкин. Баъзилар, айниқса, аёллар ва болалар жамият ичидаги қисқариб кетган шароитларга келишдан психологик муаммоларга дуч келади.

Унинг бир ечими ички интеграция (бирлашиш)дир. Бунда қочоқлар қабул қилувчи давлатларга доимий тарзда жойлашади. 1960 ва 1970-йилларда бу айниқса Африкада умумий ечим бўлган эди. Ўшанда қочоқлар чегарани кесиб ўтган, аммо ўзининг этник гуруҳи орасида қолган. Бу эса ўша вақтда уларнинг сони нисбатан кам бўлганига далилдир. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ўрнашиш

унчалик муаммоли бўлмаганини англатади. Ҳақиқатан ҳам, Танзания каби давлатларда, кочоклар кишлоқ ва шаҳарларга жойлашиб, маҳаллий иктисодни кўтарган.

Маҳаллий интеграция бугунги кунда унчалик оддий ҳол эмас, яъни мезбон ҳукуматлар кочок аҳолига нисбатан адоват билан қарши кучайиб бормоқда. Бунга улар сонининг кўплиги, қочокларга муҳим муаммо сифатида қаралгани, ерга ва ишларга рақобатни келтириб чиқаргани сабаб бўлмоқда. Кўплаб Африка ва бошқа ривожланаётган давлатлар кочоклари уйлари хавфсиз бўлгандан кейингина қайтади.

Аксинча, ривожланган мамлакатларда кочок ҳуқуқий ҳолатидаги кишиларга доимий истикомат қилувчиларнинг ҳуқуқлари берилган. Қонуний кочокларнинг, қачонки имконият бўлса, уйларига қайтишлари кутилсада, амалда, Европадаги деярли ҳамма кочоклар доимий равишда қолиб кетади. Буюк Британияда мигрант кочок статусини олгандан кейин 7 йил ўтгач, Англия фуқаролигини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Учинчи давлатга қайта жойлашиш охириги мустаҳкам ечимдир. Бу одатда лагерлардан келадиган кочокларнинг доимий равишда бошқа мамлакатга жойлаштирилиши жараёнини кўрсатади. Деярли ҳар доим ривожланган давлатга. Аксар кочокларни АКШ, Австралия ва Канада жойлаштиради. Қочоклар қайта жойлашиши 1070 ва 1980-йилларда Европа бўйлаб оддий ҳолат эди; бу вьетнамлик «қайиқдаги одамлар» ва Пиночет тизимидан қочган Чилилик кочокларнинг қилиши эди. Бугунги кунда Европада қайта жойлашиш учун улуш етишмайди. Масалан, 2004 йилда Буюк Британия атиги 150 та кочокни жойлаштирган. Муаммо шундаки, Европанинг маълум қисмидаги бошпана қидирувчилар ва кочоклар ҳақида оммани ташвишга солаётган ҳозирги нарса бу катта ҳажмдаги қайта жойлашиш сиёсий жиҳатдан ривож топадиган вариант эмас.

## **САНОАТЛАШГАН ДУНЁДА БОШПАНА ҚИДИРИШ**

Бошпана қидирувчилар саноатлашган мамлакатлар, айниқса, Европада сиёсий кун тартибининг энг юқорисига чиқди. Баъзи ОАВ ва омма орасида инкироз содир бўлиши мумкин. Бу инкироз бир томондан бўрттирилган. Бошқа жиҳатдан эса, саноатлашган

дунёда бошпана билан алоқадор муҳим масалалар мавжуд, яъни буларга ҳатто қочоқлар ва бошпана қидирувчиларни глобал кузатувда ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Бошпана масаласи айниқса 1990-йилларнинг бошларида Европада ўзига эътиборни торта бошлади. Чунки, шу даврда бошпана қидирувчиларнинг келиши энг юқори кўрсаткичга етган эди (1992 йилда тахминан 700 мингта). Уларнинг сони яна Босниядаги урушдан қочган тахминан 1 миллион қочоқларнинг Фарбий Европага келиши билан ортди.

Бошпана изловчилар, биринчидан, рухсатсиз келарди. Уларга «беихтиёр бошпана қидирувчилар» атамаси қўлланди. 1970-йилларда Европа қочоқларни жойлаштирди. Уларнинг сони, хусусияти ва келиш йўллари манзил давлатлар томонидан назорат қилиниши мумкин эди. Аксинча, бошпана изловчилар чегараларга узоқ Афғонистон, Сомали ва Шри Ланка каби мамлакатлардан. Ўша вақтда буларнинг ҳаммаси энг муҳим қочоқлар чиқадиган давлатлар эди. Иккинчидан, бошпана сўраб мурожаат қилаётганларнинг кўпчилиги умуман қочоқ эмас эди. 1980-йилларда Европага ишлаш учун келишнинг қонуний имкониятлари қисқаргани туфайли, бошпана бўлғуси меҳнат мигрантлари учун Европага келиш йўлларида бирига айланди. Ўша пайтда ташвиш уйғотган охириги масала, бу одамлар Жанубдан Шимолга оммавий тарзда миграциянинг даракчилари бўлиши мумкин эди.

Бу кенг равишда уларнинг ўсиб бораётган сонига ва бошқа хавотирларга жавоб бўлди. Европа бўйлаб давлатлар бошпана изловчиларнинг сонини қисқартиришга ҳаракат қилиш мақсадида ва келганларнинг «қалбаки» эмаслигини қафолатлаш мақсадида янги қонун-қоидалар лойиҳасини киритди: аксар давлатларнинг фуқароларига визалар жорий этилди. Авиакомпаниялар ва бошқа йўловчи ташувчилардан йўловчиларнинг паспортлари ва визаларини текшириш талаб қилинди. Акс ҳолда, жарималар солинди. Бошпана иш тартиблари аризаларни тезроқ кўриб чиқиш мақсадида қайта кўриб чиқилди ва тўғриланди. Бошпана изловчиларга ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятлари чекланди.

2004 йилда Европада бошпана сўровчиларнинг сони сезиларли даражада қисқарди. Ўша йилнинг биринчи ярмида Европа

Иттифокини ташкил қилган давлатларга атиги 233 мингта ариза келиб тушди. Бу рақам 1992 йилда шу давлатларга тушган аризаларнинг ярмидан ҳам камроқ. Уларнинг сон жиҳатдан кискаришига асосий сабаб мигрантларнинг ватанларидаги низолар кўрсатилди. Буларга Афғонистон, Сомали ва Шри Ланка киради. Бошқалар фикрича, янги қонунлар бошпана кидирувчи одамларнинг сонини кискартирган бўлиши мумкин. Шундан бўлсада, улар келишда давом этмоқда. Аммо энди бошпана ўрнини номунтазам миграция эгаллай бошлади.

Ҳаммасини камраб олувчи «миграция-бошпана алоқаси» бугунги кунда саноатлашган мамлакатларда бошпана сўрашнинг алоҳида масалаларини ифодалаш учун кўпроқ ишлатилмоқда. Бу бир томондан қочоқларни «қалбаки» ариза берувчилардан, бошқа томондан эса бошпана сўровчиларни номунтазам мигрантлардан ажратишнинг мавҳум ва эҳтиёткорлик масалаларига тегишли.

Буюк Британияда охириги ўн йил ичида, бошпана сўровчиларнинг 10-20 фоизи 1951 йилдаги конвенциясидаги мезонларга мос келиши аниқланган ва уларга қочоқ статуси берилган. Бошпана сўровчиларнинг бошқа 20-30 фоизи конвенция мезонларига мос келмаган, аммо уларга истисно тарзда қолиш учун вақтинчалик статус берилган. Уларнинг ҳозирда ўз мамлакатларига қайтиши хавfli бўлгани сабабли шундай қилинган. Бу шунни билдирадики, тахминан 50-70 фоиз бошпана сўровчилар химояга муҳтож деб топилмаган. Аризаси рад этилганлар қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва баъзиларига кейинчалик химоя тақдим этилади. Кўпчилигининг қайта берган аризалари ҳам рад этилади ва ўз мамлакатига қайтиб кетишга мажбур бўлади. Аммо қайсидир миқдори ватанига қайтиб кетмай ноқонуний тарзда қолиб кетади.

### **Рад этилган бошпана сўровчиларни қайтариш**

Буюк Британия аризалари рад этилган бошпана сўровчиларни қайтариш бўйича айниқса ёмон қўрсаткичга эга. 2006 йилда Буюк Британиянинг Ички ишлар вазирлиги 150 мингдан 288 минггача аризаси рад этилган, аммо халигача Буюк Британияда яшаётган бошпана сўровчилар борлигини ва уларни қайтариш 18 йил вақт олишини аниқлади. Асосий



муаммо бундай шахсларнинг турар жойларини аниқлашдир. Чунки, уларнинг кўпчилиги ўзининг этник гуруҳи ичида йўқолиб кетади ва ноқонуний ишлайди. Буюк Британия ҳукумати кескин чоралар кўрадиган бўлса, этник жихатдан камчилиқни ташкил этадиган халқлар орасида ғазабни кучайтириши мумкин. Шунинг учун, келишув асосидаги ўртача йўл тутишга тўғри келади.

Аризалари ва қайта берган аризалари ҳам рад этилган бўлишига қарамасдан, манзил давлатларда қолиб кетадиган бошпана сўровчилар номунтазам миграция билан аралашиб кетади. Бошқа томондан, улар мигрант савдогарлари ўлжасига айланиши ҳам мумкин. Мигрант савдоси билан алоқадор хавфларнинг баъзилари бошпана сўровчиларнинг адвокатлари ва инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилотлар учун катта ташвиш туғдирмоқда. Ниҳоят, баъзилар мамлакатга келгандан кейин ишлаш учун рухсатнома олишдан олдин ишлаш орқали қонуни бузади.

«Бошпана кидирувчи» ва «номунтазам мигрант» атамалари бир-бирининг ўрнида ишлатилиши табиий кўринади. Муаммо шундаки, бу бошпана сўровчиларнинг кўпчилиги ўз ҳаёти ёки эркинлиги ва ҳимоя излаб ўз мамлакатини тарк этгани – ҳақиқат. Демак, қочоқлар халқаро қочоқлар тизими остида ҳимоя ҳуқуқига эга одамлар бўлиб, саноатлашган мамлакатларнинг бошпана тизимига йўл излаб, ҳаётини хавф остига қўядиганлардир. Улар манзил давлатларга боргач эса, кўпинча номунтазам мигрант сифатида муносабатга дуч келади.

## 7-БОБ. МИГРАНТЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Замонавий тадқиқотлар марказидан иммиграциянинг манзил мамлакатларга таъсирини ўрганиш жой олгани бежиз эмас. Кўплаб миқдорда иммигрантлар саноати ривожланган мамлакатларга кириб келмоқда, бу эса давлатлар тизим ўзгаришларига дуч келаётган вақтда содир бўлмоқда. Булар жамиятни, меҳнат бозорини ва маҳаллаларни ўзгартираётган иқтисодий, демографик ва технологик ўзгаришларни ўз ичига олади. Бу глобал иқтисодий ноаниқликлар ва ортиб бораётган ишончсизликдир.

Иммиграция ва иммигрантлар замонавий жамиятнинг муаммоларига сезиларли, аниқ ва мос келадиган тушунтиришларни таъминлайди. Бу саноатлашган давлатларда ҳуқуқлар учун ёрдамнинг нима учун ортиб бораётганини асослайди. Миграциянинг жамиятга таъсири бўйича илмий адабиётларнинг мувозанати номаълум. Бунга кўра, турғун ҳолатда ёндашув иммиграция таъсири бўйича ҳақиқатни тўлиқ ақс эттирмайди. Яъни вақт ўтиши билан улар ҳам ўзгариб боради. Масалан, иммигрантлар меҳнат бозорида янги малака ва тажрибаларни қўлга киритиши билан шундай бўлади. Бу ўзгаришдаги миграциянинг таъсирини ажратиб қўйиш ва савдо либерализацияси ва приватизация каби оммани жалб қиладиган бошқа аспектлардан ажратиш жуда кийин бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатади. Бу яна мигрантлар ва миграциянинг таъсири сезиларли фарк килишини ҳам англатади. Мигрантларнинг характери, уларнинг қабул қилувчи давлатда географик жойлашини, асосий меҳнат бозорлари ва у ердаги ижтимоий алоқалар кабиларни ўз ичига оладиган бир катор омилларга кўра шундай бўлади.

## ИММИГРАЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРИ

### Тарихий тажрибалар

1962 йилда Жазоирда яшайдиган келиб чиқиши европалик бўлган 900 миң одам Францияга кўчган ва Франциянинг ишчи кучини 1.6 фоизга оширган. Бунинг таъсирида улар жойлашган ҳудудларда иш хақи 0.8 фоизга қисқарган,

ишсизлик даражаси эса 0.2 фоизга ортган. 1974 йилда 600 минг колониячилар Африканинг Ангола ва Мозамбик колонияларидан Португалияга қайтишган. Тажрибага асосланган таҳлиллар меҳнат бозорига нисбатан таъсирири аниқлай олмади. 1980 йилда тахминан 125 минг кубалик Майамига кирган ва ишчи кучини 7 фоизга оширган. Улар иммиграциясининг келиб чиқиши турлича бўлган маҳаллий малакасиз ишчиларга таъсири аниқланганда, фақатгина кубаликларга салбий таъсир қилгани намоён бўлди

*(БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалар бўлими, Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий кузатуви: Халқаро миграция, Нью-Йорк: БМТ, 2004).*

Баъзи ҳолларда миграциянинг мигрантлар келиб чиқадиган давлатларга ижобий таъсири ҳам мунозарага киритилади.

Айрим экспертлар наздида, иммиграция салбий иқтисодий таъсирга эга. Улар четда туғилганлар орасида ишсизлик даражасининг юқори экани, ижтимоий таъминотнинг нархларига алоқадор катта оилаларнинг тарқалгани ва ўрнашган этник кичик гуруҳлар билан ракобатнинг салбий таъсирларини кўрсатмоқда. Паст малакали меҳнат саноатнинг қайта тузилишига ва қайта ташкил этилишига тўсқинлик қилиши мумкин; бу ёмон иш шароитларини яратиши ва савдо бирлашмаларининг меҳнат стандартларини қўллаб-қувватловчи кучларини кесиб қўйиши мумкин.

Иммиграциянинг иқтисодий таъсири бўйича умумий музокаралар ичида, 3та аспект эътиборни ўзига қаратди. 1. Мамлакат фуқаролари учун мавжуд иш ўринларига таъсири. 2. Улар иш ҳақининг даражасига таъсири. 3. Давлат маблағига, асосан, давлат сектори нархларига таъсири.

Манзил давлатларни хавотирга соладиган бир ҳолат бор: *мигрантлар маҳаллий аҳолидан ишларни тортиб олади.* Бу ташвиш айниқса Европа давлатларида сезиларли даражада, у ерда ишсизлик даражаси нисбатан юқори ва ишсизлар орасида узок муддатли ишсизликнинг нисбати ҳам анча катта. Аксар давлатларда мигрантлар маҳаллий меҳнат бозорини тўлдириш учун қабул қилинади (бу инсонпарварлик мезонлари асосида қабул қилинган қочокларга тегишли эмас). Булар маҳаллий таълим тизими тўлдира олмайдиган малакалар ёки маҳаллий аҳоли

ишлашни хохламайдиган кам иш хаки тўланадиган ишлар бўлиши мумкин. *Мигрант ишчилар маҳаллий ишчилар билан тўғридан-тўғри рақобат қиладиган ҳолатларга деярли қўйилмайди.*

### **Якка тартибда ишловчи хорижий ишчилар ва этник ишбилармонлар**

Якка тартибда ишлайдиган хорижий ишчилар айниқса Канада, Дания, Финляндия, Ирландия ва Буюк Британияда кўп. Бундай давлатлардаги иммигрантлар орасида якка тартибда ишловчиларнинг даражаси юқорилигини ифодаловчи 3 та сабаб бор: 1. Миграция таъланган табиатига асосланган, яъни иммигрантлар маҳаллий аҳолига қараганда анча фаол ва таваккал қилишга унчалик мойил эмас. 2. Бунга зид равишда, мигрантлар яхши иш хаки тўлайдиган ишларга тўсиқлар, дискриминация, тилни билмаслик каби тўсиқлар ва ахборот олишга имкониятнинг камлиги туфайли якка тартибда ишловчига айланиб қолади. 3. Иммигрантларнинг келиб чиқадиган жамиятига қаратилган иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши. Этник ишбилармонлар тушунчаси кўпинча мана шундай жамоатчилик фаолиятини ифодалаш учун ишлатилади. Кўпинча уларнинг таъсири маълум этник жамиятдан ташқарига чиқади. Масалан, Ҳиндистон, Италия ва Туркия ошхонаси овқатлари ҳозирда бутун дунё бўйича овқатланишнинг ажралмас қисмига айланган.

Саноатлашган мамлакатларда маҳаллий аҳоли учун иммиграциянинг ишларга таъсирининг энг ёмони бетарафлиги бўлса, ижобий томони эса бу иқтисодий ўсишни ва янги ишларни яратиши мумкинлигидир.

АҚШда иммиграция бўйича музокаранинг асосий аспекти унинг иш хаки даражасига таъсирига қаратилди. Миллий ва умумий даражада келиб чиққан келишув шу бўлдики, салбий таъсирлари энг кўп тарзда меҳнат бозори хусусиятлари мигрантларникига ўхшаш бўлганлар учун сезилди. Бошқача айтганда, иш учун мигрантлар билан тўғридан-тўғри рақобат қиладиганлар учун сезилди. Бу таъсир, мигрантлар билан иш учун рақобатда бўлмаганлар учун иш хакига ижобий таъсир орқали

силжиш бўлди, чунки улар иммиграция натижасида АҚШ фирмаларининг сердаромадлилигидан фойда кўради.

Охирги йилларда АҚШда паст малакали миграциянинг ўсиши маҳаллий паст малакали ишчиларнинг иш ҳақиға таъсир кўрсатди. Келиб чиқиши африкалик бўлган америкаликлар орасида паст малакаликлар кўпчиликини ташкил этади ва умуман, меҳнат бозорида заиф. Шу сабабли иммиграциянинг уларға таъсири айниқса сезиларли. Бир томондан, Нью-Йоркда олиб борилган изланишлар 1980 ва 1990-йилларда келиб чиқиши африкалик бўлган америкалик эркакларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва ишлаб топишида нисбатан тушиш ҳолати борлигини кўрсатди. Ўша вақтнинг ўзида иммиграциянинг энг юкори кўрсаткичи қайд қилинган ва буларнинг кўпчилиги паст малакаликларни ўз ичига олади. Бошқа томондан, изланишлар фақат иммиграцияға тегишли бўлиши мумкин бўлган натижади таъсирларни кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда, иммиграция иш ҳақи тушишиға сабаб бўлиши мумкин бўлган ва унинг таъсирини ажратиб олиш қийин бўлган омиллардан биридир.

Иммиграция давлат маблағиға ҳам таъсир қилади. Австралия, Германия, Буюк Британия ва АҚШда ўтказилган алоҳида изланишлар умумий таъсир ижобий бўлишини аниқлади; кўпчилик иммигрантлар уларға кўрсатилган хизматларнинг нархидан кўра кўпроқ солиқ тўлайди. Кўпчилик мигрантлар жамиятларида иктисодий жиҳатдан фаол одамлар кўпчиликини ташкил қилади ва умуман, мигрантлар орасида ишли одамлар даражаси анча юкори. Шунингдек, манзил давлатлар мигрантларни тарбиялаш, ўқитиш, таълим бериш ва қайта тайёрлаш харажатларини кўтармайди. *Кўп ҳолларда кекса ёшдагиларға галхўрлик учун ҳам қайғурмайди, чунки кўпинча улар нафақаға чиққач ўз уйиға қайтади.*

Иммиграциянинг давлат маблағиға таъсири АҚШ каби давлатларда унчалик ижобий эмас. Кўпгина Европа давлатлари ва Япония сингари мамлакатлар кескин кариётган аҳоли муаммосиға дуч келаётгани йўқ. Янги Зеландияда умумий иммиграция ҳукуматнинг даромадига йилиға 3240 Янги Зеландия доллари миқдорида ижобий хисса қўшаётган бўлса, Осиё ва Тинч океани атрофидаги давлатлардан келган янги мигрантлар тўлаётган солиқларидан кимматроққа тушмоқда.

АҚШ ва Европада халқаро миграциянинг характери ўзгарди. Унга кўра, оила қайта бирлашишида иктисодий жихатдан фаол бўлмаган мигрантларнинг нисбати каттарок. Маълум вақт конуний ишлашга рухсат этилмаган бошпана сўровчиларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Умуман олганда, мигрантларнинг янги тўлкини илгари келганларига караганда ижтимоий ҳаракатланиш ва малакаларни ўзлаштириш учун камроқ лаёқатли эканини кўрсатмоқда.

Четда туғилган аҳолининг ишга жойлашганлик даражаси бутун Европада караганда Европа Иттифокига кирувчи 25та давлатда пастроқ – тахминан 61 фоиз. Бу кўрсаткич келиб чиқиш жойига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Ғарбий ва Шарқий Европадан келган иммигрантлар бошқа Европа Иттифокига кирувчи давлатлардан кўра юқори иш билан таъминланганлик даражасига эга, ер юзининг бошқа қисмларидан келганлар эса пастроқ даражада иш билан таъминланганлик даражасига эга. Ишсизлик айниқса Туркия, Ўрта Шарқ ва Африкадан келганлар орасида юқори. Бундан ташқари, жинсий фарқлаш ҳам мавжуд. Четда туғилган эркекларнинг иш билан таъминланганлик даражаси Европа Иттифокига кирувчи давлатлардаги эркекларга караганда сал пастроқ, четда туғилган аёллар эса сезиларли даражада пастроқ иш билан таъминланганлик даражасига эга.

Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, маҳаллий ва шаҳар даражасидаги ўрганишлар мамлакат даражасидаги ўрганишлар каби иммигрантларнинг иш билан таъминлангани ва давлат маблағига таъсири бўйича бир хил хулосаларни бермайди. Бир нечта асосий Европа шаҳарларининг маҳаллий ҳукумат даражасида, масалан, иммигрантларнинг давлат сектори бюджетига таъсири салбий экани аниқланган. Бу эса маълум иммигрантлар яшайдиган ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг юқори экани туфайлидир. Уилям Кларкнинг АҚШдаги янги мигрантлар қирадиган 9 та асосий шаҳарлар бўйича изланишлари малака ва даромаддаги тушишни, камбағаллик ва маҳаллий аҳолига нисбатан қарамлик ва фарқнинг ўсганини кўрсатди. Кларкнинг кейинги изланишлари бу муаммоларнинг маълум маҳаллий жойлашувлар, маълум этник ва миллий гуруҳларга боғлиқлигини кўрсатади. Масалан, Лос Анжелесдаги мексикалик мигрантлар айниқса ночорлашиб кетгани аниқланган.

Кўпинча, илмий изланишларнинг натижалари, давлат ва хатто сиёсий қарашлар ўртасида фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Изланишлар иммиграциянинг иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши, иш учун рақобатга кирмаслиги, маҳаллий аҳоли учун иш ҳақини пасайтирмаслиги ҳулосага нисбатан ноаниқликни кўрсатса-да, бу уларнинг қай даражада кўрилиши эмас. АҚШ ва Европада иммиграциянинг ҳажми юзасидан омманинг салбий фикри ва ишсизлик даражасининг юқорилиги ўртасида алоқа борлиги аниқланган. Масалан, Малайзия ва Жанубий Африкада шунга ўхшаш тарзда, иммиграция мунтазам тарзда ишсизлик учун айбдор ҳисобланади.

## ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ АВЛОДЛАР

Яқинда мигрантларнинг болалари ва набиралари, яъни иккинчи ва учинчи авлодларининг иқтисодий кўрсаткичига сезиларли эътибор қаратилди. Шундай бўлса ҳам, бошқа сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш, ижтимоий ва маданий томондан ажратиб қўйишини ўз ичига олувчи омилар бор, уларнинг иқтисодий жиҳатдан ажратиб қўйилиши Европа давлатларидаги иммигрантлар авлодлари орасидаги норозиликлар учун энг кўп учрайдиган сабаблардан бири сифатида кўрсатилди.

Бу мавзу бўйича экспертлар иккита фикрга ёндашадилар. Европалик мигрантларнинг АҚШ, Канада ва Австралияга бўлган тажрибаларига кўра, мигрантлар авлодлари баъзи иқтисодий ноафзалликларни бошидан кечириши кутилса-да, муваффақиятли авлодлар тенг ҳуқуқли рақобатга кира оладилар. Бу кўлаб сабабларга кўра содир бўлади. Улар биринчи авлоднинг меҳнат бозорида муваффақиятсизликка учраши, чет элликлар малакасининг тан олинмаслиги, тил бўйича муаммолар ва манзил давлатнинг меҳнат бозорида тажрибанинг етишмаслиги қабиларни камрайди. Бу сабаблар иккинчи авлодга ҳам қўлланиши керак эмас. Бу тарихий тажриба ҳозирги миграцияга қўлланмаслиги мумкин, айниқса, бу кам ривожланган мамлакатлардан келиб чиққан бўлса ва дискриминацияни бошидан кечиришда давом этадиган кичик гуруҳларни ўз ичига оладиган бўлса.

Оксфорд университети социологи профессор Антони Хес бу мавзу бўйича ўз ҳамкасблари билан биргаликда «этник жазо»нинг

тегишлилик сабабларини аниқлаш мақсадида халқаро киёсий таҳлил ўтказди. Улар бошқа омишлар орасида Австралия, Канада, Исроил, АҚШ, Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Голландия, Швеция, Буюк Британия, Жанубий Африка ва Шимолий Ирландиядаги европаликлар ва европалик бўлмаганлар аждодларининг иккинчи ва учинчи авлодлари орасидаги ишсизлик даражасини ҳам таққослаб кўрди.

Натижалар аввалги ўрганишларни тасдиқлади. Ўрганилган давлатларнинг барчасида Европадан келиб чиққанларнинг иккинчи авлоди асосан этник жазони бошдан кечирмаган, бошқача сўз билан айтганда, уларнинг иш билан таъминланганлик даражаси маҳаллий аҳолиники билан бир хил ёки айрим ҳолатларда яхшироқ бўлган. Келиб чиқиши жиҳатидан европалик бўлмаганларнинг авлодлари эса этник жазони бошидан ўтказган. Бу айниқса, Австрия, Бельгия, Франция, Германия ва Голландияда содир бўлган. Ўрганилган давлатлар орасидаги фарқларни кўрсатувчи омишлардан бири у ердаги ишсизлик даражаси бўлди. Қаерда ишсизлик даражаси юкори бўлса, ўша ерда этник жазо даражаси ҳам юкори бўлди.

Бундай ўрганишларнинг натижасини ҳақли равишда тушунтириш қийин. Келтирилган омишлар орасида, ўрганилган давлатларда дискриминация, кенг тарқалган ирқчилик, меҳнат бозорининг мунтазам эмаслиги ва ахборот, алоқалар, хоҳишлар ва ижтимоий тенглик каби инсон қобилияти (инсон капитали) омишлари бор эди. Ўрганишнинг умумий хулосаларидан бири, мерос бўлиб ўтган анъаналарни енгиб ўтиш осон эмаслигидир. АҚШдаги келиб чиқиши африкалик бўлган америкаликлар ва Шимолий Ирландиядаги католикларнинг тажрибаларидан олинган натижалар шунга далолат қилмоқда.

Демак, интеграция сиёсатининг асосида қандай принциплар бўлишидан қатъи назар, иккинчи авлод этник жазони бошдан ўтказди. Шунинг учун европалик бўлмаганларнинг авлодлари кўп маданиятли Британиядаги каби Францияда ҳам меҳнатга унчалик лаёқатли эмас.

Иккала модел ҳам яхши иш бермаслиги фикрига қўшилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Аксинча, интеграцияга камроқ мавҳум ва кўпроқ амалий масалаларга эътиборни қаратиш орқали эришилади, дегувчилар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу тил



ўзлаштириш, малака ошириш, таълим; меҳнат бозори ва иқтисодий бирлашув, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим ижтимоий хизматлар ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳаётдаги иштирокчи назарда туғади. Интеграция АҚШда ҳукуматнинг «қўлингчи торт» ёндашуви туфайли бошқа давлатларга қараганда кўпроқ содир бўлган, яъни у иммигрантлар яшайдиган ҳудудларда ўз кучига ишонишни ва етакчиликни қўллаб-қувватлаган.

## МИГРАНТЛАР ВА СИЁСАТ

Ғарбий Европа бўйлаб мусулмон мигрантлар, иккинчи ва учинчи авлодларга нотекис ишсизлик даражаси катта таъсир қилган. Уларнинг кўпчилиги учун бу муаммолар таълим ва уй-жой билан боғлиқ бўлган. Бу асосий ижтимоий-иқтисодий тангликлар, охириги йиллардаги сиёсий тус олган тенгликка алоқадор масалалардан ташкил топган. Масалан, Буюк Британиядаги Рашид воқеаси, «терроризмга қарши уруш», Афғонистон ва Ироқнинг босиб олиниши қабилир. Стефан Кастлс ва Марк Миллернинг «Миграциянинг ёши» китобида шундай келтирилган: «Мусулмон иммигрантларининг асосий қисми фундаментализмдан ўзини тийган бир вақтда, Ғарбий Европага мусулмон дунёсига кенг тарқалган диний ишончдаги кескин ўсиш таъсир қилди».

Демак, фундаментализмдаги ўсиш иммиграцияни қабул қилувчи мамлакатларга сиёсий таъсир этади. Иммиграция ва сиёсат ўртасидаги яна бир кескишув бу иммигрантларга қарши экстремизмнинг кучайиши бўлди. Иммигрантларга қарши сиёсий ҳаракатлар охириги ўн йилда Европа бўйлаб кенг ривожланди. Булардан энг кўзга кўрингани Франция Миллий fronti бўлди. Унинг етакчиси Ле Пен 2002 йилдаги президентлик сайловларининг биринчи босқичида овознинг бешдан бирини қўлга киритиб, социалистларнинг номзоди бўлган Лионел Жоспинни мағлубиятга учратди. Европани лол қолдирди. Бельгияда Флемиш Вламс Блок учун таянч сезиларли даражада ошди. Жорж Хайдернинг иммигрантларга қарши Эркинлик партияси Халқ партияси билан биргаликда, Хайдернинг ўзи 2000 йилда партиянинг раиси сифатида нафақага кетган бўлишига қарамасдан, Австрияда ҳукуматни шакллантирди. Иммиграцияга қарши ҳаракат Италиядаги Шимолий Лига, Форца Италия ва янги фашистларнинг Миллий Иттифоқи ҳаётида сезиларли даражада

сон жихатдан ошиб кетди. 2001 йилда Голландияда Пим Фортюн ва унинг иммиграцияга қарши партиясининг кўтарилиши кўпчилик кузатувчиларни ҳайратга солди. Европадан ташқарида, 1998 йилда Австралияда, Паулин Хэнсоннинг Квисленддаги Ягона миллат партияси сезиларли сиёсий ғалабага эришди. Мамлакат сайловларида деярли 25 фоиз овозни қўлган киритди ва парламентдан 11 ўринни эгаллади.

Баъзи олимлар ўнг-канот партияларининг пайдо бўлиши сиёсий кўламда иммиграцияга қарши натижаларга эга бўлди, деб фикр билдирмоқда. Масалан, Француз социалистларининг иммиграция бўйича фикрлари Миллий фронтнинг ўсиши билан ўнгга қараб ўзгарди. Бундай партияларнинг муваффақияти саноатлашган мамлакатларнинг сиёсий кун тартибида иммиграция масаласининг кўтарилиши учун муҳим сабаб бўлди.

Илмий адабиётлар янги партия ва янги масалаларни тарғиб қилишдан ташқари, иммиграциянинг манзил давлатларнинг сиёсати ва сиёсий тизимига муайян даражада таъсир қилишини аниқлади. Айниқса, Бельгия, Франция ва Голландияда, фукароликдан маҳрум этилган жойларда иммигрантлар ва уларнинг авлодларининг сиёсий иштироки ва вакиллиги ҳақида кизгин баҳс кетмоқда. 1970 ва 1980-йилларда, улар ўзи маҳрум этилган сиёсий вакилликнинг оддий йўлларида ташқарида ҳаракат қила бошлади. Масалан, саноат иш ташлаши, қарама-қаршилиқ ҳаракатлари, очарчилик эълон қилиш ва шаҳардаги тартибсизликларга аралашуви орқали муайян хатти-ҳаракатлар амалга оширилди.

Охирги йилларда кўплаб Европа давлатлари иммигрантларга маълум сиёсий ҳуқуқлар берди. Бунга маҳаллий сайловларда (мамлакат сайловларида эмас) овоз бериш ва номзодини қўйиш кабилар қиради. Бу чет элликларнинг узок муддат резидент бўлиши доимий феномен эканини тан олишнинг ортиб бораётгани эътирофидир. Баъзилар кишининг ўзи яшаётган ҳудуддаги сиёсий иштироки унинг инсоний ҳуқуқи, дейди; бошқа жихатдан мигрантларни сиёсий иштирокдан маҳрум этиш ижтимоий танглик ва низоларга олиб келиши мумкин. Европа Иттифоқи давлатларида шу давлатларнинг барча фукаролари сайловларда номзодини қўйиш ҳамда ўзи яшаётган давлатларда маҳаллий ва Европа сайловларида овоз бериш ҳуқуқига эга. Бир нечта давлатлар, шу жумладан, Дания, Финляндия, Ирландия, Голландия, Норвегия ва Швеция Европа Иттифоқидан

ташқаридаги давлатлардан келган резидентларга, шу давлатларда маълум белгиланган муддат яшагани шарти билан маҳаллий сайловларда овоз бериш ва номзодини қўйишга рухсат беради. Бошқаларида, шу жумладан, Португалия, Испания ва Буюк Британияда маҳаллий овоз бериш ҳукуки маълум миллат вакилларига ўша мамлакатлар билан ўзаро келишув асосида берилади. Манзил мамлакатларнинг сиёсатига яна бир яширин таъсир мавжуд. Бу келиб чиқиши иммигрант бўлган фуқаролар орасида этник овоз бериш блокларини шакллантириш орқали амалга ошади. Масалан, Исроилдаги собиқ Совет Иттифокидан келган яҳудийлар Исроилдаги сайловчиларнинг 15 фоизини ташкил қилади ва 1992 йилдан бери ўтказилган барча умумий сайловларнинг натижаларига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Квебекнинг иммигрантлардан ташкил топган аҳолиси Канада Федерациясида Квебекнинг келажаги учун 1996 йилдаги референдумга таъсир қилиш учун мустақилликка қарши овоз беришди. 2002 йилда Германиядаги каттиқ сайловларда, келиб чиқиши турк бўлган 350 минг германиялик ҳам муҳим овоз берувчи блок сифатида чиқди. Мана шундай яширин таъсирлар натижасида, сиёсий партиялар келиб чиқиши иммигрант бўлган сайловчиларга мурожаат қилишди. Бунга Буюк Британия ва АҚШ яққол мисолдир.

АҚШнинг маълум штатларида лотинлар овоз бериш блокнинг кучи сиёсатчиларга жумбоқ бўлиб қолмоқда. Бир томондан, айрим сиёсатчилар Мексикадан келадиган номунтазам миграцияга қарши. Бошқа томондан, лотинларнинг фикри сўралиши керак. Пуэрто риколиклардан ташқари, АҚШда 42 миллион Лотин Америкасидан келганлар яшайди ва АҚШ аҳолисининг тахминан 14 фоизини ташкил этади. Уларнинг овози эса Калифорния ва Колорадо каби штатларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат даражасида улар ҳатто Вакиллик Палатаси устидан назоратни аниқлаши мумкин. АҚШдаги лотинларнинг учдан бири 18 ёшга етмаганлардир. Бу эса уларнинг овози келажакда ҳатто янада муҳим аҳамият касб этиши муқаррарлигини кўрсатади.

## **ДЕМОГРАФИК ТАНҚИСЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ**

Кўплаб саноати ривожланган мамлакатларда маҳаллий аҳоли бир пайтнинг ўзида ҳам қисқариб, ҳам қариб бормоқда. Туғилиш

даражасининг пастлиги узоқ умр кўриш ва соғлиқни сақлашдаги доимий муваффақиятлар билан уйғунлик касб этган. Ёшлар кам, ёши ўтган одамларнинг нисбати эса ортиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги нафақага чиққандан кейин 30-40 йил яшайди. Бошқача айтганда, ишлайдиган, иктисодий ўсишни ушлаб турадиган ва солиқ тўлайдиган иктисодий жиҳатдан фаол одамлар кам. Ишламайдиган, аммо нафақа оладиган, уларнинг тиббий ва ижтимоий ғамхўрлигини тўлаш учун ижтимоий таъминотга қараб қолган одамлар кўп. Умуман айтганда, улар қанча қариса, шунча ғамхўрлик талаб қилади.

### **Буюк Британиядаги нафақа инкирози**

**2005 йилнинг охирида Буюк Британияда нафақа инкирози юз берди. Буюк Британияда нафақахўрларни таъминлаш учун солиқ тўловчилар жуда кам ва кўрсаткич янада ёмонлашиб бормоқда. 1960 йилда ҳар бир нафақахўрга 4 та ишлайдиган одам тўғри келган. 2005 йилга келиб эса, ҳар бир нафақахўрга атиги 2.7 та ишлайдиган киши тўғри келди. Ҳисобларга кўра, 2050 йилга бориб, ҳар бир нафақахўрга атиги 1.1 та киши тўғри келади. Айтиш жоизки, Буюк Британия нафақа инкирозига юз тутаётган ягона давлат эмас.**

Демографик танқислик Европада муҳим муаммодир. У ерда ўртача европалик аёл 1.4 болага эга. Ҳозирги аҳолининг ўрнини босиш учун эса у 2.1 болага эга бўлиши керак. Натижада, Европада Хитой ва Япония сингари аҳоли қисқариб бормоқда. Яқинда Россия Федерациясида ҳам шундай бўлиши кутилмоқда. Ҳақиқатда, ер юзи аҳолисининг 40 фоиздан ортиғи бугунги кунда аҳолиси қисқариб бораётган мамлакатларда яшайди. Шу билан бир вақтда, муҳим фарқлар ҳам мавжуд, масалан, бу баъзи Европа давлатларига бошқаларига қараганда камроқ таъсир этган. АҚШда маҳаллий аҳоли ўсиб бормоқда. Миграциянинг қанчалик муҳим роль ўйнай олиши мумкинлиги хусусида кучли келишмовчилик бўлишига қарамасдан, миграция демографик танқисликни қисқартиришни бошлаш учун битта йўл бўлиши мумкинлигига кўпчилик олимлар кўшилади. Мигрантлар қанча кўп ишлаш ёшида бўлса ва иш топа олса, қонуний йўл билан ишласа ва солиқ тўласа, улар ишлаш ёшидаги аҳолиси қисқаришдан зарар кўрган давлатларда ўз ҳиссасини оширади. Бундан кейин эса, кўпроқ

меҳнат миграцияси бу давлатларнинг иқтисодий фойдасига қаратилган. Меҳнат миграциясисиз улар нафақа ва ижтимоий таъминотнинг ҳозирги даражасини ушлаб туролмайди.

Унинг акси равишда, ишчиларни импорт қилиш, ишчи кучи ва қаришнинг олдини олиш учун қисқа муддатли ечим зарур. Чунки мигрантларнинг ўзи ҳам қарийди. Улар ҳатто туғилиш даражаси юқори бўлган мамлакатлардан келган бўлса ҳам, кўпинча ўзи ишлаётган мамлакатдаги туғилиш даражасига мослашади. Шу сабабли, мигрантлар ҳам, ўзининг ижтимоий таъминотини тўлайдиган, ўзининг ўрнини эгаллайдиган етарлича болалар билан таъминламасдан, аста-секин ёши ўтганларнинг сафига қўшилади.

Умумий фикр шуки, миграциянинг яқка ўзи демографик танқисликни қисқартира олмайди. Аммо у талаб қилинадиган жавоблар ичида муҳим элементдир. Бошқалар бунга аёлларни кўпроқ бола кўришга ундашни айтади (масалан, уларга кўпроқ декрет таътили бериш орқали); одамлар янада узокрок ишлаши учун нафақа ёшини кўтаришни, маҳаллий аҳоли орасида ишсизликнинг сезиларли даражаси бор бўлган жойларда иш билан таъминлаш даражасини кўтариш ва технологик инновациялар орқали ишлаб чиқаришни кўтаришни киритади. Унчалик яхши бўлмаган муқобил нарса, нафақаларнинг ва бошқа ижтимоий таъминотнинг қисқаришига рози бўлиш ёки ривожланишнинг қисқартирилган даражасини қабул қилишдир.

## **ЖАМИЯТЛАР ВА МАДАНИЯТЛАРГА ТАЪСИРИ**

Миграциянинг ноиқтисодий таъсирини баҳолаш қийин. Миграциянинг ер юзидаги жамиятлар ва маданиятларга таъсири уларни турли-туман ва эклектик (турлича қарашларни қориштириб юбориш) муносабатда кўринади. Мисоллар жуда кўп. Жаз, регга ва бхангра каби мусика усуллари миграция туфайли келиб чиққан. Мигрантлик тажрибаси мустамлакадан кейинги адабиётга туртки бўлди. Ханиф Қурайшийнинг «Субурдиянинг Буддаси», Жади Смитнинг «Оқ тишлар» ва Моника Алининг «Ғиштли йўл» асарлари бунга яхши мисол бўла олади. Ҳинд овқати «товукли тика» ҳозирда Британияда энг оммабоп таомдир. Испан тили ҳозирда Калифорния ва Флориданинг маълум ҳудудларида кундалик мулоқот тилига айланиб қолган. Ер юзи бўйлаб спорт

жамоалари муҳим уйинчиларни импорт қилади, миллий жамоалар эса мигрантларнинг авлодларини ўзига қабул қилади.

Бу таъсир иммиграцион аҳолининг ўзида турли-туманлик ортиши билан янада кучайди. Бир асрдан ортиқ вақтдан бери кўйлаб ирландлар Буюк Британияга кўчиб келган, улар ҳозиргача у ерда яшовчи энг катта хорижий миллат гуруҳидир (2003 йилда Буюк Британияда тахминан 375 минг ирландлар бўлган). 1950-йиллардан кейин Ҳиндистон, Покистон, Ямайка ва бошқа Кариб ороллари каби Британия мустамлакасида бўлган давлатлардан катта миқдорда иммигрантлар келган. 1970 йилдан бери Австралия, Канада, Янги Зеландия ва Жанубий Африкадан келадиган иммигрантлар фаол равишда кўллаб-қувватланмоқда. Охириги йилларда бу аллақачон турли-туман бўлган жамият янада кўйлаб бошқа давлатлардан одамларнинг келиши билан янада бойиди. 1990-йиллардан бери Буюк Британияга Афғонистон, Хитой, Ирок, Косово ва Сомалидан кишилар келди. Баъзи одамлар Буюк Британиядаги ҳозирги ҳолатни «гипер турли-туманлик» деб атамоқда.

Шу билан бир вақтда, турли-туманликнинг ошиши жуда мураккаб масалаларни намоён этиши мумкин. Франциядаги рўмол (хижоб) муаммоси турли-туманлиликнинг тарихий-миллий анъаналар билан киришиб кетиши қанчалик қийин бўлиши мумкинлигига яхши мисол бўла олади. Амалда бу етарлича қийин. Масалан, айтайлик, Буюк Британия ёки АҚШда 30та бошланғич синф боласини ўқитиш, агар улар ўз уйларида урду тилида гаплашса, қанчалик қийин. Яна болалардан иккитаси уйда урду тилида гаплашса, учтаси яқиндагина Сомалидан келгани учун умуман инглиз тилини билмаса ва иккитасининг биринчи тили хитой тили бўлса, бундай синфни ўқитиш умуман бошқа масала. Умуман, турли-туманлик масалаларига ижобий жавоб топган жамиятлар бундан беҳисоб фойда кўрган.

Турли-туманликнинг салбий ва ижобий таъсирлари катта, айниқса, Нью-Йорк, Лондон ва Гонг Конг каби шаҳарларда сезилади. Миграция бундай шаҳарлар хусусиятининг ажралмас қисмига камида 3 та йўл билан айланди. Биринчидан, глобал шаҳарлар юқори малакали мигрантлар ва корпорация ичида кўчадиганларга халқаро молия, қонуний хизматлар ва ҳисоб-китоб (бухгалтерия) реклама ва суғурга каби юқори даражали бизнес

хизматларини кўтаришни таъминлаш учун суянади. Чунки уларнинг иктисодий салоҳияти асосан шуларга боғлиқ. Иккинчидан, мигрантлар паст малака талаб қиладиган иш ўринларини ҳам тўлдиради. Деярли барча шаҳарлар бунга тенг равишда суянади, масалан, транспорт, чиқиндиларни йўқотиш, меҳмонхона, қурилиш ва ресторан бизнеси қабиларда.

### **Франциядаги рўмол (хижоб) муаммоси**

2004 йилнинг февралда Франция давлат мактабларида диний тегишлиликни очик намоён қиладиган либосларни кийишни таъқиқловчи қонун қабул қилди. Мусулмон қизларнинг рўмол (хижоб) тақиб юриши мунозаранинг марказида бўлди. Аммо бу Сих ўғил болаларига ҳам тегишли эди – улардан салла киймасликлари талаб этилди. Бу диний белгилар атрофидаги келишмовчиликлар дунёвий жамиятда диний аҳолини бирлаштиришга ҳаракат қиляётган Франция ҳукумати учун жумбоқнинг марказига зарба бўлди. Қонун тарафдорлари фикрича, мактаблар бетараф муҳит бўлиши керак. Секюларизм (дунёвий), давлатчилик ва фуқаролик принциплари ўқитиладиган жой бўлиши керак. Бошқа тоифадагилар наздида, бу Францияда мусулмонларга ва арабларга қарши ҳиссиётни авж олдирди.

Учинчидан, ишларнинг мавжудлиги натижасида, халқаро мигрантлар глобал ва бошқа катта шаҳарларда тўпланди. Чунки улар ўзининг ҳудудидан келган одамлар ва черков, масжид ва жамоатчилик марказлари бор жойга интилади. Чунки бу ерда улар маҳаллий ташкилотлардан олиш кийин бўлиши мумкин бўлган ёрдамни олиши мумкин.

### **Шаҳарлардаги мигрантлар**

Париж ва Франциянинг бошқа катта шаҳарларининг атрофлари асосан Жазоир ва бошқа Шимолий африкалик аҳоли билан тўлиб кетган. Дунёдаги энг катта хароб маҳалла деб аталувчи Мумбайдаги Дхаравида тамил асосий тил ҳисобланади (бу ерда Хиндистоннинг жанубидан ва Шри Ланкадан келган мигрантлар бор). Бангкокда Бурмислик мигрантлар асосан Клөнг Тое ҳудудидаги харобаларда яшайди. Кўплаб фаластинликлар халигача Йорданиянинг Амман деган жойида жойлашган қочоқлар лагерида жуда ёмон шароитларда яшайди. Хилброу, Йоханнесбургнинг

скваттерлар (рухсатсиз равишда бўш уйларга кириб олиб яшовчилар) истикомат қиладиган жойидир, бу ерни асосан Нигерия ва Африканинг бошқа француз тилида гапирадиган қисмларидан келган иммигрантлар макон тутган. Сан Хосе де Коста Рикада норасмий тарзда жойлашиб олганлар асосан Никарагуадан келган одамлардир. Бенгалликлар, афгонлар ва бурмислар Покистоннинг Карачи шаҳридаги Балдия ва Оранжининг режалаштирилмаган ҳудудларида яшайди.

Мигрантлар янги транснационал ўхшашликни соддалаштирди. *Транснационализм одамлардаги миллий садоқатга потенциал (яширин равишда) путур етказгани сабабли, сиёсий муаммо сифатида қараланади.* Стив Вертовекнинг фикрича, транснационализм тубдан ўзгартирадиган яширин ижтимоий ва маданий таъсирларга эга. Биринчидан, транснационализм чегара билмайдиган янги ижтимоий тизимларни яратади. Иккинчидан, кўплаб мигрантлар иккита ёки кўп шахсни аниқловчи ҳужжатларга эга бўлгани сабабли, ўзликни англашнинг янги шакли билан боғлиқ. Учинчидан, транснационал мигрантлар маданий жихатдан кўпайиш йўллари билан таъминлайди. Улар янги, чатиштирилган маданиятларни яратиш учун ўз маданиятини янги шароитларда талқин қилади ва аралаштиради. Тўртинчидан, транснационал мигрантлар маблағнинг янги йўллари учун мақсаддир. Мисол тариқасида пул жўнатмаларини кўрсатиш мумкин. Бешинчидан, транснационал мигрантлар сиёсий аралашувнинг янги томонларини яратади. Айниқса, улар четдан туриб ўз мамлакатидаги сиёсатни ишга солади ва унга таъсир ўтказишади. Ниҳоят, транснационализм жойларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мигрантлар ўзи туғилиб ўсган жойини эслаб туриш учун, манзил жамиятларни ўзгартиради.

Транснационализм тушунчасининг танқидчилари ҳам бор. Баъзилар юқорида келтирилган жараёнларда ҳеч қандай янги нарса йўқ, дейишади. Баъзилар эса бу бўрттирилган ва ер юзининг кўпгина қисмларидаги мигрантларга нисбатан нотўғри, деб ҳисоблайди. Шундай бўлсада, ҳатто энг кучли танқидчилар ҳам, иммиграция манзил давлатларидаги ижтимоий, маданий ва шу билан бирга, иқтисодий ўзгаришларга таъсир қилиш учун глобаллашув билан кесишиши фикрига кўпилади. Бу ўзгаришларни эса қайтариб бўлмайди.



## 8-БОБ. ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ

Халқаро миграциянинг келажагини олдиндан айтиб бўлмайди. Маълумотлардаги мавхумлик мигрантлар ким ва уларнинг аниқ сони қанча эканини айтиш қийинлигини англатади. Миграция глобал иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг ажралмас қисмига айланиб қолди, унинг ўсиши қутилмаган ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Миграция ва қочоқлар тизими мигрантларнинг кириши ва уларнинг статуси учун муҳим аҳамиятга эга. Бунга мунтазам равишда ўзгариб турадиган маҳаллий сиёсий ҳолат таъсир қилиши мумкин. Миграция бўйича қонунлар ҳар доим ҳам қутилган натижани беравермайди. Миграциянинг иккинчи ва учинчи авлод учун тегишлилиги давлатлар ва гуруҳлар орасида фарқ қилади ва уни бир қолига солиб бўлмайди.

Аммо унинг ҳозирги тенденциялари, миграцион ҳаракат, жараён ва албатта ўзгарувчан миграцион қонунларни аниқлашнинг имкони бор. Чунки, булар кейинги бир неча ўн йилликда халқаро миграциянинг шаклланишига ҳисса қўшиши мумкин.

### ОСИЁ МИГРАЦИЯСИ

Халқаро экспертларнинг фикрича, Осиё миграцияси ҳажми ва динамикаси жиҳатдан ўзгаришда давом этади. Халқаро миграция яқин келажақда ҳажми ва турли-туманлиги жиҳатдан ўзгаради, ер шарининг ҳамма қисмига бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Халқаро мигрантлар орасида аёлларнинг нисбати ҳам ортади. Вақтинчалик ва айланма миграция ҳатто янада кўпроқ содир бўлади. Халқаро миграциянинг глобал иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш имкониятлари янада ортади. Масалан, юқори малакали мигрантларнинг кўпайиши билан; иммиграциянинг ижтимоий масалаларига гипер турли-туманлилик сингари ургу берилади. Бошқача қилиб айтганда, миграция содир бўлишда давом этаверади.

Якин келажакда миграция ҳеч қерда Осиёдагичалик содир бўлмаса керак. 1970 ва 1980-йилларда Осиёдан халқаро миграция шиддатли тарзда ўсди. Асосий манзил давлатлар Шимолий Америка, Австралия, ва нефть қазиб олувчи мамлакатлар бўлди. 2000 йилда АҚШда 7 миллиондан ортиқ осийлик мигрантлар бўлган, Хитой ҳар йили мигрантлар чиқадиган энг катта манба сифатида Мексикадан кейин иккинчи ўринда туради. Иктисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг ҳисобига кўра, Австралияда Осиёда туғилган аҳоли 1 миллиондан ортиқ ёки умумий иммигрант аҳолининг чорак қисмини ва умумий аҳоли сонининг 5 фоизини ташкил этади. Нефть қазиб олувчи мамлакатларда камида 5 миллион осийлик мигрант бор.

Миграциядаги асосий ўсиш Осиёнинг ичида содир бўлмоқда. 2000 йилда 6.2 миллион осийлик мамлакатдан ташқарида, аммо Осиё ҳудудининг ичида ишлаётгани аниқланган. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисобига кўра, иш топиш учун Осиё ичидаги миграция 1995 йилдан бери, 1997-1999 йиллардаги молиявий инкирозга қарамадан, ҳар йили тахминан 6 фоизга ортмоқда. Асосий манбалар ишчи кучи қерагидан ортиқ бўлган камбағал давлатлардир. Хитой ва Филиппин, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Покистон ва Шри Ланка каби давлатлар шунга қиради. Асосий манзиллар «йўлбарс» иктисоди (Осиёдаги тез иктисодий ўсишга эришаётган давлатлар) ёки Шарқий Осиёнинг янги саноатлашаётган мамлакатларидир. Улар Япония, Малайзия, Сингапур ва Тайланддир.

Халқаро миграцияда ўсиш учун имкониятлар катта. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда, иктисодий ўсишда секинлашишнинг ҳеч қандай белгиси йўқ, натижада, бу ҳудудлар янада кўпроқ мигрант ишчиларни ўзига жалб қиладиган кўринади. Хитой ҳозирги кунда дунёда учинчи ўриндаги энг катта савдо билан шугулланувчи давлат ва у Япониядан ўзиб кетди. Бу атиги 20 йил муддат ичида содир бўлди, айниқса, иккита ҳудудда, яъни Перл Ривер Делта ва Янгтзе Делта. Перл Ривер Делта аллақачон тахминан 2 миллион ишчи кучига муҳтож. Янгтзе Делта ҳудуди билан рақобат

килиш учун Перл Ривер Делта ишчиларни ғарбдан излаши мақсадга мувофик. Биринчи навбатда, Хитойнинг бошқа хуудларига, кейин Осиёнинг бошқа жойларига ва ҳатто Сахрон кабир атрофидаги Африка давлатларига. Хууд ичида иш билан таъминлаш худди талаб сингари тез ўсаётир. Ҳиндистон захирада катта миқдорда ишчи кучига эга. Бу эса кўчиш белгиларининг ортишини англатади. Филиппин ва Индонезиянинг аҳолиси ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда. Демак, булар ҳам ишчи кучи экспортига ўзининг келажакдаги иктисодий стратегиясидаги энг муҳим қисми сифатида қарамоқда.

Осиё миграцияси турли-тумандир. Бу кўп томонлама ўзгараётган динамикани бирлаштиради. Аёллар миграциясининг нисбати ортиб бормоқда. Чунки, хуудлардаги мигрантлар учун ишлар асосан уй ишлари, кўнгилчилик, меҳмонхона, кийим-кечак тайёрлаш, электрон йиғиш линияларидадир. Юқори малакали миграция ва талабалар миграциясида ҳам ўсиш бор, айниқса, Шимолий Америка томонга. Бошқа томонда эса, номунтазам мигрантлар, қочоқлар ва мамлакат ичида кўчирилган кишиларда ҳам бу нарса содир бўлмоқда. Вактинчалик миграция хууд ичида тартиб бўлиб қолмоқда. Бунда меҳнат миграциясининг асосий қисми шартнома асосида бўлади, чунки Осиё мамлакатлари мигрантларнинг доимий равишда жойлашиш фикрини рад этди.

Меҳнат миграциясининг ҳозирги босқичи дунё давлатларининг барчасига ҳос ҳолатда олдингиларидан ҳам кўлами, ҳам хусусиятлари, ҳам иштирокчиларнинг таркиби билан фарқланиб туради. Масалан, қайд этиш мумкинки, меҳнат миграцияси анча диверсификацияланган. Миграция оқимларининг йўналиши ўзгарган. Хусусан, Ўзбекистон фуқароларининг миграцияси узоқ хорижга ҳам (АҚШ, Европа, араб мамлакатлари, асосан БАА, Миср, Баҳрайн, Қувайт, Саудия Арабистони, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, асосан, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия), яқин хорижга ҳам амалга оширилади.

Бунда Россия Ўзбекистондан ташки миграция учун асосий векторлигича қолмоқда. Ўзбекистон ва Россия анъанавий, ўзаро ишончли ва муҳим ҳамкор бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар кўп асрлик тарихга эга ва ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб келмоқда ҳамда амалда барча мумкин йўналишларни қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва РФ лидерларининг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек-рус муносабатлари сўнгги йилларда стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатлари характерини касб этган. Олий даражада ўрнатилган мунтазам диалог мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч руҳидаги вазиятни шакллантирди, кўп қиррали давлатлараро муносабатларни ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини берди. Экспертлар иккала мамлакат учун дўстона, барқарор муносабатларнинг муҳим аҳамият касб этганини эътироф этмоқда<sup>4</sup>.

Сир эмаски, Ўзбекистон аҳолиси ҳозирги кунда ҳам тинимсиз ўсиб бормоқда. Хорижий тадқиқотчилар тахминига кўра, 2050 йилга бориб бу рақам 32 миллиондан 51 миллионгача кишини ташкил этиши мумкин. Иқтисодий тадқиқотлар Маркази экспертларининг прогнозлари бўйича эса Ўзбекистон аҳолиси 2025 йилда 33 миллион ва 2050 йили 44 миллион кишини ташкил этади<sup>5</sup>.

Ўзбекистон меҳнат ресурсларини экспортёри сифатида миграция сиёсатининг асосий йўналишларини фаол ривожлатириб келмоқда. Давлатнинг меҳнат миграциясига оид бугунги сиёсати, биринчи навбатда, мамлакат ичидаги ишсизлик билан курашга қаратилган ва фуқароларни, авваламбор, ёшларни ишга жойлаштиришга эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябридаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг

<sup>4</sup> Сеитов А.П. Основные принципы интеграционной политики Республики Узбекистан. Авторефер.дисс. ... канд.соц.наук. Ташкент: 2013. – С. 18.

<sup>5</sup> М.Джангиров. Процессы урбанизации в Узбекистане. // <http://www.anons.uz/article/articles/5188/>

чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Агентлик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтакавий бюролар зиммасига юклатилган.

Қамров доирасини кенгайтириш мақсадида улар Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши шаҳарларида фаолият олиб боради. Бунда мамлакат фуқаролари, қонунчиликка мувофиқ, ҳукуматлараро, муассасалараро шартномалар ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қелишувлари асосида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун чет элларга чиқиш ҳуқуқига эга.

Юқорида тилга олинган қарор доирасида фуқаролар агентлик томонидан бериладиган руҳсатнома асосида хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чет элларга чиқиш ҳуқуқига эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида бандликни ҳал этиш тизими бўйича – эркин ёллаш йўли билан Корея Республикасига ишчиларни жўнатиш тўғрисидаги Меморандум имзоланган. Мазкур давлатга ишлаш учун бориш олдидан Ўзбекистон фуқаролари Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда чет элларга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказида таълим берилади. Бу ерда улар борадиган мамлакатадаги қонунчилик асослари, анъана ва хатти-ҳаракат меъёрлари ҳақида маълумот олишади; борадиган давлатларининг тилини мулоқот қилиш ва меҳнат фаолиятини олиб бориш учун старли даражада ўрганишади, шартнома асосида кейинчалик ишлайдиган корхонадаги хавфсизлик

техникаси ва меҳнат муҳофазаси қоидалари билан танишишади; хорижлик иш берувчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда комплекс тиббий кўриқдан ўтишади. Бунда Ўзбекистонлик меҳнат мигранти мазкур давлатга боргандан кейин ҳаёти ва соғлигини сугурталаш, шунингдек, бошқа турдаги сугурталаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу билан бирга, меморандумга мувофиқ, ҳар бир иш берувчи Ўзбекистонлик меҳнат мигранти билан меҳнат шартномасини тузади. Мазкур шартномада меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ижтимоий ва меҳнат кафолатлари, шу жумладан, тиббий сугурта қайд этилади. Шартнома, шунингдек, меҳнат ва янаш шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, хусусан, Ўзбекистон фуқаросининг борган мамлакатда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги Жанубий Кореяда оладиган маошини тартибга солади.

Ўзбекистон томонидан чет элларда ишлаётган ўз фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича доимий равишда иш олиб борилади. Хусусан, Корея Республикаси бўйича барча юзага келадиган масалалар Меҳнат вазирлигига, бу мамлакатнинг инсон ресурсларини ривожлантириш хизматига, Ўзбекистондаги Корея Республикаси элчихонасига ёки Корея Республикасидаги Ўзбекистон элчихонасига мурожаат этиш орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ҳамда 1998 йил 29 январдаги 402 рақамли Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби бўйича Йўриқноманинг 2.17-1 бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат дафтарчаларига чет эллардаги меҳнат фаолияти (шартнома асосида) тўғрисидаги қайдлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликнинг тегишли

маълумотлари асосида, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Нафақа жамғармасига суғурта тўловлари амалга оширилгандан сўнг (маълумотнома тақдим этилгандан кейин) киритилади (агар халқаро битимларда бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса).

Бироқ ижобий эффект билан бир қаторда, меҳнат миграцияси кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Сўз биринчи навбатда халқаро нолегал меҳнат миграцияси ҳақида бормоқда. Авваламбор, булар қаторига паст меҳнат ҳақи тўлланиши, малака талаб этмаслиги, иш жойининг узоклиги билан характерланадиган бандлик соҳалари киради.

Ташқи миграция жараёнларига асосан эркаклар жалб этилган, амалда фақат етти мигрантдан биттаси – аёл.

Ёши жиҳатидан кўпчилик мигрантлар - 36 ёшдан катта бўлмаган одамлар ва уларнинг аксарияти - эркаклар. Ўзбекистондан миграция оқимини асосан ёшлар ташкил этади, бу, хусусан, уларнинг кўпчилиги ўрта ва ўрта махсус маълумотга эгаллигида намоён бўлади<sup>6</sup>. Бошқа мамлакатларда ишлаш учун кетаётган респондентлар ичида олий маълумотга эга бўлганлар жами мигрантларнинг тахминан саккиздан бирини ташкил этади.

## ИЧКИ МИГРАЦИЯ

Жуда кам давлатлар ички мигрантлари ҳисобини олади. Аслида, ички мигрантлар бир қатор сабабларга кўра кўчади. Уларни баъзан халқаро мигрантлардан ажратиш қийин кечади. Айниқса, чегаралар ўзгарса, ноаниқ бўлса ёки заифлашиб қолган бўлса, бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Ер юзидаги 200 миллион халқаро мигрантга қиёслаганда биргина Хитойнинг ўзида 140 миллион ички мигрант бор.

---

<sup>6</sup> Россия социологлари ҳам худди шундай фикрни билдиришади. Масалан, улар 2013 йили ўтказган сўров маълумотларига кўра аксарият ўзбек мигрантлари (94,2%) касбий маълумотга эга. (<http://www.rosbalt.ru/moscow/2013/03/28/1111201.html>).

Бундан ташқари, ички миграция халқаро миграцияга қараганда янада тезроқ даражада ўсиши кутилмоқда. Кейинги 20 йил ичида яна 300 миллион хитойлик мамлакат ичида кўчиши тахмин қилинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, биргина Хитойнинг ўзидаги ички мигрантларнинг сони уч мартага кўпаяди.

Демак, ички миграцияга олдингига қараганда кўпроқ эътибор қаратилиши лозим. Ички миграция бўлғуси халқаро миграциянинг шаклланишида муҳим омилдир. Чунки, қишлоқлардан шаҳарларга кўчган одамлар, кейинчалик, мамлакат ташқарисига кўчишда давом этади. Бинобарин, ички миграция ўзини ўзи танлайди, жамият ичида ишибилармонликни кучайтиради. Бу одамлар, ўз навбатида, чегарадан ўтиб, бошқа мамалакатга кўчиш учун таваккал қилади. Шунингдек, улар миграцияни бир марта синаб кўрди; шаҳарга кўчиш натижасида кўпроқ таълим ва маълумот олди ва шу билан бирга, кўпроқ даромад ва транспорт воситалари орасида танлаш пайдо бўлди. Ички миграция айниқса аёллар учун эркинликдир. Зеро, шаҳарлар қишлоқларга қараганда унчалик консерватив ва патриархал эмас, аёлларнинг яхшироқ маълумот олиши, ишга кириши ва мустақилроқ бўлишига кўпроқ имконият яратади. Масаланинг бошқа томони ҳам борки, *аёллар миграцияси улар мансуб халқларнинг ментал хусусиятлари, қадриятлари, урф-одатларига жиддий зарба беради. Аёллар ҳукмронлигига йўл очади. Натижада, жамиятларнинг ўзига хос бўлган ментал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган оилавий турмуш тарзини издан чиқаради.*

Ички миграция ривожланишга ҳам улуш қўшади. Охириги йилларда Хитой ялпи миллий маҳсулотининг ўсишига ҳар йили 16 фоиз ҳисса қўшган. Ички миграция маълум ҳудудларда ишсизликдан қутулиш ва бошқа ҳудудлардаги бўш иш ўринларини тўлдиришнинг бир йўлидир. Ички мигрантлар уйларига сезиларли даражада пул жўнатмалари ҳам юборади. Хитойда ички мигрантлар уйига йилига 30 миллиард миқдорда пул жўнатади. Унинг асосий ҳиссаси ички мигрантлар улушига тўғри келади. Уларнинг пул жўнатмалари Хитойдаги



шаҳардагилар ва қишлоқдагиларнинг даромадидаги фарқни қисқартирди, мулкдаги ҳудудий тенгсизликни пасайтирди, камбағалликни камайтирди, таълим ва соғлиқни сақлаш учун тўлашга, истеъмол ва инвестицияни қўллаб-қувватлашга ёрдам берди.

## ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МИГРАЦИЯ

Глобал иқтисодийдаги тизимга оид тенгсизликлар яқин келажакда ҳам сақланиб қолиши ва миграцияга сабаб бўлишда давом этиши кутилмоқда. Бу жараёнга коммуникация ва транспорт соҳасидаги янги туб ўзгаришлар, миграция тармоқларининг кўпайиши ва миграция саноати ёрдам беради. Миграция ва глобаллашув, шу тариқа, бир-бирдан ажралмаган ҳолда давом этади.

Шу билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардаги ўзгаришлар, яъни молиявий секторнинг ўсиши ва шунга алоқадор хизматлар, саноатда ва хизматларда технологияларга суяниш, демографик танқислик туфайли врачларга ва ҳамшираларга ортиб бораётган талаб, таълим ва изланишнинг муҳимлиги, рақобатбардошлиқни ушлаб туриш учун ривожланиш юқори малакали профессионаллارни ўзига тортишда алоҳида рағбатлантириш тизими вужудга келиши кутилмоқда. Бой давлатлар «иктидорлар учун кураш»га кирмоқда. Бу эса келажакда миграцияга оид қонунларни шакллантиради. Пит Ходсон ўзининг иккинчи китобида шундай ёзади: «Биз бундан кейин иммиграция дарвозани ушлаб туриш воситаси деб ҳисобламаймиз, балки у иқтисодий ўсиш учун зарур иқтидорларни ўзига жалб қилишдир». Бу эса мигрантларни етказиб бераётган давлатлар учун иқтидорларни йўқотиш хавфига айланиши мумкин.

АҚШ XX асрдаги сингари дунёнинг энг зўр ишчиларини, талабаларини ўзига жалб қилишда давом эта олмайди. Охириги бир неча йилларда Франция, Германия, Голландия ва Буюк Британия ҳукуматлари юқори малакали ишчиларга ўзларининг мамлакатларига киришни осонлаштириш заруратини англаб

етди ва шунга кўра конунларини мослаштирди. Европа Иттифоқи hozирда юкори малакали ишчилар учун «иш изловчига рухсат» масаласини кўриб чикмоқда. 2001 йилдан буён, Австралия хорижий талабалардан ўз уйига қайтишни талаб килишдан кўра, уларнинг меҳнат бозорига осонроқ кириб боришига имконият яратмоқда. Ортиб бораётган ракобатга қисман жавоб тарикасида, АҚШ Сенати 2005 йилда Н1В визаларининг йиллик улушини 65 мингдан 95 мингтага оширишга овоз берди ва бу кейинги бир неча йилларда янада ошади.

Охирги йилларда Германия ишсизлик даражасининг доимий юкорилиги сабабли, малакали ишчиларни ёллашга қарши самарали кадам кўйди. 2005 йилда Австралия, Янги Зеландия ва Канада Германиядан малакали мигрантларни фаол равишда излади. Аммо тармоқ саноатлашган мамлакатлардан ҳам ташқарига, айникса, Хитой, Ҳиндистон ва Шаркий Осиёга чикиб кетмоқда. Австралия ва Янги Зеландия ҳам малакали хорижий ишчиларга кўшимча равишда ўзининг иктидорли кадрларини қайтариб олиш мақсадида ёллаш дастурларига эга.

Шунга алоқадор тенденция хорижий талабаларга бўлган ракобатнинг ўсишидир. Чунки кўпгина мамлакатларда хорижий талабалар ўқиш учун ўша мамлакат фуқароларига караганда кўпроқ пул тўлайди, уларни ёллаш эса университет учун яхши инвестициядир. Аммо бугунги хорижий талабалар эртанги куннинг малакали иммигрантларидир. Иктисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг 2005 йилдаги хисоботида кўра, Австралия, Франция, Германия, Буюк Британия ва АҚШ Иктисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотига аъзо мамлакатларидаги хорижий талабаларнинг 70 фоизини қабул қилади. Биргина АҚШнинг ўзи 2004 йилда 565 минг хорижий талабани қабул қилган ва уларнинг ярмидан кўпи Осиёдан келган. Шунга карамасдан, охирги йилларда АҚШнинг улуши пасайиб кетди. Бу асосан 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейинги виза сиёсатидаги ўзгаришлар туфайли содир бўлди ва табиийки, баъзи давлатлардан келаётган талабаларнинг мамлакат худудига киришини қийинлаштириб қўйди. Шу билан

бирга, ер юзи бўйича хорижий талабалар чиқадиغان энг асосий манба мамлакатлар – Хитой ва Ҳиндистондан келадиغان талабаларнинг окими, уларнинг ўзларидаги университетлардаги сифатнинг яхшиланиши туфайли унчалик маълум эмас. Бу рақобат келгуси йилларда АҚШ ва Европанинг талабаларни қабул қилиш қоидаларига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

## ВАҚТИНЧАЛИК МИГРАЦИЯ

Келажакда пул жўнатмалари ҳам, тесқари миграция ҳам ўсиши кутилмоқда. Бу ақл миграциясига қарши қаратилган энг яхши узок муддатли жавоб бўлиши мумкин. Чунки, ер юзидаги кўплаб мамлакатлар ўзининг вақтинчалик миграция дастурларини киритмоқда. Бунинг мақсади мигрант ишчиларни кейин ўз уйига қайтиш шартига келишган ҳолда, вақтинчалик маълум муддатга қабул қилишдир. Бу юқори малакачиларга ҳам, паст малакачиларга ҳам бирдек тааллуқли.

1990-йилларда Германия жуда кўплаб вақтинчалик мигрантларни қабул қилган ва ҳар йили улар чорак миллион ва ундан кўпроқ миқдорда келишда давом этган. Бугунги кунда энг кўп мигрант АҚШга киради. Вақтинчалик ишчиларнинг бу давлатга кириши 1990-йиллардан бери 4 бараварга ортди. Бу йилига ярим миллионни ташкил этади. Саноати ривожланган мамлакатлардан Япония 3-ўринда туради. Бу ерга йилига 200 мингга мигрант кириши тасдиқланган. Умумий рақамлар анча кам бўлишига қарамадан, вақтинчалик ишчиларнинг бошқа ривожланган давлатларга киришида ҳам ўсиш бўлди, айниқса, Европада. Чунки, Европада уларни жалб қилиш учун янги қонун-қоидалар жорий этилди.

Вақтинчалик хорижий ишчи кучини жалб этиш учун муқобил йўл, номунтазам мигрантларни тартибга солиб олиш ва уларга чекланган муддатга қонуний йўл билан ишлашга руҳсат беришдир. Бу 2005 йилда Испаниянинг 700 минг номунтазам мигрантларни тартибга олишида

ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Эътиборлиси, уларнинг бирортасига ҳам қонуний доимий яшаш ҳуқуқи берилмайди.

Иммиграцияни ислоҳ қилиш бўйича лойиҳалардан бири 2005 йилда АҚШ Конгрессига киритилди. Бу Корнин-Кил қонуни бўлиб, унга кўра, номунтазам мигрант аввал ўз уйига қайтиши керак эди. Аммо бу ҳам АҚШда доимий жойлашишга руҳсат бермасди. Индонезия, Бангладеш ва Филиппиндан минглаб ишчиларни ўзига тортадиган Малайзия ҳам ўзининг номунтазам мигрант аҳолисини қонунийлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу вақтинчалик ишчиларга тегишли. 2004 йилда ҳукумат номунтазам мигрантларга йилнинг охиригача мамлакатни жаримасиз тарқ этиши мумкинлигини ва ўз вақтида чиқиб кетганларга қонуний йўл билан ишлаш учун қайтиб келишига ижозат берилишини эълон қилди. Чиқиб кетиш учун охириги муддат Индонезиядаги цунами сабабли 2005 йилга сурилди.

Манзил мамлакатларда вақтинчалик миграция меҳнат бозоридаги бўшлиқни маълум муддатга тўлдириши мумкин. У яна ижтимоий интеграциянинг узок муддатли масалаларидан қочишга имкон беради, яъни қабул қилувчи жамиятдаги аҳолининг иммигрантларга нисбатан салбий муносабатлари ва реакцияси кабилардандир. Мигрантлар чиқадиган мамлакатлар учун эса, вақтинчалик миграция маҳаллий ишсизликни қисқартиради ва пул жўнатмалари орқали молиявий қиримга ҳисса қўшади. Мигрантлар маълум муддатдан кейин қайтгач, ақл миграциясининг узок муддатли салбий таъсиридан қочиш мумкин ва аксинча, мигрантлар янги қўшимча малакалар билан қайтгандан кейин ақлни ўзлаштириш бўлади. Вақтинчалик миграция дастурлари ҳақида иккита асосий бўлиниш бор. Биттаси шуки, булар (дастурлар) ҳар доим ҳам мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмайди.

Доимий мигрантлар тўлиқ интеграция ва унинг фойдаларига нисбатан ҳуқуққа эга. Вақтинчалик мигрантлар эса уларнинг қайтишини кафолатлаш мақсадида улар жамиятнинг асосий оқимидан ажратиб қўйилади.

«Мехмон ишчилар» киска муддатга келиб, кейин доимий қолиб кетгани ҳоллари ҳам кузатишган. Бу Франция, Бельгия ва айниқса, Германияда кўп содир бўлган. Швециялик романнавис Макс Фришч шундай ёзади: «Биз ишчиларни сўрадик ва одамларни олдик». Бошқача сўз билан айтганда, одамлар яхши даромад тошгач, уй тошгач, ижтимоий тармоқларни ривожлантиради, қисқача қилиб айтганда, одамлар ўзини уйидагидай хис қила бошлагач, қайтиши керак бўлган вақтда қайтишни хохламай қолади.

## **НОМУНТАЗАМ МИГРАЦИЯНИ КУЗАТИШДАН БОШҚАРИШГА ЎТИШ**

Миграция ўзи таъсир қилган жой учун жиддий муаммо. Номунтазам миграцияга қарши туриш учун ҳаракатлар ер юзи бўйлаб миграция сиёсати кун тартибиде муҳим масала бўлиб қолаверади. Шу боис, «номунтазам миграцияни назорат қилиш» ибораси «номунтазам миграцияни бошқариш»га алмашди.

Биргина 2002 йилда Канада, Германия, Голландия, Буюк Британия ва АҚШ биргаликда номунтазам миграция масаласига жавоб беришга ҳаракат қилиб, 17 миллиард АҚШ доллари миқдориде пул сарфлаган. Шу билан бирга, номунтазам миграцияни батамом тўхтатиб бўлмайди, деган фикр ҳам кучайиб бормоқда. Бу халқаро миграция келажигининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Чунки, айрим ҳудудлар учун номунтазам миграция фойдали. Шу туфайли бу ердаги ишсизликка барҳам берилади, четдан инвестиция ва пул жўнатмалари кўпаяди. Ҳатто манзил давлатларда ҳам номунтазам миграция иқтисодий истиқбол маъносиде ижобий. Дерегуляция (давлатнинг бизнесга аралашувининг камайиши), либерализация ва мослашувчанлик натижасиде ёмон шароитларда ишлаш учун малакасиз ва ярим малакали ишчи кучининг турли шакллариға талаб ортиб бормоқда.

Шунингдек, номунтазам миграцияни қисқартиришға қаратилган қонунлар баъзан самара бермайди ва ҳатто

кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўп олимлар Европадаги бошпана сўровчиларга қарши чекловлар ортисининг оқибатларидан бири мигрант савдосининг ўсишини кучайтириб юборганидир, деб ҳисоблайди. Гап шундаки, одамлар Европага келишни истайди, баъзилари таъқибдан қочиб, бошқалари эса иш истагида. Агар улар буни қонуний йўл билан бошпана сўраб, ариза бериш орқали қила олмаса, ноқонуний тарзда мигрантлар савдоси билан шуғулланувчининг хизматидан фойдаланади.

Шу нарса аниқ бўлдики, чегара тўсиқлари, биометрик текширув ва визалар каби назорат қилиш ўлчамлари узок муддатгача номунтазам миграцияни қисқартира олмайдиган кўринади. Булар бошқа фаолроқ номунтазам миграциянинг сабабларига мурожаат этадиган чоралар билан бирлаштирилиши керак, яъни мигрантлар келиб чиқадиган мамлакатларда яшаш шароитларини яхшилаш ва хавфсизликни кучайтириш учун ривожлантириш мақсадларига эришишни, қонуний йўл билан кўчиш имкониятларини кенгайтиришни ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда, мамлакатлардан назоратни бутунлай олиб ташлашни, чегараларни очишни кутиш бу ҳақиқатдан умуман узок. Баъзи шарҳловчилар номунтазам миграция яқин келажакда ҳам давом этишини тан олишмоқда.

## **ИЧКИ СИЛЖИШ**

2005 йил ҳолатида ер юзи бўйича қочоқлар ва бошпана кидирувчилар сони сезиларли даражада қисқарди. Қочоқларнинг сони охириги 25 йил ичида энг паст кўрсаткичга тушди, Европадаги бошпана сўраб, ариза берувчиларнинг сони 15 йил олдингининг ярмига тенг бўлган бўлса, 2015 йилга келиб Араб давлатларидаги низолар сабабли, қочоқлар ва бошпана сўровчилар сони кундан-кунга ортиб, нафақат Европа балки дунёнинг бошқа қўлаб мамлакатлари учун муаммо бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатлар ичидаги кўчишлар сони ҳам тез суръатда ортиб бормоқда.

Маълумотларга караганда, дунё бўйича 24 миллион одам низо сабабли мамлакат ичида кўчган. Бошқа кўплаб миллионлари эса атроф-мухитдаги омиллар туфайли кўчишга мажбур бўлган. Булар орасида 2004 йил охиридаги Осиёдаги цунами, бу айниқса, Шри Ланка ва Индонезиянинг қисмларига зарар етказди, 2005 йилнинг августидagi Катрина туфони АҚШнинг жанубий қирғоқларини вайрон қилди, 2005 йилнинг октябрь ойида Шимолий Покистондаги zilzilalar миллионлаб одамларни кўчишга мажбур қилди. Яна кўплаб миллион одамлар ривожлантириш лойиҳалари, яъни дамбалар қурилиши ва янги шаҳарларнинг қурилиши туфайли жойларидан кўчганлар.

Охирги йилларда халқаро ҳамжамият бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашини истагини намоён қилди. Бу инсонларварлик ёрдамини кўрсатиш, ўзгаришларни киритиш кабиларда кўринади. Сиёсий арбобларнинг айтишича, суверенлик тушунчаси ҳам ўзгармоқда, кўплаб давлатлар суверенлик нафақат ҳуқуқларни, балки фуқароларни ҳимоя қилиш учун жавобгарликни ҳам англатишини англаб етмоқда. Шунга қодир бўлмаган давлат халқаро ҳамжамиятдан ёрдам сўраши керак.

Шу сабабларга кўра, халқаро қочоқлар тизими мамлакат ичида кўчганларни киритишни бошламоқда. БМТнинг бир нечта агентликлари, шу жумладан, БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича юқори комиссариати ҳам мамлакат ичида кўчганларга нисбатан расмий равишда ўз фаолиятини кенгайтирмоқда.

9 миллион қочоқ учун БМТнинг агентлиги мавжуд бўла туриб, 24 миллионли мамлакат ичида кўчганлар учун махсус агентликнинг йўқлиги кўпчилик эътирозига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса, ички мигрантлар шу давлатнинг фуқароларидир. Шунинг учун улар ички равишда кўчмаган бошқа қамабағал одамлардан устун қўйилмаслиги керак.

Кўп миллионли мамлакат ичида кўчганларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш – оғир масала. Ечим нима бўлишидан

қатъи назар, мамлакат ичида кўчганлар БМТ ва бошқа инсонпарварлик ташкилотларининг кун тартибида кўтарилиб бормоқда ва яқин йилларда сезиларли даражада ортмоқда.

Алохида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси мамлакат ичкарасида ҳам (ички миграция) (масалан, пиёз, шולי ва шу қабиларни экиш учун мамлакат жанубий ҳудудларига кўчиш), ундан ташқарига чиқиш кўринишида ҳам (масалан, мустақилликка қадар собик Иттифоқнинг бошқа республикаларига) доим бўлган<sup>7</sup>. Кейинги кўринишдаги миграция уюшган тартибда (мамлакатнинг ноқоратупроқ деб ном олган ҳудудларига меҳнат вахталари, чакирик билан БАМ сингари янги қурилишларга, ишчиларни сафарбар этиш ва ҳ.к.) ҳам, уюлмаган шаклларда ҳам (асосан, сабзовот-мева маҳсулотлари билан савдо қилиш) ҳам содир бўлган. Чекланган миқдорда хорижий меҳнат миграцияси (масалан, Африканинг ривожланаётган давлатларига) ҳам бўлган ва бунда четга олиб чиқиш ташаббусқори ходим эмас, бошқарув органлари ёки ишлаб чиқариш тузилмалари воситачилигида давлатнинг ўзи бўлган. Бундай миграцияда Ўзбекистондан малакали геологлар, сув хўжалиги мутахассислари (ирригаторлар, мелиораторлар ва ҳ.к.), врачлар, қурувчилар иштирок этган.

Бугунги кундаги инсоният тараққиёти босқичи глобал индустриалашуш ва саноат марказлари ва шаҳарларнинг жадал ривожланиши билан белгиланади. Саноатлашув, ўз навбатида, инсон хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамрам олиб, ишчи қучига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж нафақат шаҳар аҳолиси ҳисобига, балки қишлоқ аҳолисининг миграцияси ҳисобига ҳам қондирилмоқда, бу эса шаҳар аҳолиси улушининг ошиб боришига таъсир ўтказмоқда.

Бундай жараёнлар аслида ҳар бир давлатда содир бўлмоқда ва улар бутун жаҳиятдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятга

---

<sup>7</sup> Хусния Мурадова. Управление миграцией. // Электронный ресурс. / [blog.review.uz/makroekonomika/upravlenie-migratsiej/](http://blog.review.uz/makroekonomika/upravlenie-migratsiej/)



жиддий таъсир ўтказди. Бошқа сўзлар билан айтганда, иқтисодиёт ривожланиши билан шаҳарларнинг sanoat марказлари сифатидаги роли ошиб бормоқда, яъни табиий урбанизация жараёнлари кечмоқда. Бу жараёнларда Ўзбекистон ҳам истисно эмас.

2025 йилга келиб, айрим ҳисоб-китобларга караганда, экинзор майдонларининг ҳозирги ҳажми сақланган ҳолда ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг сони 3 миллион кишидан 2 миллион кишигача камаяди. Яъни қишлоқ ҳудудларидаги ишчи кучлари сонининг ўсиши жараёни давом этади<sup>8</sup>.

Бундай шароитда ортиқча ишчи кучи иш излаб sanoat корхоналари бўлган шаҳарларга интила бошлайди, ҳам малакали, ҳам малакасиз ишчиларга эҳтиёжи бўлган қурилиш ишларига жалб этилади ёки ташқи миграция жараёнларига тортлади.

Ўзбекистонда бу масаланинг ўткирлигини тушунган ҳолда унинг ечимини излаш давлат даражасига кўтарилган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳар йили мамлакат Парламенти тасдиқлайдиган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилади.

Хусусан, 2014 йил учун Дастур ҳудуд ва иқтисодиёт соҳалари имкониятларини ишга солиш, демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликнинг самарадор шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган эди.

Дастурда йирик sanoat объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал

---

<sup>8</sup> М.Джангиров. Процессы урбанизации в Узбекистане. // <http://www.anons.uz/article/articles/5188/>

ривожлантириш дастурларини, кишлоқ хуудларида индивидуал турар жойларни куришни ва пудрат курилиш ишларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, фермер хўжаликларини янада риволантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, аҳолини инфротузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш ва ободончилик ишларига жалб этиш, яратилаётган иш ўринларининг сакланиши ва барқарор ишлашини таъминлаш, аёллар, ногиронлар ва ижтимоий кўмакка мухтож бўлган аҳолининг бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хунармандчиликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, касаначиликни кенгайтириш ва бошқа ишларни амалга ошириш ҳисобига иш ўринларини яратиш назарда тутилган.

Дастурни амалга ошириш доирасида таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. 2014 йилда Дастурда белгиланган режага мувофиқ яратиладиган иш ўринлари, шунингдек, мавжуд ва захира қилиб қўйилган иш ўринларига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўзда тутилган<sup>9</sup>.

## **МИГРАНТЛАРНИНГ КАМСИТИЛИШИ**

Миграциянинг ҳажми ва турли-туманлиги ортиб бориши билан, улар янги глобал иқтисодий ҳақиқатга, янги хавфсизлик доктринасига ва фундаментал демографик ўзгаришларга мослаша борар экан, жамиятлар шубҳасиз интеграциянинг даъватлари билан курашишда давом этади.

Вашингтонда жойлашган Миграция сиёсати институти томонидан олиб борилган 2005 йилнинг энг катта 10та миграцион масаласи бўйича кузатувида биринчи рақамли масала Европадаги мусулмонларни бирлаштириш бўлди. 2005 йилда содир бўлган Лондондаги портлашлар, Голландияда кинорежиссер Тео ванн Гохнинг ўлими учун мароккалик

<sup>9</sup> <http://news.mail.ru/inworld/uzbekistan/society/16085936/>

мигрантнинг иккинчи авлодига умрбод камок жазоси берилиши, Париж ва Франциянинг бошка катта шаҳарларидаги иммигрантлар яшайдиган худудлардаги икки ҳафтали кўзғолон бу интеграциянинг бугунги кунда сиёсий кун тартибларнинг энг юқорисига чиқканини кўрсатади.

*Мигрантлар кўпинча суд тизимида дискриминациядан жабр кўради. Уларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳуқуқлари чекланган; фуқаролик иштирокидан маҳрум этилади; ҳақорат, ирқий ва диний кўролмаслик ва зўравонликдан ҳам жабр кўради.*

Аёллар муҳим муаммоларга дуч келади. Албатта баъзилари жуда омадли ва миграция уларга куч бериши мумкин. Аммо турмуш куриш учун кўчган аёллар; уй ишларини бажарадиганлар ёки кўнгилочиш бизнесида ва тана савдоси саноатидаги аёллар эксплуатацияга кўпроқ дучор бўладилар. *Мигрант аёллар кўплаб мамлакатларнинг меҳнат бозорида дискриминацияни бошидан ўтказади.* Агар улар хомилдор бўлиб қолса ёки ижтимоий тамға босилса, яъни ОИТС билан касалланганлар билан алоқа қилса, ишдан бўшатилади ёки депортация қилинади. *Мигрант аёллар эркакларга қараганда кўпроқ уйда қолади, бу эса уларнинг янги жамиятга мослашиши, киришиб кетиши учун зарур бўлган тил маҳоратини ривожлантиришни қийинлаштиради.*

Болалар ҳам муҳим эътибор талаб қилади. Улар ўзига таниш ҳаёт йўли ортда қолгани, тили ва маданияти мутлақо бегона жамиятга тушиб қолганидан катталарга қараганда кўпроқ жабр чекади. *Миграция уйдагилар орасида жинсий ва авлодлар танглигини келтириб чиқариши мумкин.* Бу эса, ўз навбатида, оиладаги ёш аъзоларнинг фаровонлигига тўғридан-тўғри таъсир қилиши мумкин. Энг ёмон ҳолатлар сифатида айниқса кизлар ва ёш аёлларга нисбатан зўравонлик ва ҳақоратловчи муносабатга олиб келиши мумкинлиги эътироф этилади.

Демак, мигрант ким???

У:

- *Ўз юртидан ихтиёрий ёки зайтихтиёрий айрилган ватангадо.* Уларнинг аксарияти ватанига қайтишга зор. Аммо бунинг имкони йўк.

- *Барча ҳуқуқларидан айрилган «кул».* Улар гарчи кул деб юритилмаса-да, аммо бажараётган ишлари, яшаш шароити шунга далолат қилади. Аксар мигрантлар сайлаш ҳуқуқидан бебахра, соғлиқни сақлаш тизимида уларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам коникарсиз, улар талаб даражасидаги таълимга эга бўла олмайди...

- *Мажбурий аскар – қотил.* Бинобарин, айрим мамлакатларда алдов йўли билан олиб келинган инсонлар муайян кучларнинг манфаатлари йўлидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга мажбур этилаётир.

- *Ажратилган оилалар.* Миграция натижасида кўплай оилалар пароканда. Чунки ота ўзга юртда бўлса, оиласи ватанида қолган бўлади. Айрилиқ ойлар, баъзан эса йиллар чўзилиши мумкин. Бунинг натижасида айрим оилалар ҳаётига шубҳа аралашиб, уларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

- *Арзон сотилган ишчи кучи.* Бундай инсонлар манзил давлатлар иқтисодининг ўсишига сабаб бўлмоқда, солиқларни ўзга юртлар ғазнасига тўламоқда. Умрининг энг сермахсул қисми – 25дан 40 ёшгача бўлган даврини бошқа давлатлар тараққиёти йўлида сарф этмоқда. Аммо кексайганда ватанига пенсия олиш мақсадида қайтмоқда. Кўриниб турганидек, бу ҳол табиий равишда нафақат шу оиланинг, балки унинг ватани таназзулига ҳам хизмат қилиши муқаррар.

- *Илмидан ҳалқи, юртига манфаат етмаган олим.* Бугунги кунда дунёда бу тоифа инсонлар сони тобора ортиб бормоқда. Улар «ким кўп ҳақ тўласа, ўшанга хизмат қиламан» қабилида ҳаёт кечиришга мойил инсонлардир. Бундай «олимлар» қалбида ватанига садоқат, ҳалқига муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлаш зарур. Акс ҳолда, инсонларда моддий манфаатдорлик бирламчи омилга айланиб, маънавий инқироз вужудга келади...

## ХУЛОСА

Миграцион сиёсатнинг конкрет йўналиши ёки унинг ўз яхлит тизими бўлиши мумкин эмас. Агар у яхлит тизим сифатида шаклланадиган бўлса, бу “мигрант” эмас, “халқаро алоқалар” ёки “халқаро муносабатлар” тизими бўлиб маълум бир инсон эмас, балки инсоният фаровонлигига хизмат қилади. Бу эса, фақат манфаатларини ўйлаб очикдан-очик ҳукмронлик сиёсатини амалга ошираётган айрим давлатлар учун фойда ўчоғидан айрилиш бўлади.

Бугунги кундаги мигрант ўз манфаати, ҳаёт ҳамда бошқарувнинг турли соҳаларида ўз мақсадларига эга бўлган, аҳолиси билан алмашинаётган давлатларни бирлаштирувчи серкирра жараённинг иштирокчиси ҳисобланаётган мигрантларнинг аксарият ҳоллардаги аянчли аҳволи билан боғлиқ зиддиятли вазиятларни ҳал этиш масаласи кун тартибига қўйилмаган ва қўйилиши назарда тутилмаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундан буён ҳам мигрантлар масаласи муаммолигича қолаверади.

Маълумки, миграцион жараёнларнинг энг катта муаммоларидан бири мигрантларнинг янги яшаш ва ишлаш жойига мослашиши билан боғлиқ. Меҳнат мигрантлари иш жойига бориш ва у ерда дастлабки жойлашши пайтида бу муаммо ҳақида ўйламайдилар, дастлабки пайтда вужудга келадиган масалаларни ҳал этиш зарур деб ҳисобламайдилар. Манзил давлатлар бундан манфаатдор бўлсаларда, мазкур масалага ҳеч қачон алоҳида эътибор қаратмайдилар.

Умуман олганда, давлатнинг чет эллардаги ўз фуқароларига оид сиёсати замонавий миграция сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиши керакки (Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган тўғри сиёсат матнда ёритилган), унинг аҳамияти давлат ривожининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари тўғридан-тўғри давлат бюджетига тушмаслиги ҳам маълум. Боз устига, сир эмаски, бу аҳоли қўлида бўлган нақд валюта оборотининг

криминаллашувига олиб келади. Пул тушумлари иктисодий фаровонлик ҳақидаги ёлғон тасаввурни уйғотади, аслида эса ушбу реципиент-мамлакатга қарамликдан (бу геосиёсий даражада бу каналнинг ёпиб қўйилиши билан боғлиқ доимий хавф дегани) далолат беради, шунингдек, донор мамлакат иктисодиётидаги мавжуд ютуқларни нивелирлайди.

Тадқиқот мавзуи доирасида, миграция жараёнларини бошқариш учун ўзлари ишлаётган мамлакат қонунлари ва нормаларига, жойдаги аҳоли анъаналари ва урф-одатларига кўникиш мумкин эмас деб ҳисоблаган мигрантларнинг кўрсатмалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу каби қатъий қарашлар “ўзимизники” ва “бегона” қабилдаги қарашларга таянган турли кўринишдаги экстремистик ғояларнинг ёйилиши учун замин ҳозирлайди.

Хорижга борган мигрантларнинг 20 фоизи тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан яшаётгани, уларнинг одам савдоси билан боғлиқ турли негатив ҳодисалар учун потенциал базасига айланишидан далолат беради.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>1-боб. Миграция: сабаб ва оқибат</b> .....	6
Халқаро миграциянинг қисқача тарихи .....	6
Халқаро миграциянинг ҳажми ва динамикаси .....	8
Халқаро миграциянинг салбий таъсири .....	13
Халқаро миграция даъватлари .....	14
Халқаро миграцияга кириш .....	16
<b>2-боб. Мигрантлар ким?</b> .....	18
Мигрантларнинг тоифалари .....	18
Мигрантлар қанча? .....	20
Тесқари миграция .....	21
Мигрантликдан фуқароликка .....	23
Мигрантлар, диаспоралар, транснационал жамиятлар .....	25
<b>3-боб. Миграция ва глобаллашув</b> .....	28
Тенгсизликнинг ўсиши .....	28
Глобал меҳнат кризиси .....	30
Меҳнат бозорларининг сегментларга бўлиниши .....	31
Туб ўзгаришлар.....	32
Миграция тармоқлари .....	34
Янги ҳуқуқлар ва қонушлар .....	35
Миграция саноати.....	36
<b>4-боб. Миграциянинг хусусиятлари</b> .....	38
Қайтиш.....	43
Ақл миграцияси .....	44

# МИГРАЦИЯ: МУСОФИР ВАТАНГАДОЛАР

*Масъул муҳаррир: А.Маврулов*

*Муҳаррир: А.Тилавов*

*Техник муҳаррир: Ю.Ўринов*

*Бадий муҳаррир: И.Заҳидова*

*Саҳифаловчи: Ю.Ўринов*

Нашр.лиц. № АІ 245. 02.10.2013.

Теришга 20.11.2015-йилда берилди. Босишга 21.12.2015-йилда  
рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. «Times New  
Roman» гарнетураси. Шартли б.т. 6,5. Напр б.т. 7,0 Адади  
2000 нусха. Буюртма №93. Бахоси шартнома асосида.

«Sano-standart» наприёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. e-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95.